

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

МУСИҚА ТАЪЛИМИ
йўналиши

**“ОЛИЙ ТАЪЛИМДА МУСИҚА
ТАЪЛИМИ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ”**
модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент -2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “28” мартдаги 274-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи:

Низомий номли ТДПУ доценти Д.А.Каримова

Тақризчи:

**Ўзбекистон Давлат консерваторияси
профессори А Лутфуллаев**

*Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2017 йил 28 декабрдаги
5/4.13- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	11
III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	17
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	109
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	119
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	125
VII. ГЛОССАРИЙ.....	126
VIII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	132

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Ўқитувчининг педагогик маҳорати – ўқув жараёнининг барча шаклларини энг қулай ва самарали ҳолатда ташкил этиш, уларни шахс камолоти мақсадлари томон йўналтириш, талаба- ўқувчиларда дунёқараш қобилиятини шакллантириш, жамият учун зарур бўлган фаолиятга мойиллик уйғотиш асосий вазифалардан ҳисобланилади.

Педагогик мақсаднинг ўзига хослигини қўйидагиларда билиш мумкин:

Педагогик фаолиятнинг мақсади жамият томонидан белгиланади, яъни педагогик фаолиятнинг натижаси жамият манфаатлари билан боғлиқдир. Унинг меҳнати ёшлар шахсини ҳар томонлама камол топтиришга ёналтирилган. Педагогик фаолият авлоднинг ижтимоий узвийлиги (кетма-кетлиги)ни таъминлайди. Бир авлод тажрибасини, иккинчи авлодга ўтказади, ижтимоий тажриба орттириш учун инсондаги табиий имкониятларни рўёбга чиқаради.

Педагог фаолияти доимо шахс фаолиятини бошқариш билан боғлик. Бунда педагогик мақсад ўқувчи мақсадига айланиши муҳимдир. Педагог ўз фаолияти мақсадини ва унга эришиш йўлларини аниқ тасаввур қилиши ҳамда бу мақсадга эришиш ўқувчилар учун ҳам аҳамиятли эканлигини уларга англата олиши зарур. Гёте таъкидлаганидек: «Ишонч билан гапир, ана шунда сўз ҳам, тингловчиларни маҳлиё қилиш ҳам ўз-ўзидан келаверади».

Педагогик таълим-тарбия жараёнида ўқувчи фаолиятини бошқариш шунинг учун ҳам мураккабки, педагог мақсади доимо ўқувчи келажаги томон йўналтирилган бўлади. Буни англаган ҳолда мохир педагоглар ўз фаолиятининг мантиқини ўқувчилар эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда лойиҳалайдилар. Ҳамкорлик педагогикасининг туб моҳияти ҳам ана шундан иборат.

Шундай қилиб, педагогик фаолият мақсадининг ўзига хослиги ўқитувчидан қўйидагиларни талаб қиласди:

- жамиятнинг ижтимоий вазифаларини тўла англаб, ўз шахсига қабул қилиши. Жамият мақсадларининг «ўсиб», унинг педагогик нуқтаи назарига айланиши;
- муайян ҳаракат ва вазифаларга ижобий ёндашиши;
- ўқувчилар қизиқишлигини эътиборга олиш, уларни педагогик фаолиятнинг белгиланган мақсадларига айлантириш.

Педагогик фаолиятнинг ўзига хослиги қўйидагиларда намоён бўлади:

Инсон ўзининг алоҳида хусусиятларига эга бўлган, рўй берадиган воқеаларни идрок қила оладиган ва уларга ўзича баҳо берадиган такрорланмайдиган фаол мавжудотдир. Психологияда таъкидланганидек,

ҳар бир шахс такрорланмасдир. У педагогик жараённинг ўз мақсади, иштиёқи ва шахсий хулқа эга бўлган иштирокчиси ҳамдир.

Педагог доимо ўсиб-ўзгариб борадиган инсон билан ишлайди. Уларга ёндашишда бир хил қолип, шаклланиб қолган ҳатти-ҳаракатлардан фойдаланиш мумкин эмас. Бу эса педагогдан доимо ижодий изланиб туришни талаб қиласди.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Олий таълимда мусиқа таълими фанларини ўқитишиш методикаси” модулнинг мақсади: тингловчиларни Олий таълимда мусиқа таълими фанларини ўқитишиш методикасига назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компитентликни ривожлантириш асосида таълим тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган. Тингловчиларни мусиқа таълими бўйича мутахассис кадрлар тайёргарлигига кўйиладиган талаблар мусиқа таълими фанининг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари фандаги анъанавий янги йўналишлар илмий – амалий хорижий тажрибалар каби ишлари мазмунини ўрганишга йишналтиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Мусиқа таълими фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **ТИНГЛОВЧИ**

- “метод”, “методика” ва “усул” тушунчаларининг моҳияти;
- тарих ўқитишиш методикасининг мақсади, вазифалари, обьекти ва предмети;
- мусиқа таълимидан ўқитишиш методлари, усууллари, воситалари, шакллари;
- мусиқа таълимидан ўқитишиш методикасининг илмий тадқиқот методлари;
- талабалар билими, кўникма ва малакаларини баҳолаш ва назорат турлари;
- мусиқа таълими фанидан мустақил таълимни ташкил этиш шакллари тўғрисидаги **билимларга эга бўлиши;**

Тингловчи:

- назарий ва амалий машғулотлар учун материалларни тўплаш ва уларни саралаш;
- мусиқа таълими учун маълумотларни самарали излаш;
- назарий ва амалий машғулотлар учун дидактик ишланмалар тайёрлаш;

- назарий ва амалий машғулотлар учун ўқув топшириқлари турларини белгилаш;
- мусиқа таълими фанидан ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш;
- ўқув топшириқлари учун иш қоғозларини ҳамма ўқув фанлари бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратлар учун синов топшириқларини тайёрлаш;
- мусиқа таълимидан илмий ва амалий қийматга эга ўқув материалини тайёрлай олиш;
- маъруза машғулоти учун мўлжалланган матннинг визуал хусусият касб этиши (ўқув ахборотининг график (схема, жадвал, диаграмма, тасвир ва б.) кўринишида бўлишига эришиш **кўникмаларини эгаллаши**.

Тингловчи:

- маъруза ва амалий машғулотлар, шунингдек, рейтинг назорати учун кейслар ва даражали тестлар тўпламини шакллантириш;
- мусиқа таълими бўйича тўгараклар, конференция ва маънавий-маърифий тадбирларни ўtkазиш
- овоз ва унинг имкониятларидан фойдалана билиш;
- бадиий ижрочиликнинг асосий ва ҳар хил шакл, жанр йўналишлари ижросини билиш;
- хорга дирижёрлик қила олиш **малакаларини эгаллаши**;

Тингловчи:

- методик билим асосида ўқув машғулотларини муваффақиятли таълим жараёнига қўллаши;
- талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини самарали йўлга қўйиш компетенцияларни эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Олий таълимда мусиқа таълими фанларини ўқитиши методикаси” модулини ўқитиши жараёнида:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, кичик гурухларда ишлаш, интерактив таълим методларини қўллаш назарда тутилади.

**Модулнинг ўқув режасидаги бошқа модуллар
 билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Мазкур курс фанлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, мусиқа тарихи, чолғу ижрочилиги ва ансамбл, вокал ижрочилиги, мусиқа ўқитиши методикаси ва мактаб репертуари, анъанавий ва халқ қўшиқчилиги, хўр ва хўршунослик, дирижёрлик каби фанлар билан узвий боғлиқдир. Унинг

амалдаги қўлланиш талабаларнинг вокал асослари, хор дирижёрлиги, мақом асослари чолғу ижрочилиги ва бошқа мусикий фанлардан олган билим кўникмаларига асосланади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим сифатини ошириш, ўқув-тарбия жараёнини модернизациялашда инновацияларнинг ўрни ва

уларни мақсадли йўналтиришга оид зарурий билим, кўникма ва малака-ларни ўзлаштирадилар ҳамда олий таълим муассасаси амалиётига кенг татбиқ этадилар

Модул бўйича соатлар тақсимоти

т/ р	Ўқув модулининг мавзулари	Хаммаси	Жами укув юкламаси	Жумладан		Мустақил таълим
				Назарий	Амалий	
1	Мусиқа фанларини ўқитиш методикаси педагогик принциплар тизимида.	6	6	2	4	
2	Мусиқа таълими фанларини ўқитиш методлари.	10	8	2	4	2
3	Мусиқа фанларни ўқитишда хорижий мамлакатлар тажрибалари	4	4	2	4	
4	Мусиқа таълими фанларини ўқитишда инновацион технологиялар асосида маъруза, семинар ва амалий машғулотларини лойихалаш	6	4	2	2	2
5	Ўқитиш жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги. Мусиқа таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш	4	4	2	2	
Жами		30	26	10	16	4

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Мусиқа фанларини ўқитиш методикаси педагогик принциплар тизимида.

Мусиқа таълимига кейинги йилларда кириб келган янги йўналишлар: дидактик назарияси ва принциплари, Мусиқа таълими ва тарбиясида тизимлилик, илмийлик ва давомийлик, ривожлантириувчи таълим, турлари, табақалаштирилган ёндашув, фалсафий –эстетик йўналиш, мусиқашунослик йўналиш, умумий мусиқа таълими тузилиши.

2-мавзу. Мусиқа таълими фанларини ўқитиши методлари.

Мусиқа ўқитиши методикаси, мусиқа ўқитишининг қонун –қоидалари, талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш, билиш жараёнида изланишга ундовчи методлар, эмоционал драматургия методи, хусусий метод, турлари, мусиқа таълимида иллюстрация методи, деференциал гурухлар, шахсни ривожлантиришда мусиқанинг ўрни, бола шахсини шакллантириш, эстетик шакллантириш, боланинг жисмоний тарбияланишида мусиқанинг роли, мусиқий таълимда мусиқий фаолиятлар, идрок ҳақида маълумот бериш.

3 -мавзу. Мусиқа фанларни ўқитишда хорижий мамлакатлар тажрибалари.

Мусиқа тарбиясини ғоявий-сиёсий жиҳатдан халқнинг ижтимоий тузумига хизмат қилиши, хорижий мамлакатларнинг ўқув меъёрий хужжатлари, Юнеско қошидаги мусиқий тарбия, мукаммал ривожланган шахсни ривожлантириш, мусиқий тарбияни умумдавлат аҳамиятга эга эканлиги, АҚШ ва Англиядаги мусиқа таълими тизими ва дарсдан ташқари тўғараклар, коллежлардаги ўқиши ва педагогик йўналишлар мусиқа ўқитувчиларни тайёрланаши. Британия радиоси орқали олиб бориладиган мусиқий эшиттиришлар, Дж. Кервен тизими, қироллик мусиқа коллежи фаолиятида мусиқа таълимига кўпроқ эътибор берилиши.

Японияда, Швейцарияда, Венгрияда, Германияда мусиқа таълими тизими. Гўзалликни улуғлайдиган мамлакатдаги машғулотлар, Япониядаги муаллимларнинг бошланич синфларга эътибори, «Судзуки» тизими, Япониядаги хор жамоаси, ёш скрипкачилар оркестри, Япониянинг куйловчи овозлари, юқори синфлардаги эстетик тарбия.

Эмил Жак-Далкрознинг мусиқий тарбия тизими. “Жак - Далкроз“ институтини ташкил этилиши. Е.Жак-Далкроз, Золтан Кодай, Карл Орф томонидан ишлаб чиқилган мусиқий тарбиянинг яхлит тизимлари турли мамлакатлардаги мусиқий тарбияга таъсири.

Болгария, Голландия, Руминия, Чехия, Россия, Эстония, Литва, Польша, Уругвайдага мусиқа талими тизими.

Болгарияда мусиқа дарслари, Борис Тричков томонидан ишлаб чиқилган "Столбица" (устун) методи, мусиқа дарсларида гуруҳли куйлаш, Болгария-да синфдан ташқари таълим. Голландияда Пер ван Хаувенинг мусиқий тарбия тизими, Дельфт мусиқа мактаби фаолияти. Руминияда З.Кодай, К.Орф, Е.Жак-Далкроз, Е.Виллем усулларини ўрганиш ва эстетик тарбия.

4 –мавзу Мусиқа таълими фанларини ўқитишда инновацион технологиялар асосида маъруза, семинар ва амалий машғулотларини лойихалаш.

Мусиқа таълими фанларини ўқитишда маъруза машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш. Мусиқа таълими фанлари бўйича семинар машғулотларини ташкил этиш. Мусиқа таълими фанлари бўйича амалий машғулотларини лойихалаш ва режалаштириш.

5 –мавзу Ўқитиши жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги. Мусиқа таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш.

Олий таълим тизимида талабаларни ўқув жараёнининг фаол ва ижодкор иштирокчиси сифатида шакллантириш. Ўқитиши жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги. Мусиқа таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этишнинг аҳамияти. Мусиқа таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Амалий машғулот: Педагогларда мусиқа таълими фанларини ўқитиши сифатларини ривожлантириш. (4 соат)

Мусиқа таълими ва тарбиясида тизимлилик, илмийлик ва давомийлик, ривожлантириувчи таълим, турлари, табақалаштирилган ёндашув, фалсафий-эстетик йўналиш, мусиқашунослик йўналиш, умумий мусиқа таълими тузилиши. Яккановозлик, жўрнавозлик ва жўрсозликларни ютуқ ва камчиликлари устида ишлаш. Мусиқа тинглашни қоидагаларини ўрганиш. Ностандарт тестлар ва топшириқлар ёрдамида педагогларнинг Мусиқа ўқитиши методикаси фанлари мазмунини такомиллаштириш.

2- амалий машғулот. Мусиқа таълим жараёнининг қонуниятлари.

Мусиқа таълимнинг ташкил этиш шакл, метод ва воситалари (4 соат).

Мусиқа таълим жараёнининг қонуниятлари. Мусиқа таълимнинг ташкил этиш шакл, метод ва воситалари. Мусиқа таълимни фанларини ўқитишининг мос келадиган методларини танлаш. Мусиқа таълими фанларини ўқитишининг воситаларини танлаш.

3-амалий машғулот. Мусиқий таълим бўйича ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибалар. (4 соат)

Ўқув фани бўйича аниқ мавзуларда кейслар тўпламини шакллантириш. Ўқув фани бўйича аниқ мавзуларда даражали тестлар тўпламини шакллантириш.

4-Амалий топшириқ. Мусиқа таълими фанларни ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойихалаш. (2 соат)

Ўқув фани бўйича аниқ мавзуларда ребус ва тестларни тайёрлаш. Ўқув фани бўйича аниқ мавзуларда топшириқларни тайёрлаш. Муайян мавзу бўйича назарий ёки амалий машғулот учун ўқув топшириқларини шакллантириш. Назарий ёки амалий машғулот учун мўлжалланган ўқув топшириқларининг иш қоғозларини тайёрлаш.

5-амалий машғулот. Ўқитиш жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги. Мусиқа таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш. (2 соат)

Муайян мавзуда ўқув машғулотини ташкил этиш учун аудиторияни жиҳозлаш. Муайян мавзуда маънавий-маърифий тадбирни ташкил этиш учун аудиторияни жиҳозлаш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Тест топшириқлари		1.2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари	2.5	0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.8 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

1. “ВЕНН ДИАГРАММАСИ” ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ (ГО)

Таълим олувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гурухларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

ГО қуидаги схема (график тасвир)га эга бўлиб, топшириқ шу схема асосида бажарилади:




График органайзер таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

2. “Кейс-стади” технологияси

“Кейс-стади” (инглиз тилида “case” – метод, “study” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) технологияси таълим олувчиларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш

кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. У таълим олувчиларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади.

Технологиянинг негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади.

Булар қуидагилардир: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва таълим олувчи ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари, ўкув натижалари.

3. “Концептуал жадвал” ГО

Таълим олувчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда таълим олувчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилияtlари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида ГОдан қуидагича фойдаланилади:

Ўқитувчи ечими топилиши лозим бўлган мавзу (масала)ни

Талабалар мавзу ва ГОдан фойдаланиш қоидаси билан

Талабалар кичик групкаларга бириттирилади

Групкалар ўзларига берилган топшириқни бажаради

Групкалар ечимни синф (груп) жамоаси ҳукмига ҳавола этади

Групкаларнинг ечимлари синф (груп) жамоасида мухокама

4. “Балиқ скелети” ГО

Таълим олувчиларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирилаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда таълим олувчиларда мантиқий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари ривожланади.

5. “Инсерт” ГО

Янги мавзу бўйича ўқувчи (таълим олувчи)ларнинг муайян тушунчаларга эгаликларини аниқлаш, уларда матнга нисбатан таҳлилий ёндашиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди.

6. “Кластер” ГО

“Кластер” (ғунча, тўплам, боғлам) график органайзери пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни таълим олувчилар билан якка тартибда, гурӯҳ асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари сурилган гояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

7. “Муносабат” методи

Технология таълим олувчиларга улар томонидан мавзу бўйича ўзлаштирилган билимларни эркин баён қилиш, мазмунини ўз фикри, хаётий мисоллар ёрдамида ёритилишини таъминлашга хизмат қиласди.

Ўкув жараёнида технологиядан фойдаланиш ўрганилаётган муаммо бўйича муайян масалаларни ҳал этиш, маълум жараён (воқелик, ҳодиса)нинг келиб чиқиши сабаблари, уларни бартараф этиш йўлларини топиш асосида таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, фикрини исботлаш ва турли вазиятлардан чиқа олиш кўникма, малакаларини ҳосил қиласди.

Технология тарбиявий характерга эга бўлиб, таълим олувчиларга ўзларида ижобий фазилатларни кўпроқ шакллантириш, салбий хислатлардан эса воз кечишлирида ёрдам беради.

8. “Нилуфар гули” ГО

Технология дидактик муаммоларни ечишнинг самарали воситаларидан бўлиб, нилуфар гули кўринишига эга. Асос, унга бириккан тўққизта “тулбарг” (квадрат, тўртбурчак ёки айланалар)ларни ўз ичига оладиган бу метод ёрдамида асосий муаммо ва унинг мазмунини ёритишга имкон берадиган хусусий масалалар ҳал этилади.

9. “Режа” методи

Метод таълим олувчилар томонидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий билимлар асосида педагогик фаолиятни ташкил этишга оид режани ишлаб чиқиши кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Уни қўллаш таълим олувчилардан ўрганилаётган мавзу мазмунини пухта ўзлаштириш, асосий ғояларни умумлаштириш, маълум тизимга солиш лаёқатига эга бўлишни тақозо этади.

Метод таълим олувчилар фаолиятини жуфтлик, гурух ва жамоа асосида ташкил этиш имконини беради. Уни маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, волонтёрлик ҳаракатларини олиб бориш, педагогик амалиётни ташкил этишда қўллаш янада самарали хисобланади.

Одатда режани ишлаб чиқишида педагогик вазият, таълим олувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, маънавий-маърифий ишнинг йўналиши, мазмуни ҳамда самарадорликка эришиш имкониятига эгалик инобатга олинади.


10. “Т-жадвал” ГО

График органайзер таянч тушунчаларни бир-бири билан ўзаро солишиши, қиёслаш асосида ўрганилаётган мавзу ёки масаланинг муайян жиҳатини бир неча асосий белгиларга кўра батафсил ёритиш мақсадида қўлланилади. Кўп ҳолларда график органайзер мавзу мазмунида ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарадорли ёки самарасизлигини, бугунги қун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослаш мақсадида қўлланилади.

11. “SWOT-таҳлил” стратегияси

Стратегия муаммонинг асосий тўрт жиҳатини ёритишга хизмат қилади. Таълим олувчилар мавзунинг мазмунига мос муаммоларни атрофлича ўрганиш орқали моҳиятини ёритади, уларни келтириб чиқарувчи омилларни излаб, ҳал қилиш имкониятларини топади.

У ёрдамида муаммонинг қуидаги тўрт жиҳати таҳлил қилинади:



12. “ФСМУ” стратегияси

График органайзер таълим олувчиларда ўрганилаётган мавзу юзасидан фикрларни мустақил баён этиш, шахсий мулоҳазаларни далиллаш (мисоллар билан асослаш), баҳслашиш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Таълим олувчиларга қуидаги схема билан ишлаш тавсия этилади:

№	Тушунчалар	(Φ)	(C)	(M)	(Y)
1.	Таълим методлари				
2.	Таълим воситалари				
3.	Таълимни ташхис қилиш				

13. “Қарама-қарши муносабат” стратегияси

Стратегия ўз моҳиятига кўра таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган билимларни таҳлил ҳамда синтез қилиш асосида мавзуни ёритишида аҳамиятли бўлган таянч тушунчаларни асосий ва иккинчи даражали сифатида гурӯхларга ажратиш имконини беради.

Таълим олувчилар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун уларнинг эътиборига қуидаги жадвални тақдим этиш мақсадга мувофиқ:


Таянч тушунчалар			
№	Мухим тушунчалар	№	Мухим бўлмаган тушунчалар
1.		1. 2.	

14. “Қарорлар шажараси”

Стратегия муайян фан асосларига оид бир қадар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хulosаларга келиш, муаммо юзасидан билдирилаётган бир нечта хулоса орасидан энг мақбул ҳамда тўғрисини топишга йўналтирилган техник ёндашувдир. У аввалги вазиятларда қабул қилинган қарорларни яна бир бора таҳлил қилиш, уни мукаммал тушунишга хизмат қиласи.

Таълимда стратегияни қўллаш ўрганилаётган муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хулосага келиш) учун таълим олувчилар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариантни таҳлил қилиш, мақбул ва номақбул жиҳатларини аниқлаш имкониятини яратади.

Унга кўра машғулотларда таълим олувчилар қуидаги чизма асосида ишлайди (у ёки бу тартибдаги фаолиятни олиб боришда ёзув тахтасидан фойдаланади):



III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу. Мусиқа фанларини ўқитиш методикаси педагогик принциплар тизимида

Режа:

1. “Мусиқа маданияти” дарсларининг дидактик принциплари.

2. Мусиқа дарсларини тизимлиликка асосланган ҳолда ташкил этиш.

Таянч тушунчалар: Товуш тембри, товушнинг баландлиги, қаттиқлиги (кучи). табиий товушқатор, товуш тўлқини, қўшимсч тўлқинлар, асосий тон. баландлик, қаттиқлик, чўзим, тембр, мусиқий тизим.

1.1. Мусиқа маданияти” дарсларининг дидактик принциплари

Мусиқа маданияти машғулотларлари педагогиканинг дидактик назарияси ва принциплари асосида тузилади. Мазкур принциплар мусиқа раҳбари ҳамда бола томонидан бажариладиган барча таълим асослари- машғулотлар мазмунининг методлари ва машғулотларларнинг тузилишидаги асосий талаблар ва унинг йўналишларини белгилаб беради. Мазкур принциплар асосан, ўқув материалларини қўллаш, мусиқа машғулотлари (дарслари) мазмuni ва режасини тузиш жараёнида қўлланади. Юқоридаги қайд этилган умумдидактик принциплари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, мусиқа машғулотларини давлат таълим стандартига мувофиқ миллий хусусиятларини асос қилиб мусиқа фаолияти изчиллигини таъминлайди.

“Мусиқа маданияти” дарсларининг дидактик принциплари бир неча турдан иборат:

1. Мусиқа таълими ва тарбиясида тизимлилик, илмийлик ва давомийлик принципи.

Мусиқа таълими ва тарбиясида тизимлилик, илмийлик ва давомийлик принципи ҳар бир машғулотларда ўзининг тузилиши ва мазмuni билан илмий асосда ташкил топиши лозим. Мусиқа ҳақидаги билимлар дойраси, мусиқа таълими ва тарбиясининг асосий омилидир. Унда инсоният яратган мусиқага оид қоидалар, хуласалар, умумлашган мусиқий тажрибалар ўз аксини топган. Уларни ўзлаштириш - мусиқа амалиёти йўлида билим ва қўйикмалар ҳосил қилиш демақдир.

- 
- 
- 1) Машғулотлар (дарслар) жараёнида ўқув материалларини болаларнинг билим тажрибасига мослиги, болалар овозининг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олиш;
 - 2) нота қонуниятларини тўғри ўргатиш, асосларини болаларнинг фикрий қобилиятига мос равищда таҳлил этиш;
 - 3) машғулотларининг илмийлик принципларини ташкил эташ:

Илмийликни, тизимлилиksиз амалга ошириш қийин. Машғулот (дарс)ларнинг барча ўқув фаолиятини ҳамда кейинги машғулот (дарс)ларнинг ўзаро мантикий боғланиши тизимлилик асосини ташкил этади. Куйлаш ва тинглаш учун асарларни билим ва малака даражасига кўтариб, соддадан мураккабга, номаълумдан маълумга қараб ўзлаштириб бориш принциплари муайян тартибга мос бўлиб, тизимлилик демакдир. Машғулотларнинг ҳар бир фаолияти ўз навбатида, ҳар бир машғулот, дарсларнинг мантикий давоми бўлиб, педагогик мақсадларни тобора амалга ошириши давомийлик принципи демакдир.

Мусиқа дарсларида мусиқий билимларни ўзлаштириш мукаммал ўйланган ва асосланган тизим бўйича ўтилиши ўта муҳим аҳамиятга эга. Бериладиган билимлар соддадан мураккабга қараб йўналтирилган бўлмоғи даркор. Ушбу принципнинг бузилиши болаларнинг ўқув материалини ўзлаштиришларига салбий таъсир кўрсатади, уларнинг мусиқа маданияти машғулот (дарс)ларига бўлган қизиқишиларини сўндиради. Мусиқий билимларни тушунтиришда мусиқа раҳбари (ўқитувчиси), аввало, ўтилган мавзуларга таянмоғи лозим. Мусиқа саводи, жумладан, мусиқий билимларни ўзлаштириш жараёнида бериладиган билимлар аниқ тизимга солинган бўлмоғи керак. Янги тушунча ва билимлар аввал ўзлаштирилган билимларга асосланган бўлиши, аста-секин кенгайтирилиб ва чуқурлаштириб борилиши лозим.

«...оддийдан мураккабга ва чуқурроқقا қараб борган ҳолда ўз дидимизни мумтоз мусиқанинг энг яхши намуналари, замонавий композиторларнинг энг яхши асарлари асосида тарбиялашимиз керак».

1.2. “Мусиқа маданияти” дарсларини тизимлиликка асосланган ҳолда ташкил этиш

Мусиқий билимларни ўзлаштириш ва кўнишка-малакаларни шакллантириш жараёнида болаларда ўзларига ишонч пайдо қиласи, рухларини кўтаради ва мусиқа машғулотларларига бўлган қизиқишиларини орттиради. Тизимлилик бузилса, болалар тез чарчайдилар, машғулотларни солишган дикқат ва қизиқишиларни бўшашиб боради, машғулотлар материалини ўзлаштириш пасайиб кетади.

Таълимда изчилликка риоя қилиш лозим, тики бугун олинган билимлар кечагисини мустаҳкамласин, эртага ўрганиладиганига замин яратсин. Шу маънода барча гурухларда мусиқий билимларни бериш тизими (мазмуни)нинг таҳлил қилиш ҳамда уни тартибга солиш катта аҳамиятга эга.

2. Машғулот (дарс)ларда болаларни онглилик ва фаоллиги принципи. Мазкур принцип дидактиканинг етакчи принципларидандир.

Чунки, билимни ўзлаштириш боланинг ақлий фаолиятига асос бўлган билиш жараёнига боғлиқдир. Мусиқа идроки кишининг ҳаётий тажрибасини бойитади, реал воқеаларни бадиий ҳис этиб, билиш, фикрлаш қобилиятини ўстиради. Мазкур малака ва кўникманинг шаклланиши бола онгининг узоқ ривожланиш жараёнини талаб этади. Бунинг учун, боланинг ўқув материалларини онгли равишда билиб ўзлаштириш билим жараёнларини фаоллигини вужудга келтириши лозим.¹

Маълум мусиқа асарини куйлаб ёки тинглаб ўзлаштириш ва ундан бадиий-эстетик, завқланиб, **идрок этишда**, боланинг энг аввало, диккат эътиборини жалб эта билиш унда қизиқиш ўйгота билиш, онглилик ва фаолликни вужудга келтиради.

Мусиқани **онгли идрок этиш** ва ўз навбатида бадиий оҳанг ва мантиқий жиҳатдан хотирада турғун сақланиши талаб этади.

Мусиқа машғулотларида онглилик ва фаоллик айниқса, вокал-хор малакаларини шакллантирилиши учун зарурдир. Хор бўлиб қўшиқ куйлаш, мусиқа тинглаш, мусиқа саводи, фаолиятларида ҳам онглилик ва фаоллик мусиқани назарий ва амалий жиҳатларини тўғри билиш ва ўзлаштиришни осонлаштиради.

3. Мусиқа машғулот (дарс)ларида кўргазмалилик принципи.

Мусиқа таълимида кўргазмали идрок этиш катта имкониятларга эгадир. Эслаб колишда кўргазмалиликнинг ўзи эмас, балки унинг нутқ ва амалий фаолият билан бириктирилиши муҳимдир. Шунинг учун ҳам бошланғич гурух болалари шахсини шакллантиришда қўлланиладиган мусиқий билимлар қўлами, мазмунини танлашда мазкур принципга мослигига алоҳида эътибор қаратилади.

Кўпинча кўргазмалилик принципини ўқув-билиш фаолиятидаги жонли мушоҳада ва тафаккурнинг узвий боғлиқлигини таъкидлаб, аниқ ва мавунинг бирлиги сифатида, яъни хусусийдан-умумийга, аниқдан мавшмга ўтиш; бошқа ҳолларда эса мавшмдан муайян тушунча ва фактларга ўтиш тарзida талқин қилинади.

К.Д.Ушинский кўргазмалилик принципининг педагогик самараси ҳақида шундай деган: «...бу шундай таълимки, у мавшм тасаввур ва сўзларга эмас, балки болалар бевосита идрок қиласидиган маълум образларга асосланади...». Мазкур принцип кўргазмали методни танлашда унинг илмий-дидактик вазифаларини назарда тутиб, эътиборни мақсадга мувофиқлигига қаратади.

Мусиқа тарбиясида мусиқанинг ўзи кўргазмали воситадир. Чунки, у кўз билан эмас, балки қулоқ билан идрок этилади. Мусиқа тинглашда ҳам,

¹ National Music Participation Director report, October 2010. <http://www.thefms.org/wpcontent/uploads/2010/12/nmpd-music-data-report-october-2010-final.pdf>

асар таҳлилида ҳам, оҳанг кўргазма сифатида чалиб кўрсатилади. Мусиқа раҳбарининг ўзи, нутқи, ижроси ҳам асосий кўргазма бўлиб хизмат қиласиди. Бундан ташқари, турли тажриба-синов материалларини: методик тавсиялар, машғулотлар ишланмалари, схема, жадваллар, бошқотирмалар, техник воситалар, кўргазмали карточкалар, график ёзувлар, расмлар,nota ёзувлари, назорат ва бошқа дидактик материаллар ва қўлланмаларни тайёрлашда ҳам ушбу принципга суюнилади.

4. Ўқув материалларининг болалар билим ва малакаларига мослиги принципи

Мазкур принцип, дастурдан танлаб олинган ўқув материаллари ва мазкур методик материаллар асосида машғулотлар мазмунини тузиш жараёнида қўлланилади. Бунда ҳар бир гуруҳнинг умумий билим ва малака даражаси ҳисобига олиниши шарт. Дастур асосида ҳар бир гуруҳнинг билим ва малакалари ҳисобига олинган ҳолда, мусиқа машғулотларининг йиллик календар-мавзули режаси тузилади. Календар-мавзули иш режасининг тузганда, унинг мазмунида болаларнинг ёш хусусияти, мусиқий ўқуви, янги қўшиқлар, мусиқа тинглаш учун асарлар, мусиқа саводидаги ўқув материаллари, машғулотлар фаолиятлари ҳисобга олинади.

5. Мусиқа машғулот (дарс)ларида билим ва малакаларининг мустаҳкамлиги принципи

Мазкур принципни амалга оширишнинг энг асосий шарти, юкорида баён этилган тўртта принципга жиддий амал қилишдан иборатdir. Биринчидан билим ва малакаларнинг чуқурлиги, мустаҳкамлиги ва ҳаётйлигини таъминлаш лозим, яъни мазкур асарни ва унинг ижро услубини, маданий ҳаётимиз учун зарур эканлиги ҳақида болаларда ишонч ҳосил килиниши лозим.

Иккинчидан асарларни танлашда қўйидагиларга амал қилиш керак:

Асарларни танлашда-

- а) Асарнинг болаларни бадиий ва ахлоқий тарбияси учун мослиги.
- б) Мусиқа таълимининг хусусияти.
- с) Гуруҳдаги барча болаларни мазкур асарга кизиктира олиш ва тўла ўзлаштиришга эришиш.

Учинчидан машғулотларда олинадиган билимлар доираси ва малакаларини амалиётда такрорлаш ва мустаҳкамлаш. Масалан: Қўшиқларни жумлаларга бўлиб ўргатиш ва кейинги машғулотларларда мустаҳкамлаб такрорлаш.

Тўртинчидан мусиқа машғулот (дарс)ларида ҳар бир янги билим элементи машғулотлар фаолиятида тўлиқ ўзлаштирилади ва кейинги машғулот (дарс)ларда кенг қўлланилиб, доимий билимга айлантирилади.

6. Таълим ва тарбиянинг бирлиги принципи. Мактаб болаларига таълим бериш билан бирга тарбиялаш, яъни уларнинг ақлий ва ахлоқий шаклланишларини бир бутунликда амалга ошириш зарур. Мусиқа машғулотлари болаларга мусиқий билимларни бериш билан бирга уларнинг ахлоқий сифатларини ҳам шакллантириб боради. Қандай фаолият тури бўлмасин, ҳоҳ мусиқа тинглаш, ҳоҳ қўшиқ куйлаш, ҳоҳ мусиқа саводи, ҳоҳ мусиқа остида ритмик ҳаракатлар бажариш ва мусиқий асбобларда жўр бўлиш - буларнинг барчаси болаларнинг ахлоқий фазилатларини шакллантиришга хизмат қиласди. Шунингдек, мусиқий дид, мусиқий қобилият, мусиқий тафаккур, мусиқий идрок, мусиқий дунёқараш ва мусиқа маданиятини шакллантиради.

Болаларни мусиқий-эстетик тарбиялашнинг қулай шарт-шароитлари сифатида қуидагиларни тавсия этади:

- дарсларнинг мақсадга йўналтирилганлиги (эстетик тарбия борасида);
- мусиқа дарсларининг аниқ тузилиши ва ўтилаётган материалга мувофиқлиги;
- ўргатиладиган материални тўғри танлаш (кatta бўлмаган, лекин ёрқин асарлар) ва таълимга мос усул ва услубларни танлаш;
- мусиқа ўқитувчисининг ҳар бир синф (гурух) ва ҳар бир боланинг ўзига хос хусусиятларини билиши;
- мусиқа мусиқа ўқитувчисининг маҳсус йўналтирилган иши болаларнинг мусиқий-эстетик тарбиясининг асоси сифатида бўлиши;
- мусиқа ўқитувчисининг болаларга мусиқий-эстетик тарбия беришида узвийлик ва тизимлиликка эришиш;
- бутун дарс (машғулот)лар давомида мусиқа ўқитувчи томонидан маълум бир психологик мухитнинг яратилиши;
- эстетик ҳарактердаги кечинмаларни ҳосил қилиши;
- мусиқа ўқитувчисининг эстетик, методик, психологик ва педагогик жиҳатдан тайёр бўлиши;
- ота-оналарнинг болалари эстетик диди, қизиқиши ва ҳиссиётларига эътибор бериши.

7. Мусиқа таълимига табақалаштирилган тарзда ёндашиш принципи.

Болаларнинг қобилияти, имкониятларига мувофиқ равишда мусиқага қизиқишлигини ошириш ва мусиқа билан шуғулланишнинг ўзига хос йўлларини танлаш, уларнинг мусиқий диди, мусиқий идроки, мусиқий дунёқарashi ва мусиқий маданиятлари шаклланишини таъминлашда мухим ўрин тутади. Болаларнинг билим олишга бўлган эҳтиёжларини янада тўлароққ қондиришга йўналтирилган дидактик чоралардан яна бири мусиқа

таълими мазмунини табақалаштиришdir. Табақалаштирилган ёндашув асосида болалар мусиқий билимларнинг узвийлигини таъминлаш учун босқичлараро боғланишга оид амалий топшириқларни бажаришда турли тайёргарликка эга бўлган болаларнинг ҳар бирида мавжуд бўлган ўкув имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўз билимларини қўллашлари ва индивидуал ютуқларга эришишларини таъминлаш кўзда тутилиши лозим.

Бу соҳада мусиқий билимларни ўзлаштиришда гуруҳдан ташқари олиб бориладиган кўринишлари ҳам ўқиши табақалаштириш учун катта имкониятларни очиб беради. Мусиқа таълимини табақалаштириш учун болаларнинг билим даражаларини текшириб чиқиб, уларни уч гурухга ажратиши:²

1-гурухга - мусиқани севадиган, мусиқашунос бўлиш истагидаги, машғулотларларда ўта фаоллиги билан ажралиб турувчи болалар.

2-гурухга - Мусиқий раҳбарнинг барча талабларини ўз вақтида бажарувчи, лекин мусиқий тўгаракларга қатнашмайдиган, ўзлари мустақил вазифа бажармайдиган, бироқ машғулотлар вазифаларини ўз вақтида бажарадиган болалар.

3-гурухга - уйида мусиқага кам эътибор бериладиган, берилган вазифаларни ўз вақтида бажармайдиган, паст ўзлаштирувчи болалар.

Болаларни яна овоз диапазонига қараб ҳам табақалаштириш мумкинлигини кўрсатиб берш. Овозга қараб табақалаштиришда фақат овозни ҳисобга олмасдан, болалар мусиқий билимларини қай даражада ўзлаштирганликларини ҳам ҳисобга олишни таъкидлаб ўтган.

Мусиқий билимларни ўзлаштиришни ҳам болаларнинг шахсий хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Мусиқий билимлар мажмуаси (мазмуни) ва методикасини белгилашда шахсий хусусиятларини инобатга олиш ҳам мухим таълимий-тарбиявий шарт ҳисобланади.

8. Таълим жараёнида болаларнинг ёши ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш принципи. Ушбу принцип ўкув материалининг мазмуни, унинг ҳажми, ҳарактери у ёки бу гуруҳ болаларининг жисмоний ривожи, умумий тайёргарлик савияси ва имкониятларига мос бўлишини тақозо этади.

Ушбу принцип мусиқий таълим нинг икки томонини назарда тутади:

1) Мусиқа таълимида маълум гуруҳ учун белгиланган ўкув материалларининг ҳарактери, мазмуни ва ҳажми шу гуруҳ болаларининг ёш хусусиятларига мос бўлмоғи лозим;

² *Music Education in England: A review by Darren Henley for the Department for Education and Department for Culture, Media and Sport, 7 February 2011.*

2) Ҳар бир гуруҳ учун белгиланган мусиқий билим ҳажми шу гуруҳ болаларининг савиясига мос бўлиши керак.

Бу принцип мусиқий билимларни ўзлаштириш жараёнида ўта муҳим аҳамият касб этади. Чунки мусиқий билимларни болаларга содда, лунда қилиб тушунтирилмаса, уларни ўзлаштириш яхши натижа бермайди. Кўпинча ўзлаштирилган билимлар содда, ўзлаштирилмаган мавзулар мураккабдек кўринади. Таълимнинг содда бўлиши у ёки бу ўқув материалини ортиқча уринмай тушуниб олинишидир. Болалар яхши тушунган, ўзлаштирган билимларини янги (мураккаб) тушунчалар билан аниқ ва равshan боғлаш натижасида содда вазифаларни бажариб, мураккаб вазифаларни ўзлаштиришга ҳозирланиб борадилар. Мусиқий билимлар тизимини шакллантиришда айнан шу принципга амал қилинади.

9. Билим берувчи, тарбияловчи, ривожлантирувчи таълим принципи. Мусиқий билимларни ўзлаштириш жараёнида бола шахсини шакллантиришда бу принципдан мақсадга мувофиқ, мунтазам фойдаланиш лозим. У ўқитишнинг билим берувчи, тарбияловчи ва ривожлантирувчи вазифаларини чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб боришга хизмат қиласди. Ўқитишнинг билим берувчи вазифалари болаларнинг факт, ҳодиса, тушунча ва хуносаларни ўзлаштиришлари зарурлигини белгиласа, тарбияловчи вазифалари бола шахсининг маълум эътиқод ҳамда ахлоқий сифатларини шакллантиришга қаратилган. Ривожлантирувчи таълим эса мусиқий материални ўрганиш болаларда қандай кўникма ва малакаларни шакллантиришга умумий ва мусиқий тафаккурнинг қайси жиҳатларини ривожлантириш лозимлигига эътибор беради. Шунингдек, билим бериш ва болаларни ҳар томонлама камол топтириш жараёнлари орасида узлуксиз алоқа ўрнатилишини талаб қиласди.

Ўзлаштириладиган билимлар ҳосил қилинадиган кўникма ва малакалар учун асос бўлиб хизмат қиласди. Юқорида қайд қилинган машғулот(дарс)лар болаларда мустақил фикр юритиш, мусиқий материални замон ва маконда таҳлил қилиш, мусиқа асарларини ўхшашлик ва фарқ қилувчи хусусиятларига қараб таққослаш, мусиқий фактлар ўртасида мавжуд бўлган сабаб - оқибатли алоқани аниқлаш каби кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга кўмаклашади.

Мусиқий билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчи шахсини шакллантиришнинг мазмуни ва методикаси, шакл ва усуллари, бир сўз билан айтганда унинг педагогик тизимини яратиш - мусиқий педагогиканинг ҳозирги даврдаги энг долзарб муаммоларидан бири. Бу тизим мусиқа санъатининг воситалари орқали шахсни шакллантиришнинг умумий педагогик принципларидан иборат бўлмоғи лозим. Шунингдек, у маълум

усуллар ва шаклларни ҳамда илмий-методик тавсияларни ўзида мужассам этиши керак.

Э.Б.Абдуллин: - «...Мусиқий таълимнинг моҳияти, мақсад ва вазифалари, йўналиши, мазмун ва жараёнининг ҳарактерини очиб беришда принциплар асосий ўрин эгаллайди», дейди. У мусиқий таълимдаги бир нечта принципларни йўналишларга ажратади:

1. Фалсафий-эстетик йўналиш (... Мусиқий таълим да инсонпарварлик қараси; бола шахсини санъат билан мулоқотда ўз-ўзини баҳолаши...).

2. Мусиқашунослик йўналиши (... халқ, миллий ва замонавий мусиқа бирлигига таяниш; мусиқа жанрлари ва уларнинг ҳаёт билан боғлиқлигига таяниш; тинглаш, ижро этиш, ижод этиш фаолият асоси сифатида...).

3. Бадиий-психологик йўналиш (... Мусиқий таълимда онг ва тафаккур бирлигига таяниш...).

4. Бадиий-дидактик йўналиш (... Мусиқий таълим -тарбия бирлиги, изчиллик ва тизимлилиқ, илмийлик, мусиқий таълим натижалари мустаҳкамлиги...).

5. Мусиқий педагогик йўналиш (... образлилик ва бутунлик, мусиқий-педагогик мақсад ва воситалар алоқадорлиги, бадиийлик ва технология бирлиги...)³.

Айни вақтда шуни таъкидлаш жоизки, бола шахсини шакллантиришда амал қиласиган илмий асосланган мазмун ва методика, шакл ва усуслар муайян педагогик принципларга амал қилиши лозим. Бу принциплар таълим-тарбиянинг давр талабига, яъни замонавий ижтимоий буюртмага мослиги, педагогик жараёнда объектив-субъектив жараёнларнинг уйғулиги, таълим-тарбияда мақсад, мазмун, метод ва воситаларнинг бир-бири билан боғлиқлиги каби педагогиканинг умумий қонуниятларига асосланади. Натижада, мусиқий билимларни ўзлаштириш жараёнида бола шахсини шакллантириш учун қуйидаги принциплар муҳим ва улар нафақат мусиқий таълим стратегиясини, балки таълим ва тарбиянинг бошқа масалаларини ҳам муваффақиятли ҳал этиш имконини беради. Мусиқий билимларга оид мазмунни белгилаш, унга монанд методика, таълим шакли ва усусларини танлашда, педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқишида бу принципларга амал қилиш пировард педагогик ижобий натижанинг самарасидир.

10. Назариянинг амалиёт билан узвийлигини таъминлаш принципи. Мусиқий билимларни ўзлаштиришда назарий билимларни амалий фаолият билан боғлаган ҳолда машғулотлар ўтиши, ўзлаштириш самарадорлигини оширади.

³ *Making more of music: an evaluation of music in schools 2005/08, Ofsted, February 2009.*

Мактабгача таълим муассасаларида мусиқий жараёнлар ўрганилиши керак бўлган қуидаги фаолиятларни ўз ичига олади:

Қўшиқ қуйлаш <-> мусиқа тинглаш, ритмик ҳаракатлар бажариш жараёнида мусиқа ижодкорлари, мусиқанинг ифодавийлик воситалари, мусиқа тарихи, мусиқий жанрлар ҳақида (сада қилиб) маълумотларни беради.

Мусиқа тинглаш <-> кўйланадиган ёки тингланадиган куйнинг нота хусусиятларини, динамик белгилари, суръати, куй йўналинишини онгли кузатиш ва ижро этиш имконини беради.

Мусиқий-ритмик ҳаракатлар бажарии <-> кўйланадиган ёки тингланадиган куйнинг суръати, усулини ўргатади. Ритмсиз куй бўлмайди. Шунинг учун бирор куй нотўғри ритмда ижро этилса, мусиқий асар ўз шаклини йўқотади. Машғулотларларда амалий машқлар жараёнида мусиқий асарга хос ритмик ҳаракатлар бажарилади (рақс элементлари).

Болалар мусиқа чолгу асбобларида мусиқага жўр бўлиши <-> кўйланадиган ёки тингланадиган асарнинг яратилиш тарихи, уша даврнинг хусусиятлари, яратувчилари ҳақида маълумот беради.

Мусиқий билимларни ўзлаштириш билан бирга, ўзлаштирилган билимларнинг бошқа фаолиятлар билан узвийлигини таъминлаш ҳам зарур.

Умуман, юқорида кайд этилган принциплар мусиқий билимларни ўзлаштиришда, болаларнинг шахсий хусусиятларини шакллантириш ва уни амалиётга жорий қилиш учун методик шароитларни ишлаб чиқища асос бўлади. Хулоса қилиб айтганда, педагогиканинг умумдидактик принциплари, мусиқа маданияти машғулотларлида мухим аҳамиятга эга бўлиб, мусиқани ҳаёт билан боғлашда катта аҳамият касб этади.

Назорат саволлари:

1. Мусиқа маданияти дарсларининг дидактик принциплари деганда нимани тушунасиз?
2. Мусиқа дарсларини тизимлилик принципига маос равища ташкил этиш деганда нимани тушунасиз?
3. Мусиқий билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнини айтиб беринг.
4. Умумий мусиқа таълими тузилишини тушунтириб беринг.

Адабиётлар рўйхати:

1. Музыкальная психология: Учебное пособие. / автор сост. Кадиров Р.Г., -Т.: Музыка, 2005.
2. Соипова Д Мусиқа ўқитиши назарияси ва методикаси -Т. 2009 ЎзДК

3. Шарипова Г.Мусиқа ўқитиши методикаси -Т. Турун -Истиқбол 2008.

2-мавзу. Мусиқа таълими фанларини ўқитиши методлари. Режа

1. Ўқув-тарбиявий жараённинг тузилишини умумлаштириш.
2. Ўқитиши фаолиятидаги методлар.
3. Мусиқий билимларни ўзлаштириш жараёнида бола шахсни шакллантириш.

Таянч тушунчалар: Методика, мусиқавий соз, темперацияланган соз, ярим тон, бутун тон, диапазон, регистр, мусиқий диапазон, товуш чўзими.

2.1. Ўқув-тарбиявий жараённинг тузилишини умумлаштириш.

Мусиқа ўқитиши методикаси - бу педагогиканинг бир қисми ҳисобланиб, педагогика фани сифатида тажрибада синалган ишларни назарий қисмларини -усул, услуг, воситаларини умумлаштириб, амалиётда самарали натижалар берган ўқитиши методларини тақдим этади. Ушбу методлар Ўқув-тарбиявий жараённинг тузилишини умумлаштириб, унга кирувчи алоҳида ва бир бутун вазифаларни ҳал этиш билан шуғулланади.

“Метод” юонон тилидан олинган бўлиб, “йўл”, “усул” деган маъноларни англатади. “Методика” сўзи грекча сўз бўлиб, “тадқиқот йўли”, “билиш усули” деган маънони англатади ва таълим-тарбиянинг алоҳида қисмлари бўлиб ҳисобланади уларнинг йиғиндиси мусиқа ўқитиши методлари дейилади

Мусиқанинг ўқитиши методлари - мактаб болаларининг билим, маҳорат ва малакаларини эгаллашда, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда ва дунёқарашини таркиб топтиришда мусиқа раҳбариларнинг қўллаган иш усуллари тушунилади.

Методика асосан, педагогика, психология, эстетика ва санъатшуносликнинг тадқиқот натижаларига асосланади. У мусиқа ўқитишининг қонун-қоидаларини таърифлаб беради, келажак ёш авлодни тарбиялашда қўлланадиган замонавий методларни белгилайди. Методика, таълим-тарбия жараёнида мусиқа раҳбарининг болалар билан ишлаш усулларининг, мазмунини англатади. Мусиқа ўқитиши методикаси мусиқа раҳбаридан истеъодд, қобилиятлар ва иштиёқлар мавжуд бўлишини талаб этади, чунки, санъат педагогикаси машаққатли ва жуда масъулиятли соҳадир. Мусиқани ўқитиши методикаси, юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда, мусиқа машғулотларининг ташкил этиш усуллари ва йўлларини ўргатади.

Хозирги кунда мусиқа ўқитиши методикаси бирданига келиб шаклланган фан эмас, балки бунга қадар мазкур фанни шаклланиши ижодий ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтган. Республикаизда мусиқа ўқитиши методикасини шакллантиришда маҳаллий олимлар, методистлар, тажрибали мусиқа раҳбариларнинг қатор изланишлари, ўқув қўлланмаларининг аҳамияти катта бўлади. Педагогиканинг методика соҳасидаги сўнгги ютуқлари талабаларни педагогика фаолиятига тайёрлаш, уларни методик билим ва маҳоратлар билан қуроллантириш, мусиқа ўқитиши методикасини бу мақсадга эришиш учун амалий машғулотлар мобайнида узоқ меҳнат қилишни талаб этади.

Маълумки, мактабгача таълим муассасаларда болаларнинг ёш физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қўникма ва малакаларига мувофиқ⁴ мусиқа ўқитиши методикаси қўлланилади. Бу ерда таълим усули, ўқув материалларининг (ўқув режа, дастур, дарслик) таълим принциплари, ўқув-тарбиявий ишларнинг умумий мақсад ва вазифалари энг муҳим аҳамиятга эгадир.

Демак, мусиқа ўқитиши методикаси талабаларнинг мусиқа санъатига ўргатишнинг мазмуни, вазифалари, методларини ўргатувчи ва ўқув жараёнларини ташкил этувчи шакл ва йўлларини тадбиқ этувчи фандир. Мусиқа ўқитиши методикаси вазифаларини амалга оширишда, мусиқа ўқитишининг қатор методлари билан биргаликда, педагогиканинг амалий йўналишини унумли методлар эгаллаб, мусиқа машғулотларида қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

2.2. Ўқитиши фаолиятидаги методлар.

Мусиқа ўқитиши методикаси вазифаларини амалга оширишда, мусиқа машғулотларида ўқитишининг унумли методларидан унумли фойдаланишга боғлиқ. Етук олимларимизнинг тадқиқотларида мактаб мусиқа ўқитувчисининг шахсияти ва унга бўлган касбий талаблар ва болалар муносабатини, хусусий методлардан фойдаланиш жараёнида ҳал қилиш лозимлигини илмий асосда таърифлаб берганлар. Унумли метод - бирор бир фаннинг амалий ва ижодий ишлари мазмунини ва мавзусини кенг ёритиб бериш ва мустаҳкамлашда, мусиқа раҳбари ва бола фаолиятида узаро алоқадорлигини ва болаларни билиш жараёнида изланишга ундовчи методдир. Унумли методлар ўқитиши фаолияти ва мақсадига қараб тўртга бўйинади:

1. Машғулот (дарс)ларнинг мусиқий умумлаштирувчи методи.

⁴ Cross, J. (2012) *Digital Media in the Music Classroom*, Rhinegold Education

2. Ўтилажак машғулот(дарслар)га олдиндан «югуриб», боғлаб ўтиш ва илгари ўтилганларга қайтиш методи.

3. Машғулот (дарс)лар мазмунининг эмоционал драматургияси методи.

4. Машғулот (дарс)ларнинг педагогик жиҳатдан кузатилиши ва билимларнинг баҳоланиши методи.

Энди ҳар бир методни алоҳида кўриб чиқамиз.

1. Машғулот (дарс)ларни мусиқий умумлаштирувчи методи етакчи методлардан бири бўлиб, болаларни мусиқа идроки, мантиқий бадиий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилгандир:

а) Мусиқа раҳбари (ўқитувчиси) машғулот (дарс)ларда ҳал қилиниши лозим бўлган конкрет вазифаларни вужудга келтиради;

б) Мусиқа раҳбари (ўқитувчиси) ва бола ўзаро ҳамкорликда масалани ечади;

в) Болалар томонидан якуний хулосалар чиқарилади.

2. Олдинга «югуриб ўтиш», яъни илгари ўтилган материалдан фойдаланиб, болаларни янги материал ўзлаштиришга тайёрлигини синаб кўриш ва бунда олдин эгаллаган билимларга суюниш учун фойдаланилади.

3. Эмоционал драматургия методи билан машғулотларнинг мантиқий яхлитлигига эришилади.

Бунда чорак мавзуси асосида машғулотлар режаси учун асарлар танланади. Танланган мавзулар ҳам мақсадга мувофиқ бўлиб, бошланиши ва якунланишига боғлиқдир. Мусиқа раҳбари машғулотларни ижрочилик маҳорати, сўз усталиги билан қизиқарли қилиб ўтиши керак ва болаларни машғулотларга фаол қизиқтириб, машғулотларнинг эмоционал драматургияси, яъни авжига эришиши лозим.

Мусиқа маданияти ўқитувчиси мактабда мусиқа дарсларидан ташқари концертлар, бадиий кечалар, учрашувлар ўтказиши талаб этилади.

Машғулот (дарс)ларни педагогик кузатилиши ва билимларни баҳолаш мақсадга қараб бир неча турларга бўлинади:

а) Болаларни билиш фаолиятини ташкил этувчи ва амалга оширувчи тури.

б) Билим фаолиятини рағбатлантириш ва танбеҳлаш талабларини қўйиш.

в) Ўқиши, билиш фаолиятини самарадорлигини бошқариш ва назорат қилиш. Баҳолашда шундай эҳтиёткор бўлиш керакки, болаларнинг кайфияти тушиб кетмасин, машғулотларга, қўшиқ кўйлашга қизиқиши сўнмасин. Рағбатлантиришда эса аксинча. Мусиқа раҳбари ва бола муносабатлари меъёрдан чиқиб кетмаслиги керак. Балки, рағбатлантириш, гуруҳда бошқа

болаларга намуна бўлиб хизмат қилсин ва улар одобли, ақилли бўлишга интилсинглар.

Шундай қилиб, мусиқа ўқитишнинг хусусий методларидан ташқари бошқа турлари ҳам мавжуд:

1. Мусиқа ўқитишнинг оғзаки методлари.
2. Кўргазмали ўқитиш методлари.
3. Амалий ўқитиш методлари.
4. Ўйин методлари.
5. Таққослаш методлари.

6. Мусиқий ўқуви, мусиқий эшитиш қобилияти бўш бўлган болалар билан ишлаш методлари.

1. Мусиқа ўқитишнинг оғзаки методлари.

Мусиқа машғулотларида мусиқа раҳбарининг сўз маҳоратига алоҳида талаб қўйилади. Мусиқа раҳбари ўзининг асар ҳақидаги бадиий кириш сўзи билан болаларни ажойиб ва сехрли мусиқа оламига олиб киради ҳамда қизиқарли ҳикоя ёки суҳбат йўли билан болалар диққатини жалб қилиб, мусиқани бадиий идрок этишларига эришади.

Ҳикоя - бу мусиқа раҳбарининг мусиқа асари ҳақида жонли, эмоционал ёрқин баёни. Ҳикоя қисқа, образли, жонли, қизиқарли бўлиб, унинг мақсади болаларни асарни бадиий идрок этишга ўргатиш.

Суҳбат - мусиқа раҳбари ва болалар орасидаги диалог шаклидаги фаолиятидан иборат бўлиб, болаларни мустақил фикрлашга ундиади. Уларнинг нутқини ўстиради, фикрий фаолиятини кучайтиради, билиш қобилиятини фаоллаштиради ҳамда дунёқарашини кенгайтиради.

Тушунтириш-илмий исботлаш методи сифатида мусиқа машғулотларида қўлланилади. Бу асосан, мусиқа саводи фаолиятида қўлланилади.

2. Кўргазмали ўқитиш методлари.

Маълумки, мусиқа ҳаракатланувчи куй ва гармоник товушларидан иборат бўлган санъатdir. Уни фақат эшитиш органи орқали тинглаб идрок этиш мумкин. Кўргазмали ўқитишни эса, нота ёзувларини, плакатлар, расмлар, мусиқа раҳбарининг сўзи, дирижёрлик ифодалари, рақс ҳаракатлари, болалар чолғу асбоблари, мусиқани жонли ва аниқ ижроси, техник воситаларидан фойдаланилади. Демак, мусиқанинг жонли янграши машғулотларда асосий кўргазма бўлиб хизмат қиласи.

Мусиқа таълимидағи кўргазмалилик турлари:

1. Табиий кўргазмалар (табиатдан олинган).

2. График күргазмали қўлланмалар (чизма, схема, жадваллар).
3. Тасвирий күргазмалар (суратлар, фотосурат, видеофильмлар).
4. Муайян белгиларни ифодалайдиган рамзий күргазмалар.
5. Эшиттиришга доир күргазмалар (граммпластиналар, магнит ленталари, компьютернинг эшиттириш мосламалари СД, ВСД, ДВД дисклар).

Мусиқа таълимида иллюстрация методи асосан плакатлар, чолғу асбоблари, стенд, чизмалар, композиторларнинг суратлари, жадваллар кабиларни кўрсатишни ўз ичига олса; намойиш этиш методларига асл ҳолидаги табиий объектларни кўрсатиш, машғулотлар жараёнида эса техник намойиш, яъни замонавий компьютер, ахборот коммуникация тармоқлари ёрдамида, компакт диск электрон китобларида мавзуларни экранда ёритиш, мавзуга оид кино ва диафильмлар, аудио ва видеоматериаллар киради.

3. Амалий ўқитиш методлари. Амалий методлар воситасида болалар вокал-хор малакаларини, мусиқанинг тузилиши ҳамда ифода воситаларини таҳлил этиш, унинг жанр ва шаклларини аниқлаш ва нота ёзувини ўрганиш малака-кўникмаларининг шакллантириши учун фойдаланилади. Амалий методлар, вокал-хор малакаларини ривожлантиришда муҳим восита бўлиб ҳисобланади.

4. Ўйин методи - асосан бошлангич гурухларда кўпроқ яхши натижа беради. Янги дастур асосида яратилаётган қўлланма ва машғулотларликларда ўйин ва унинг элементлари кенг жорий этилади. Бошлангич гурух болалари серҳаракат ва ўйинга мойил бўладилар. Машғулотларда қўлланиладиган мусиқали ўйинлар болаларнинг мусиқий ўқувини ўстиради, мусиқий қобилиягини ривожлантиради, хотирасини мустаҳкамлайди ва мусиқа машғулотларига қизиқиш ўйғотади.

5. Таққослаш методи. Мусиқа машғулотлари жараёнида таққослаш методи кенг қўлланилади. У вокал-хор ишларида мусиқа раҳбари, болалар ва грамёзувдаги ижроларини таққослашда мусиқа асарининг таҳлили ва жанрларини белгилашда кенг қўлланилади. Масалан, рақс, марш, жанрларининг темпларини, турли чолғулардаги ижролар фарқини аниқлашда фойдаланилади.

6. Мусиқа ўқуви, мусиқий эшитиш қобилияти бўш бўлган болалар билан ишлаш методи. Мусиқа ўқуви бўш бўлган болалар билан машғулотлар жараёнида дифференциал гурухларга бўлиб ва машғулотлардан кейин вақт ажратиб, якка (индивидуал) тарзда иш олиб борилади. Дифференциал гурух - деганда болаларнинг мусиқий қобилияти, ўқуви ва овозига қараб табақалаштириш ёки гурухларга бўлиш тушунилади.

1-гурұхға овози жарангли, яхши мусиқий қобилиятта эга бўлган болалар киради.

2-гурұхға овози, мусиқий қобилияти ўртача бўлган, яъни мусиқа раҳбарининг овозига эргашиб, таяниб куйладиган болалар киради.

3-гурұхға эса овози унча яхши бўлмаган, мусиқий қобилияти бўш бўлган болалар киради

Мусиқа машғулотлари жараёнида бу болаларни қўйидаги тартибда ўтказиш керак: биринчи қаторга мусиқа раҳбарининг овозига таяниб куйладиганлар, иккинчи қаторга мусиқий ўқуви бўш, яхши мусиқий қобилиятта эга бўлмаган болалар, учинчи қаторга қобилиятли, овози жарангдор бўлган болалар ўтирадилар. Бунда иккинчи қатордаги болалар мусиқа оҳангларини атрофдагилардан эшитиб уларнинг овозларига эргашиб, чиройли, тўғри куйлашга ҳаракат қиласидилар.

Шу услуг билан болаларни мусиқий ўқувини ўстириш мумкин. Баъзи мусиқий ўқуви бўш бўлган болалар билан, машғулотлардан кейин алоҳида, якка тартибда шуғулланиб, топшириқлар берилади ва овозлари созланиб, қўшиқлар алоҳида ўргатилади. Шу тариқа, болаларда мусиқага қизиқиш, қўшиқ куйлаш, мусиқа тинглаш иштиёқи, мусиқий қобилият, мусиқий ўкув, қўшиқ куйлаш малакалари ҳосил бўлади.

7. Мусиқа билан таъсир кўрсатиш методи. Бу метод мусиқа тинглаш фаолиятида қўлланилади. Болалар мусиқани турлича тушунадилар. Масалан, П.И.Чайковскийнинг "Турғай" қўйини тинглаб, уни номини билмай туриб, турлича фикр юритадилар. Айримлари табиат манзарасига, бошқалари күшни куйлашини, қолганлари эса бошқача ҳарактер ҳис этиб айтадилар. Яна бошқаларида эса яхши кайфият туғилади. Шунинг учун мусиқа раҳбари (ўқитувчиси) болаларга асарни тушунтириб беради. Болалар диққатини мусиқанинг ифода воситаларига қаратади.

Улар куйловчи қуш образини яратадилар. Бу мусиқа билан таъсир қилиш методидир. Болаларнинг мусиқага қизиқиш, мусиқа тинглашда таққослашга ўрганиш, куйлашда, раксда, турли чолғулар ижросида ўргатилади. Мусиқа раҳбари ушбу фаолиятларни кетма-кет олиб борганда аниқ мақсадга эришилади.

Мусиқа ўқитиш методикаси фанининг мақсади таълим мақсадидан келиб чиқиб, мусиқа маданияти ўқитувчисини дарс (машғулот) бериш жараёнига назарий ва амалий тайёрлаш. Бу мақсад қўйидаги вазифаларни ҳал этишни кўзда тутади.

1. Мактабда мусиқа таълимини ва тарбиясини мазмунини ташкил қилишнинг турли шакл ва методлари ҳақида асосий маълумотлар бериш.
2. Мусиқа таълими ва тарбияси соҳасидаги илғор тажрибаларни умумлаштириш.
3. Мусиқа таълими ва тарбияси жараёнида педагогик амалиёт бўйича методик адабиётларни мустақил ўрганишга тайёрлаш.
4. Мусиқа асосларининг бадиий педагогик таҳлили методикаси асосини билиш.

Мусиқа ўқитиш методикаси мусиқа раҳбарининг мусиқа таълими касбини мукаммал билгувчи мусиқачи педагогни тайёрлайди. Мусиқа ўқитиш методикасини ўзлаштиришда педагогика, психология, мусиқий педагогика тарихи, мусиқий таълимда инновацион технологиялар, мусиқий педагогика ва бошқа мусиқий, психологик ва педагогик фанларга асосланади.

Аждодларимиз баркамол инсонни вояга етказишида бадиий эстетик тарбия воситалари, жумладан, мусиқа санъатининг аҳамиятини чуқур англаб, ёшларнинг ички дунёсини бойитишига, маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш ва камол топтиришига унинг таъсири жиҳатларига диққат-эътибор билан қарашган.

Мусиқани катталар, болалар ва қариялар ҳам севиб тинглашади. Ҳоҳ у мумтоз бўлсин, ҳоҳ халқ мусиқаси, ҳоҳ енгил ёки вазмин мусиқа бўлсин, барчамиз уни бажонудил тинглаймиз. Лекин мусиқий йўналишларни англаш, айниқса болаларга жуда қийин. Ҳаётда ҳамма ҳам мусиқа тилини тушунавермайди. Кўпчилик мумтоз мусиқамизга нисбатан ўта бефарқ. Бунинг сабаби болалиқда Мусиқий тарбияга керакли эътибор берилмаганлигидадир.

Аксарият кўпгина одамлар жиддий мусиқани тинглашмайди чунки уни тушунишмайди. Тушуниш учун эса тайёргарлик талаб этилади. Агар тайёргарлик кўрилмаса билим ҳам бўлмайди. Тинглашга ўргатиш қўшиқ ижро этишдан мураккабдир. (масалан: симфоник мусиқалар, опера ва бошқалар)

Ўқувчиларни мусиқадаги юксак бадиийлигини таништириш лозим. Бундай асаллар ўқувчиларни дунёқарашини кенгайтиради ва мусиқий дидини тарбиялайди. Кўп сонли саводҳон тингловчиларни тарбиялаш учун мусиқа шайдоларини болалигидан мусиқани тушунишга ва уни севишга ўргатиш лозимдир. Мусиқани севиш – бу мусиқани доим тинглаш демакдир. Мусиқани тушуниш – бу ҳис этиш, таҳлил этиш, билиш демакдир.

Аваламбор ўкувчиларни тинч ва бошидан охиригача асарни тинглашга ўргатишимиз керак. Ўқитувчи ўкувчиларга асарни тинглаш жараёнида нималарга этибор бериш лозимлигини айтиб ўтиш керак. Ўқитувчи тинглаш давомида раҳбарлик қилиши лозимдир. Энг муҳими тингланаётган асар ўкувчилар ёшига мос ва эсда қоладиган бўлиши лозимдир.

Ўқитувчи тингланаётган асар мазмуни орқали аҳлоқий эстетик тарбия бериши лозим.

Мусиқа тинглашга ўргатишда ўқитувчи олдига қўйиладиган вазифалар:

Вазифалар- мусиқа санъатига ҳавас уйғотиши, мусиқа тинглаш ва амалий воситалар орқали қизиқтириш болаларда мусиқий эхтиёжини кучайтириш, ўкувчиларда бадиий таасуротларни тўплаб бориш. (савол жавоб, сухбатлар орқали)

Бунинг учун:

1. Тингланаётган асарни оддий мусиқий педагогик таҳлил этиши.
2. Тинглашда оддий мусиқа терминларини ва атамаларини қўллаб бориш.
3. Куйнинг оддий тузилиши, унинг ифода воситаларини, ритмик тузилишларига қараб чапак чалиш ва куйлашга ўргатиш.
4. Мусиқа ижодкорлари, ижрочилар турлари чолғу асбоблари билан танишишириш.

Шунингдек :

1. Мусиқий жанрларини билиш (ракс, балет, опера ва бошқалар)
2. Асарнинг тузилишини билиш (бандли, 2 қисмли ёки 3 қисмли)
3. Композиторларнинг ҳаёти ва ижодини билиш.
4. Мусиқий нутқни элементларини билиш (ҳарактери, темпи, динамикаси, мусиқий ифода воситалари ва бошқалар)
5. Мусиқий эстетик маълумотларини билиш. (tinglash madaniyati)

Ўкувчилар 1-синфданоқ мусиқада мазмун борлигини у кишиларнинг ҳаётини акс эттиришини билишлари лозим. Шунингдек, мусиқада шакл борлигини билишлари керак. (мазмун - бу ифода этиш ёки тасвирлаш, шакл - бу композиторни асар мазмунини ифода этишга боғлиқ).

Ўкувчиларда мусиқа дидини тарбиялашда ўқитувчининг маҳорати муҳим роль ўйнайди.

Мусиқа тинглаш 4 босқичда олиб борилади.

1. Асарни тушуниш учун болалар дикқатини жамлаш ва асар хақида ўқитувчининг кириш сўзи.
2. Ўқитувчи ижросида ёки аудио ёзувида мусиқий асарни тинглаш.
3. Асарни сухбат йўли билан мусиқий бадиий жиҳатдан оддий таҳлил этиш ва чорак мавзусини ёритиш.
4. Асарни тўлиқ қайта тинглаш сўнг асар хақида болаларнинг умумий таасуротлари юзасидан якуний сухбат ўтказиш.

№	ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ ГУРУХИ	№	МАЗКУР ГУРУҲГА МАНСУБ МЕТОДЛАР
Репродуктив методлар			
		1.	Маъруза методи
		2.	хикоя методи
		3.	Сухбат методи
2. Кўргазмали метод		4.	Кўргазмали –тушунтириш методи
		5.	Кўргазмали –изланиш методи
3. Амалий метод		6.	Амалий характердаги лаборатория методи
		7.	Иzlаниш характеридаги амалий метод
		8.	Муаммоли амалий метод
Продуктив методлар			
4. Муаммоли методлар		9.	Муаммоли маъруза методи
		10.	Муаммоли хикоя методи
		11.	Муаммоли сухбат методи
		12.	Қисман-изланишли муаммоли метод
		13.	Ижодий характердаги муаммоли метод
		14.	Ақлий хужум
		15.	Фикрлар тўқнашуви
5. Мунозара методи		16.	Ўқув баҳси методи
		17.	Ўқув мунозаралари методи
		18.	Давра сухбати
6. Мустақил ишлаш методи		19.	Дарслик устида мустақил ишлаш методи
		20.	Матн устида мустақил ишлаш методи
		21.	Қўшимча адабиётлар устида мустақил ишлаш методи
		22.	Кўргазма воситалари ёрдамида устида мустақил ишлаш методи

7.Мантиқий методлар	23.	Таҳлил методи
	24.	Қиёслаш методи
	25.	Синтезлаш методи
	26.	Умумлаштириш методи
	27.	Индукция методи
	28.	Дедукция методи
	29.	Умумлаштириш методи
	30.	Холосалаш методи
	31.	Ўз-ўзини назорат қилиш методи
	32.	Тестлар воситасида назорат қилиш методи
8.Назорат методлари	33.	Атамалар вараги воситасида назорат қилиш методи
	34.	Компьютернинг назорат дастурлари воситасида назорат қилиш методи
	35.	Дастурлаштирилган назорат дастурлари воситасида назорат қилиш методи

№	Локал даражада қўлланилаётган педагогик технологиялар	№	Хусусий методик даражада қўлланилаётган педагогик технологиялар
1	“Агар мен ... бўлсам”		Дидактик ўйин технологияси
2	“Айланма хат”	1	Сюжетли ролли ўйинлар
3	“Анжуман”	2	Ижодий ўйин
4	“Бурчаклар стратегияси”	3	Конференция
5	“Ижодий лойиҲа”	4	Матбуот конференцияси
6	“Пинборд”	5	Ишбилармонлар ўйини
7	“3x4”	6	ўйин машқлар
8	“6x6”		Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
9	Инсерт	7	Командада ўқитиш
10	Кластер	8	Кичик гурухларда ўқитиш
11	“Имитацион ўйинлар”	9	“Зиг-заг” ёки “арра”
12	“Аквариум”	10	“Арра-2”
13	“Ақлий ҳужум”	11	Кичик гурухларда ижодий изланишларни ташкил этиш
14	“БББ”		Модулли таълим технологияси
15	“Бумеранг”	12	Талабаларнинг индивидуал ишлashingiga мўлжалланган модул дастури
16	“Бир нуқта”	13	Икки талаба ҳамкорликда ишлashingiga мўлжалланган модул дастури

17	“Биргаликда ўйнаймиз”	14	Талабаларнинг кичик гурӯҳларда ишлашига мўлжалланган модул дастури
18	“Блиц ўйини”		Лойиҳалаш технологияси
19	“Венн диаг-раммаси”	15	Тадқиқот характеридаги лойиҳалар
20	“Галерия”	16	Ижодий характердаги лойиҳалар
21	“Дебатлар”	17	Сюжетли-ролли лойиҳалар
22	“Дельфин”	18	Амалий характердаги лойиҳалар
23	“Елпифич”	19	Изланиш характеридаги лойиҳалар
24	“Занжир”	20	Мўлжал олишни таркиб топтирадиган лойиҳалар
25	“Атамалар занжири”		Муаммоли таълим технологияси
26	“Концептуал харита”	21	Муаммоли маъруза
27	“Мозаика”	22	Муаммоли конференция
28	“Музёрап”	23	Муаммоли давра сұхбати
29	“Резюме”	24	Эркин фикрлаш
30	“Скарабей”	25	“Фикрлар түқнашуви”
31	“Тармоқлар”		
32	“Тақдимот”		
33	“ФСМУ”		
34	“Чорраха”		
35	“Фикрга қарши-фикр”		

2.3. Мусиқий билимларни ўзлаштириш жараёнида бола шахсни шакллантириш

Бола ривожланишида мусиқанинг ўрни. Мактабгача таълим муассасалари болалари учун мусиқий билимлар мазмунини белгилаш бир қатор психологик хусусиятларни эътиборга олишни талаб этади. Зоро, мусиқий билимларни эгаллаш аввало шахснинг руҳий олами билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам Б.М.Теплов томонидан берилган тезисларни бу жараёнда йўналтирувчи деб идрок этиш мумкин. Унда қуйидагиларга эътибор қаратилган:

1. Мусиқий кечинмалар табиатдан олинган кечинмалардир... Мусиқани тушуниш, агарда мусиқий асарнинг ички тузилишини назарда тутмасак, доимо ҳис-ҳаяжон тушунчалариридир.

2. Мусиқий кечинмалар фақат ҳис-ҳаяжондан иборат бўлиши керак эмас. У ҳис-ҳаяжондан бошланади, лекин тугамайди. Ҳис-туйғулар орқали биз ҳаётни англаймиз. Мусиқа - дунёни ҳис-туйғулар орқали англашдир.

3. Мусиқанинг асл мазмунини чуқур англаш қийин. Уни билишнинг бошқа воситалари орқали ўрганиш мумкин. Мусиқий образлар олами «ўз-ўзидан охиригача тушунарли бўлмайди».

Б.М.Тепловнинг нуқтаи-назари инсоннинг эстетик онги шаклланишини илк бора ўрганган буюк олим Арастунинг фикри билан ҳамоҳангдир: «Пайдо бўлган нарсаларнинг бири оддий йўл билан пайдо бўлса, бошқаси санъат орқали юзага келади, учинчиси ўз-ўзидан яралади... Санъат орқали инсон руҳидаги мавжуд хиссиёт шаклланди». Инсон руҳиятида мавжуд бўлган нарсаларга Арасту қуидагиларни киритади: «ўсиш қобилияти», «интилиш қобилияти», «хис қилиш қобилияти», «ҳаракатланиш қобилияти», «фикрлаш қобилияти».

«Шахснинг мусиқий маданияти»ни шакллантириш тушунчасига А.Н.Соҳор мурожаат этиб қуидаги жадвални тавсия этган:

Мусиқий қадриятлар	Фаолиятнинг барча турлари	Фаолият субъектлари	Махсус муассасалар
(жамоада яралган ва сакланадиган)	(қадриятларни яратиш, асраш ва тарғиб қилишга қаратилган)	(Ушбу фаолият турлари билан шугулланувчилар)	(ушбу фаолиятни таъминловчи)

Шахснинг эстетик онги таркибий қисмлари кўринишини В.Г.Мозгот ўзининг илмий ишида содда ва тушунарли қилиб берган: - «.замонавий ёшларнинг эстетик онгини муваффақиятли шакллантириш жараёни, мамлакатдаги ижтимоий-психологик мухит, сиёсий ва маданий шароитга боғликдир...», дейди у.

Шахснинг эстетик онг компонентлари (В.Г.Мозгот концепцияси)				
Эстетик хиссиёт	Қадриятларни эъзозлаш	Дид	Қараш	Ғоялар

Юқоридаги концепцияларга таяниб, биз мусиқий билимларни ўзлаштириш жараёнида бола шахсининг қандай фаолият турида қайси шахсий хусусиятлари шаклланишини чизма ёрдамида қўрсатиб бердик.

Мусиқий маданият

1. Кўшиқ қуйлаш фаолиятида мусиқий дунёқараш, мусиқий дид шаклланди. Бу фаолият турида болалар мусиқий билимларга асосланган ҳолда кўшиқ қуйладилар. Бунинг учун улар мусиқий асарга тааллукли бўлган маълумотларни ўзлаштирадилар. Шу жараёнда уларда мусиқий дунёқараш ва мусиқий дид шаклланди.

Мусиқа саводи фаолиятида мусиқий тафаккур, тасаввур ва мусиқий дунёқарааш шаклланди. Бу фаолият турида болалар мусиқанинг яратилиш тарихи, мусиқанинг ифода воситалари - ритм, метр, регистр, улчов, лад, темп, нота йўли ва ёзуви, товушлар узунлиги ва баландлиги, мусиқа ижодкорлари, ижрочилиари ҳақида билимга эга бўлиш билан бирга, уларнинг мусиқий тафаккурлари шакллана боради. Бу ўз навбатида болаларни мусиқа оламига олиб киради ва мусиқий дунёқараашларини шакллантиради.

2. Мусиқа тинглаш фаолиятида Мусиқий идроқ, Мусиқий дунёқарааш шаклланади. Бу фаолиятда болалар мусиқа тинглаб, уни бевосита идроқ эта бошлайдилар. Бу эса уларнинг мусиқий тафаккурларини шакллантиради, шунингдек, уларда мусиқий дунёқарааш ҳам шаклланиб боради. Тингланган мусиқий асар ҳақида мулоҳаза юрита бошлайдилар.

3. Мусиқа остида ритмик ҳаракат бажариш фаолиятида мусиқий дунёқарааш, мусиқий дид, мусиқий тафаккур, мусиқий идроқ, мусиқий ритм ҳисси ва мусиқий хотира шаклланди. Бу фаолият турида ўқувчиларда деярли барча мусиқий психологик хусусиятлар шаклланди. Чунки бу фаолиятда улар ўзлари бевосита мусиқий асарга жўр бўладилар. Аввал улар мусиқий асарни тинглаб кўрадилар (мусиқий идроқ), бу эса мусиқанинг ритмик кўринишини эслаб қолишни (мусиқий хотира), қайси асбобда жўр бўлса яхшироқ жаранглашини (Мусиқий дид) танлашни тақозо этади. Ўқувчи бу фаолиятда мустақил фикрлайди (Мусиқий тафаккур), натижада унинг мусиқий дунёқараashi шаклланиб боради.

4. Болалар чолғу асбобларида жўр бўлиш фаолиятида мусиқий дунёқарааш, мусиқий дид, мусиқий тафаккур, мусиқий идроқ, мусиқий ритм ҳисси ва мусиқий хотира шаклланади. Бу фаолият турида болаларда деярли барча мусиқий психологик хусусиятлар шаклланди. Чунки бу фаолиятда улар ўзлари бевосита мусиқий асарга жўр бўладилар. Аввал улар мусиқий асарни тинглаб кўрадилар (мусиқий идроқ), бу эса мусиқанинг ритмик кўринишини эслаб қолишни (мусиқий хотира), қайси асбобда жўр бўлса яхшироқ жаранглашини (мусиқий дид) танлашни тақозо этади. Бола бу фаолиятда мустақил фикрлайди (мусиқий тафаккур), натижада унинг мусиқий дунёқараashi шаклланиб боради.

Айни вактда шуни айтиш жоизки, мусиқанинг қандай фаолият тури бўлмасин, у шахснинг барча психологик жиҳатлари шаклланишига ёрдам беради. Шуни таъкидлашимиз керакки, мусиқий фаолиятларнинг ҳар бири барча санаб ўтилган психологик хусусиятларни шаклланишига қисман бўлса ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Жумладан, мусиқий ҳис-туйғулар, мусиқий дунёқарааш, мусиқий идроқ, мусиқий тафаккур, мусиқий тасаввур ва мусиқий қобилиятни шакллантиради. Демак, улар болаларнинг умумий

музиқий маданияти, эстетик дунёқарашининг шаклланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Музиқа болаларнинг эстетик қиёфасини шакллантирувчи воситасифатида

Музиқа болаларнинг ҳис-туйғуларига бевосита таъсир қилиши орқали уларнинг маънавий қиёфасини шакллантиради. Музиқа санъатининг таъсир кучи бошқа - таъкид ва ўқтиришларга нисбатан кучлироқ бўлади. Болаларни ҳар хил эмоционал-образли мазмундаги асарлар билан танишитирар эканмиз, биз беихтиёр уларни ҳиссиётларига таъсир қиласиз ва уларни кечинмалар оламига олиб кирамиз.

Музиқа жанрлари қаҳрамонлик руҳидаги, лирик оҳангдаги, қувноқ юморни ва жушқин рақсона куйларни ўта жилоли товушлар ҳамда бой тембри билан идрок этишга кўмак беради. Кўшиқ, рақс ва музиқа тинглаш фаолиятлари жараёнида болалар руҳан бирлашадилар ҳамда жамоада тарбияланадилар. Болалар индивидуал шаклланнишлари учун ҳам уларга жамоада яхши мухит яратилган бўлмоғи лозим. Ижроси яхши бўлмаган, тортинчоқ болалар ўз тенгдошларининг ижросини қўриб руҳан тетиклашадилар ва фаоллашадилар, уларга эргашадилар ва яхши ижрога интиладилар. Ўзига ҳаддан зиёд бино қўйган болаларга ижроси суст бўлган ўртоқларига ёрдам беришни таклиф қилиб, уларни камтаринликка ўргатиш ҳамда уларнинг қобилияtlарини ривожлантириш керак.

Музиқа машғулотлри болаларнинг умумий маданиятига ҳам таъсир қилмай қолмайди. Ҳар хил фаолиятлар билан шуғулланиш (музиқа тинглаш, кўшиқ айтиш, мусиқий-ритмик ҳаракатлар бажариш, болалар мусиқий чолғуларида ижро этиш) болалардан диққатни, уюшқоқликни, иродавийликни, зукколикни талаб қиласи.

Бу фаолиятлар давомида болаларда иродавийлик шаклланиб, тортинчоқлик йўқола боради.

Шу тарзда мусиқий фаолиятлар болалар шахсининг маънавий-маданий сифатларини шакллантириш учун керакли бўлган шартшароитларни таъминлайди ва уларнинг умумий маданий савиясига асос солади.

Болаларни жисмоний тарбиялашда музиқанинг роли.

Музиқа эшитиш органи орқали идрок этилсада, у киши организмининг умумий аҳволига - қон айланиш тизими, нафас олишга ва бошқа жиҳатларига таъсир қиласи.

Кўшиқ куйлаш овоз аппаратини ривожлантиради, овоз аппаратини мустаҳкамлайди, нутқни яхшилайди (логопед врачлар куйлашни нутқ талаффузини даволовчи восита сифатида қўллайдилар), овоз-эшитиш координациясини яхшилайди. Куйлаш жараёнида тўғри ўтириш нафас олиш

тизимиға ижобий таъсир қиласы. Мусиқий ритмик ҳаракатлар бажариш жараённан болалар мусиқа билан биргаликда ҳар хил ҳаракатлар бажарадилар. Бу эса ўз навбатида бола қоматини түғри ривожланишига, унинг координациясини, түғри қадам қўйиш, юришини түғри ва енгил бўлишига имкон беради. Мусиқадаги барча динамиқ, ритмик ва суръатга даҳлдор ифода воситалари болаларни бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишларига, чарчоқларини ёзишларига, кайфиятларини қўтаришлари учун муҳим восита бўлиб хизмат қиласы.

Буюк мутафаккирларимиздан Ибн Сино мусиқа овозларининг киши руҳига таъсири ҳақида ҳам ўз фикрларини баён этган. Бу борада буюк аллома машшр «Қонун-фит-тиб» асарида қўйидагиларни таъкидлайди:

«Танани чиниқтиришда чақалоқлар учун жуда фойдали воситалар қаторига, биринчидан енгил тебратиш, иккинчидан, одатда ухлатиш учун айтиладиган қўшиқлар - аллалар киради. Боланинг ушбу икки нарсани идрок этиш даражасига мувофиқ унинг жисмоний машқларга ва мусиқага мойиллигини аниқлайдилар. Уларнинг биринчиси танага, иккинчиси эса руҳиятга тегишлидир»⁵. Бунда Ибн Сино маънавий тарбия боланинг чақалоқ ёшидан беланчагини тебратиш давомида (жисмоний тарбия) алла (қўшиқ) айтиш воситалари билан муштарақ тарзда олиб борилиши лозимлигини айтиб ўтган. Ибн Синонинг мусиқага оид асарлари у яшаган давр мусиқа илмидан жуда муҳим маълумотлар бериши билан ҳам қимматлидир.

Мусиқа таълимида мусиқий фаолиятлар

Мусиқа идроки (tinglash) - болалар мусиқий фаолиятининг етакчи тури.

Болаларнинг мусиқий билимлар тизимида мусиқа тинглашнинг аҳамиятини баҳолаш мураккабдир. Мусиқа тингламай маданиятни ўргатиш, дунё мусиқа санъати дурдоналари билан таништириш, мусиқанинг ифода воситаларини ўргатиш, юқори мусиқа санъати асарларига нисбатан муҳаббат ўйғотиш мумкин эмас. Бу сифатларни шакллантиришда мусиқа тинглаш жараённининг жуда катта ўрни бор.

Мусиқа тинглаш жараённан, болалар турли бастакор ва композиторлар асарларидан намуналар тинглайдилар. Д. Шостаковичнинг таъбири билан айтганда, «Мусиқани севиш учун, аввалам бор уни тинглаш керак...» Ватан, дўстлик ҳақидаги, меҳнат ва бошқа жисмоний ҳамда ақлий фаолиятлар мавзусидаги асарларни тинглаш, болаларга ижобий таъсир қиласы. Бола

⁵ Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. Т., "Санъат" 2006 й., 18- бет.

тингланган мусиқа ёки санъат асари ҳақида бирорта савол бермаса, унда бирор ҳиссиёт вужудга келмаса, шахсий ҳиссиёт ва муносабат билан боғланмаган хабар тарзидаги алоқагина пайдо бўлса, демак вазифа бажарилмаган, мақсадгага эришилмаган ҳисобланади.

В.И.Петрушин "Мусиқий психология" асарида мусиқанинг психологик хусусиятлари ҳақида тўхталар экан, мусиқа идрокига ҳам тўхталиб ўтади.

Унинг фикрича, тингловчи бирор бир мусиқий асарни тинглагандан, унинг муаллифи ва куйнинг номини аввал эшитган бўлса дарҳол аниқлай олади. Ҳар бир мусиқий асар инсоннинг ҳаёти давомида ортирган таассуротлари, кечинмаларини ўйғотади. Лекин тингловчи мусиқий асарни тинглагандан, ўзининг эмас, балки композиторнинг кайфияти, ҳис-туйғуларини мусиқанинг ифода воситалари орқали англаши керак. В.Петрушиннинг фикрига қўра, мусиқий идрокни шакллантириш бу мусиқий эшитиш қобилиятини шакллантиришга боғлиқ экан. Лекин у яна шуни таъкидлайдики, кишининг тарбия кўрган муҳити, билими, ёши ҳам уни мусиқий идрокига сезиларли таъсир кўрсатар экан. Ҳар бир кишининг мусиқий диди унинг тураг жойи, яшаш муҳити ва уни ўраб турган ижтимоий муҳит билан чамбарчас боғлиқ, деб ҳисоблайди, В.Петрушин. Олим яна "... Мусиқий идрок тафаккурнинг бошланғич босқичи..." - дейди.

Демак, олимнинг фикрини таҳлил қиласар эканмиз, шундай холоса чиқаришимиз мумкин:

Мусиқий идрок-

1. Мусиқий идрок эшитиш сезгиси билан боғлиқдир.
2. Мусиқани идрок этганда аввал эгалланган таассуротлар гавдаланар экан.
3. Кишиларнинг мусиқий диди улар яшаётган ижтимоий муҳит билан бевосита боғлиқ экан.
4. Мусиқий идрок таффакур жараёнининг илк босқичларидан биридир.

Н.А.Ветлугина ўзининг "Мусиқани идрок этиш" назариясида мусиқанинг ниҳоятда таъсирчанлиги ва уни инсон онги орқали идрок этиш малакаларини шакллантиришнинг бошланғич босқичлари ҳақида баён этади. Аввалим бор, Н.Ветлугина болаларни мусиқий асарларни идрок этиши муаммоси билан кўп шуғулланган олимадир. У мусиқа тинглашнинг аҳамияти ҳақида гапирад экан, ижро этишдан кўра мусиқа тинглаш кишилар рухиятига кўпроқ таъсир қилишига урғу беради. Шунингдек, Н.Ветлугина мусиқа тинглаш жараёнининг ҳам ўз методикаси бўлиши ҳақида гапиради. Мактабда ўқувчиларга ҳар хил мазмундаги қўшиқларни тинглатар эканмиз, тинглаш жараёнини ташкил этиш ва уни самарали усусларини ишлаб чиқиш жоиздир. Н.Ветлугинанинг таъбирига қўра, мусиқа кишига ҳар томонлама

таъсир кўрсатади: куй ва унинг мусиқий ифодаси кишининг ҳиссиётiga таъсир қилиб, унда ҳар хил ҳисларни ўйғотади, турлича кайфиятларни ҳосил қиласди. Кўшиқнинг матни, ғоявий мазмуни фақат ҳиссиётга эмас, балки тингловчиларнинг онгига ҳам таъсир қилиб, уларни ҳаяжонлантиради ва фикрлашга мажбур этади.

Б.В. Асафьев (1884-1949) мусиқа тинглаш ёки мусиқани идрок этишни икки хил маънода тушунтирган:

1. Тингловчи ўз ижроси билан уйғунлашиб ундан завқланиб, мусиқа тинглаш унинг қундалик ишига айланиб қолади.

2. Тингловчи ўзини, бутун вужудини мусиқа уммонига ғарқ этиб, қалби билан уни ҳис этиб, ҳақиқий мусиқа билимдони сифатида тинглайди.

Кўриб турганимиздек, Б.В.Асафьев мусиқа тингловчиларни ҳам фарқлайди. У мусиқани асл билимдони бошқача тинглайди ва шунчаки ҳаваскор бошқача тинглайди, деб ўқтиради. Табиийки, мусиқашунос мусиқани идрок этар экан, у мусиқа ижодкори, шакли, ҳарактери, жанри ҳақида бемалол фикр билдира олади. Бироқ, ҳаваскор мусиқа тинглагандага, фақатгина мусиқанинг ҳарактери, бадиий образи ҳақида қисман тушунча беради олади.

Асарни билишнинг иккинчи босқичида бола асар ҳақидаги ўз фикрини айтиши, унинг ғоявий-бадиий мазмунига баҳо бериши, асарнинг ҳарактерли хусусиятларини таҳлил қилиши керак. Бунда танқидчилик, санъатшунослик ва ҳоказолардаги муаллиф ва унинг асарлари ҳақида инсоният тўплаган билимлар мужассамлашади. Мусиқа тинглаш, якканавоз ва жўровозликни ажратади, созлар ва созлар тембрини ажратади олиш, мусиқий дид ва идрокни ривожлантириш, ўзбек, қардош ва жаҳон халқлари бастакорлари асарларидан намуналар тинглаш каби мусиқий-назарий билимларни ўз ичига олади. Ушбу билимларни ўзлаштириш болаларнинг мусиқий-эстетик савиясини оширади.

Болаларнинг мусиқани идрок этиш малакаларини шакллантириш, унинг тилини тушуниш, ҳар бир боланинг ўз севимли мусиқий асарлар дойрасини пайдо қилиш, уларда мусиқий асарларнинг муаллифларига нисбатан миннатдорлик ҳиссини ўйғотиш, миллий ва мумтоз мусиқага нисбатан қизиқиш ўйғотиш муҳим вазифалардандир.

Мактабгача таълим муассасаларда болаларнинг ёшларига мос бўлган, ўз тузилиши, мазмуни жиҳатдан гўзал, юксак ғояларни, ўтмиш ва келажакни акс эттирувчи мусиқа янграши керак. Болалар оилада, радио, телевидение орқали, шунингдек, театр, концерт ва бошқа жамоатчилик жойларида мусиқа билан доимо ошно бўладилар, яъни болаларнинг ҳафта давомида тинглайдиган мусиқа қўлами ҳафтадаги бир соатлик машғулотдан бир неча

бор кўпдир. Аммо улар тинглайдиган мусиқа асарларининг ҳаммаси ҳам болалар ёшига мос эмаслиги ва улар мусиқани бадиий-гоявий жиҳатдан ҳамма вақт ҳам мақсадга мувофиқ идрок эта олмаслигини ҳисобга олишимиз лозим. Шунинг учун ҳам мусиқа машғулотларида мусиқа тинглаш жараёнлари болаларнинг ҳаётий мусиқий фаолиятида бошқарувчи ва педагогик мақсадга мувофиқ йўналтирувчи, бадиий-ахлоқий тарбия берувчи восита сифатида муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, машғулотлар жараёнидаги ҳар бир фаолият ҳоҳ у қўшиқ куйлаш бўлсин, ҳоҳ мусиқа саводи, ҳоҳ мусиқа тинглаш, буларнинг барчаси баркамол шахсни тарбиялашга қаратилган бўлади.

Мусиқа маданияти дарсларининг ўзига хос хусусиятларидан бири унда мусиқа таълимининг қўргина фаолиятилари қамраб олинади. Бу фаолият турлари ичида хор бўлиб куйлаш ва мусиқий асар тинглаш жараёнида болаларнинг мусиқий дидини шакллантириш етакчи ўринни эгаллайди. Шунингдек, машғулотнинг таркибий қисмлари — қўшиқ куйлаш, мусиқа чолғу асблорида жўр бўлиш, мусиқа остида ритмик ҳаракатлар қилиш жараёнларида ҳам болаларнинг мусиқий дидлари шакллантириб борилади. Болаларда мусиқага ҳавас ўйғотиш учун уларнинг эшитаётган мусиқа асарларини севиш катта аҳамиятга эгадир. Бу хислат факат юксак бадиий-эстетик савиядаги асар воситасида амалга оширилади.

Инсон яхши қўшиқни маҳоратли ижроидан тинглагандан унда мусиқий асарга нисбатан таассуротлар, фикр-мулоҳазалар ўйгонади. Тингловчиларнинг қўшиқни қандай идрок этишлари, ундан қанчалик таъсиrlанишлари, мусиқий асарнинг тингловчилар ҳиссиётига ва онгига таъсири мусиқанинг қандай янграши, созанда ёки хонанданинг асарни қай даражада ижро этишига боғлиқдир. Лекин бунинг ўзи мусиқа тинглаш учун етарли эмас. Тингловчилар мусиқа ижодкорлари ва муаллифлари ҳакида, тингланётган асарнинг яратилган даври, шакли, тури, ўлчови, ритми ва бошқалар ҳакида тушунчага эга бўлса, мусиқий асарни тинглашда асарнинг мазмун-моҳиятини тўла-тукис тушунади, шунингдек, асар унга ижобий таъсири қиласи, ички ҳиссиёт ва кечинмаларни ҳосил қиласи.

Болаларни миллий мусиқамизни тинглашга тайёрлаш учун ҳозирги кунда мактабгача таълим муассасаларида қандай ишлар олиб борилаяпди? Юқорида айтилган мусиқа тинглаш учун керак бўладиган шартларни бажариш мусиқа раҳбари олдига катта вазифаларни қўяди. Мусиқа раҳбари мусиқий асарни эшииттиришдан олдин, болалар билан шу мавзуда қисқача суҳбат ўтказади ва суҳбатда асарнинг мазмуни ва ҳарактери, асар муаллифлари ҳакида болаларга сўзлаб беради.

Е.Горскаяning фикрига кўра, мусиқа тинглашдан аввал ўтказилган сұхбат ўқувчиларни психик жихатдан асарни идрок этишга тайёрлайди. Асарнинг жанри, яратилиш тарихи, ижодкорлари, асардаги ғоя ҳақида ўтказилган сұхбат ўқувчиларни шу асарни тинглашга замин яратади. Куйни тинглаш жараёнида уни яратилған давр ҳақида, композиторнинг ҳаёт ва ижоди ҳақида, қўшиқ ёки куй билан боғлиқ тарихий воқеалар ҳақида ўтказилған сұхбат мусиқани идрок этишда ўта муҳим жараён ҳисобланади.

Е.Горская шу фикрларни баён этар экан, бир қатор ҳар хил мавзудаги қўшиқ ва қўйларни келтиради. Шунингдек, у ҳар бир куй ва қўшиқни ижро этишдан - тинглашга беришдан аввал бериладиган кириш сұхбатларидан намуналар келтиради. Ўқувчиларга ҳар бир мусиқий асар замирида маълум воқелик, ҳис-туйғу ва фикрлар ётиши ҳақида уларнинг ҳаётий тажрибаларига таянган ҳолда тушунча бериб бориш лозим.

Мусиқий тарбияни амалга оширишда болаларни нафақат мусиқий асарни ижро этишга, балки мусиқани эмоционал ва руҳан идрок этишни ўргатиш керак. Асосан, болалар мусиқани қўшиқ кўйлаш жараёнида эшитадилар. қоидага кўра, мусиқа раҳбари қўшиқ ўргатишдан аввал, болаларга уни ўзи ижро этиб беради. Болаларнинг мусиқани эшитиш ва идрок этишлари учун бу жуда камлик қилади. Бунинг учун аввало мусиқа раҳбари болаларни ўzlари кўйладиган қўшиқларидан мураккаброк куй ва қўшиқларни тинглашга ўргатиши керак. Шунинг учун ҳам мусиқа раҳбарининг ўзи юқори даражада мусиқани ижро эта олиши ва қўшиқ кўйлай олиши талаб этилади. Афсуски, ҳозирги пайтда ҳамма мусиқа раҳбарлари ҳам бундай имкониятга эга эмаслар.

Лекин методик жихатдан маҳоратли мусиқа раҳбари турли техник воситалар, аудио тасмалар, мусиқий марказлар ва компьютерлардан фойдаланған ҳолда болаларни юқори эмоционал ҳолатда мусиқа эшитишлигини ташкил эта олади, яъни замонавий мусиқа маданияти мусиқа раҳбари барча имкониятлардан фойдаланған ҳолда болаларнинг мусиқани асл моҳиятини тушунишлари, уни маъносини англашлари учун мавжуд бўлған техник ва кўргазмали қуроллардан самарали фойдалана олиши лозим. Лекин шуни инобатга олиш керакки, магнитофон ёрдамида эшитилған асарга нисбатан мусиқа раҳбарининг ўзи ижро этган мусиқий асар болаларда кўпроқ таассурот қолдирад экан. Агар мусиқа раҳбари мусиқий асарни аввал ўзи ижро этиб, сўнгра магнитофонда қўйиб берса натижа юқори даражада бўлади, албатта.

Бошланғич синфларда мусиқа тинглаш бўйича қўйиладиган асосий вазифалар иккита асосий йўналишни ўз ичига олади:

1. Ҳар хил мазмундаги ва ҳар хил муаллифлар асарлари билан танишиш, мусиқий захира тўплаш.

Мусиқий термин ва тушунчаларни ўзлаштириш, асосий мусиқанинг ифодаловчи воситалари ҳақида, мусиқий асар элементлари ҳақида бошланғич тушунчаларни эгаллаш. Мусиқа таълим тизимидағи дарсларни методик жиҳатдан тўғри ташкил этишда машғулотларда тингланадиган асар мусиқий тузилиши, бадиий-гоявий мазмун жиҳатидан чорак мавзусидан келиб чиқиши лозим. Мусиқа тинглаш жараёнини қуидаги босқичларга бўлиш мумкин:

1. Тингланадиган асар ҳақида мусиқа раҳбарининг кириш сўзи (бунда, мусиқа раҳбари болаларга мусиқий асар муаллифлари ҳақида, асарнинг яратилиш тарихи ҳақида сўзлаб беради).
2. Мусиқа раҳбари ёки магнитофон ижросида асарни тинглаш.
3. Тингланган асарни сухбат-баҳс йўли билан мусиқий ва бадиий-гоявий жиҳатдан оддий таҳлил қилиш.
4. Мусиқий асарни бир бутунлигicha қайтадан тинглаш ҳамда асар ҳақида болаларнинг умумий таассуротлари юзасидан якуний холоса чиқариш.

Юқорида келтирилган босқичларга амал қилган ҳолда, мавзу жиҳатидан болалар ҳаётига оид бўлган, турли ҳарактердаги мусиқа асарларини тинглаб ва бу асарларни яратган композиторларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида қисқача маълумотга эга бўлсалар — қўзланган мақсадга эришган бўламиз. Шу тариқа болалар машғулотларнинг мусиқа тинглаш қисмида қуидаги қўнишка ва малакаларга эга бўладилар:

- Мусиқий асарни диққат билан жимликни сақлаган ҳолда тинглаш;
- Мусиқий асарни тинглаганда асар мазмуни ва ҳарактерини англаш;
- мусиқанинг ифода воситалари, жанрлар (қўшиқ, рақс, марш), тембрлар ҳақида оддий тушунчага эга бўлиш;
- эркаклар, аёллар, болалар ва аралаш хор овозлари, якканавозларни эшита олиш ҳамда бир-биридан фарқлай олиш;
- миллий чолғу чолғуларини, оркестр турларини, мусиқа жанрларини бир-биридан фарқлаш ва ҳоказо.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, болалар ўзи тинглаган асарлари ҳақидаги таассуротларини расм чизиш орқали акс этишлари яхши натижалар беради. Мусиқа раҳбари болаларнинг тасвирий фаолияти натижаларига асосланиб уларнинг фикрлаши, идрок этиши, тафаккури, онги қай даражада шаклланганлигини баҳолаш имкониятига эга бўлади.

Мусиқа тинглашнинг яна бир муҳим шартларидан бири, мусиқий асарни тинглаш жараёнинда гурухда тинчлик бўлмоғи лозим. Мусиқани

диққат билан, жимлик шароитида тинглашга ўрганиш ёшликтан бошланади ва бола улғайгандан сўнг юксак маданиятли шахс бўлиб етишади.

Ҳар қандай соҳада кўникма ва малакаларни ошириш учун тақорлаш ўта муҳим шарт ҳисобланади. Мусиқа тинглашда ҳам эшилган мусиқий асарни қайта-қайта тинглаб туриш, ушбу асарни яхширок тушуниш ва ўзлаштиришга имкон яратади. Энг асосий талаблардан бири шундаки, бола тингланган асар ҳақида ўз таассуротларини айтиб бера олиши керак. Ҳар бир боланинг ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиши эшилган асар ҳақидаги таассуротлар қўламини кенгайтиради. Масалан, мусиқа тинглашда — «Бу қўшиқни биласизми? Биринчи марта қаерда эшигансиз? Қўшиқ сизга ёқдими? Қўшиқнинг маъносини тушунтириб бера оласизми?» — каби саволлар орқали болаларни янада диққат билан тинглашга, уларни ўзлари эътибор бермаган айрим жиҳатларни идрок этиш ва англашга, мустақил фикр юритишга одатлантириб боради.

Мусиқа маданияти машғулотларларида мусиқа тинглашни аҳамиятини баҳолаш мураккабдир. Болаларга мусиқа тинглаш маданиятини ўргатиш, уларни дунё мусиқа санъати дурдоналари билан таништириш, мусиқанинг ўта бой ифода воситаларини ўргатиш, юқори бадиий савиядаги мусиқа санъати асарларига нисбатан муҳабbat ўйғотишда мусиқа тинглаш жараёнининг ўрни жуда катта.

Мусиқий таълим тизимида, хусусан, мусиқа тинглаш таълим мазмунининг асосини ташкил қиласи. Болалар асар тинглаш жараёнида якканавоз ва жўрнавозликни ажрата билишлари, ансамбл ва оркестр ижросини фарқлай билишлари, созлар ва чолғулар тембрини ажрата олишлари, ўзбек, қардош ва жаҳон халқлари бастакорлари асарларидан намуналар тинглай олишни ўрганишлари зарур.

Мусиқа тинглаш машғулотларда барча фаолият турларини бажариш жараёнида амалга ошади. Демак, мусиқа тинглаш орқали болаларда мусиқани, унинг образлари воситасида хаётни, борликни эстетик идрок этиш, англаш ва билиш қобилияти ривожланиб боради. Юқорида санаб ўтилган шартлар бажарилса, болаларни мусиқий асарларни бадиий-ғоявий жиҳатдан мантиқан тўғри идрок этишга, мусиқий дид ва тафаккурларини ривожлантиришга, мусиқий асарни қадрлашга, уни тўғри баҳолашга қулай шароит яратилади.

Қўшиқ куйлаш фаолияти Болалар тарбиясида мусиқа етакчи ўрин эгаллайди. Бу фаолият тури болаларга бошқа фаолият турларига нисбатан яқин ва тушунарлидир. Болалар қўшиқ куйлашни севадилар. Куйлаш болалар ижрочилиги фаолияти ичida етакчи фаолият тури бўлиб, у ўқувчиларнинг мусиқий-эстетик тарбиясида муҳим ўрин эгаллайди. Яхши қўшиқ болани

кувонтиради, ҳар томонлама камол топдиради ва тарбиялади. Чолғу куйларидан фарқли улароқ қўшиқ куйлаш кучли эмоционал таъсир кучига эга. Чунки қўшиқда матн ва мусиқа бадиий бирлиги намоён бўлади. Қўшиқ куйлаш бола шахси тарбиясига ҳар томонлама таъсир кўрсатади. Қўшиқ инсон ақлий камолотини ўсишига, дунёқарашини кенгайишига, атроф-олам ҳақидаги тасаввурларини бойитишга хизмат қиласди.

Қўшиқ куйлаш жараёнида улар мусиқани чуқурроқ идрок этадилар, ўз кечинма ва ҳис-туйғуларини фаолроқ ифодалайдилар. Қўшиқнинг матни болаларга мусиқа мазмунини тушунишга ва куйни осонроқ ўзлаштиришга ёрдам беради. Бирор бир чолғуда ижро этилган куйга нисбатан овозда ижро этилган куйни болалар яхширок идрок этадилар.

Қўшиқ куйлаш жараёнида болаларда мусиқий қобилият ривожланади: Мусиқий эшитиш қобилияти, мусиқий хотира, ритм ҳисси, шунингдек, қўшиқ куйлаш мусиқий қобилиятлардан: метр ва ритм ҳисси, мусиқий эшитуви, лад ҳисси ривожланади.

Жамоа бўлиб куйлаш фаолияти ўқувчиларни мусиқий ўкув қобилияти ҳамда ижрочилик малакаларини ривожлантириш учун зарурдир. Синфда жамоа бўлиб куйлаш жараёнида ўқувчи ўз овоз ижросини бошқаришни, устозлари ижросини эшитиб, кузатишни ҳамда улар билан баҳамжиҳат жўрновозлик қилишга интилади, жамоавий бирлик, уюшқоқлик, ўзаро дўстлик ҳислари тарбияланади.

Қўшиқ куйлаш бола рухиятига таъсир қилиш баробарида, унинг жисмоний ўсиши ва ривожланишида ҳам катта таъсир кўрсатувчи омилдир. Жамоа бўлиб куйлаш машғулотларида ўқувчиларнинг диққат-эътибори, онглилиги ва фаоллиги ошади, мусиқий хотира яхши ривожланади ва ўрганганд қўшиқларни ижро этганда, завқланиш ҳисси пайдо бўлади. Қўшиқни сўз маъноси ва мусиқа оҳангини чуқур идрок этадилар ва асарни мазмуни орқали ҳаётни ўрганадилар.

Қўшиқ куйлаш болаларнинг нутқини ҳам ривожланишига замин яратади. Қўшиқ сўzlари чўзиб ижро этилганлиги туфайли болалар янги сўзларни буғинлаб, хатосиз ўрганадилар. Мусиқа раҳбари ва тарбиячилар сўзларнинг тўғри этилишини текшириб борадилар.

Қўшиқ куйлаш жараёни болаларни умумий кайфият билан бирлаштиради, улар ҳамкорликда фаолият бажаришга ўрганадилар. Улар шошиб кетаётган ёки орқада қолиб кетаётган ўртокларини эшитадилар ва уларни бир хил суръатда куйлашга чақирадилар.

Қўшиқ куйлаш - мусиқий тарбиянинг асосий воситасидир. У бошқа фаолиятларга нисбатан болалар учун жуда яқиндир. Қўшиқ кўйлаб, улар

мусиқани янада фаолроқ идрок этадилар. Қўшиқ матни эса мазмунан қўшиқ кўйини англашга ёрдам беради.

Куйлаш фаолиятида болаларда мусиқий қобилияtlар эшлишиш қандай хотира ва ритм ҳисси ривожланади. Куйлаш боларнинг нутқини ривожлантиради.

Мусика ўқитувчisi (раҳбари) болаларни қўшиқ куйлаш жараёнида сўзини қўйга мос қилиб куйлаш уларни назорат қилиб туради.

Бола овозни ўзига хос хусусиятлари боғча болаларнинг овози нозик, юмшоқ майин бўлади. Бола томоғи ундағи буғин билан катта кичкина бўлади. Шунинг учун овози юмшоқ ва товуш резанатори орқали кучайтириб берилади. Резонатор иккига бўлинади:

1. юқори бош резонатор.
2. пастки кўқрак резанатори.

Кўқрак резанатори овозни кучайтириб беради. Бош резанатор эса овозни жарангли қилиб беради.

Куйлаш - бу мураккаб жараён бўлиб, товуш ҳосил қиласди, яъни куйлаш даврида эшлишиш ва куйлаш бир-бири билан боғлиқ бўлиши керак. Болалар катталарнинг нутқи ва оҳангига тақлид қиласдилар, овозларида қушларнинг, уй ҳайвонларининг товушларини ифодалайдилар. Ўқувчиларда куйлаш малакаларини самарали шакллантиришда энг аввало инсон овоз аппарати тузилишини билиб олишимиз керак. Оғиз, бурун бўшлиғи, халқум, трахея, бронхлар ва ўпкалар овоз ҳосил қилувчи аъзолар ҳисобланади. Асосий овоз аппарати эса ҳиқилдоқда жойлашган. Болаларни куйлаш ижодини ривожлантириш бўйича иш аста-секин олиб борилади. Шуни инобатга олган ҳолда мактаб таълим-тарбия дастурида ҳар бир синф диапазонига мос асарлар берилган.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ёш болаларда ҳали овоз мушаклари ривожланмаган бўлади. 7 ёшдан 13 ёшгача бўлган вақт овоз мушакларининг шаклланиш даври ҳисобланади. Унга қадар овоз мушаклари вазифасини пайлар бажаради. 11 -13 ёшга келиб болаларда ҳиқилдоқ мушаклари тўлиқ шаклланди ва 20 ёшга қадар ривожланиб боради. Шундан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, 11-13 ёшда овоз ҳосил қилиш катталарнидан фарқ қиласди. Буни қўшиқ ўргатиш жараёнида албатта инобатга олишимиз керак.

Болалар овозини тўғри шакллантириш ва ривожлантириш учун ўқитувчи овоз аппарати ўзгариш хусусиятлари билан бирга, болаларнинг куйлаш имкониятларини яхши билиш керак. Чунки боларнинг ёш диапазонига амал қилишлик овознинг тўғри тарбиялашнинг, куйлаш фаолиятини самарали амалга оширишда муҳим шартларидан биридир.

6-7 ёшли болаларда куйлаш имконияти у қадар катта эмас. Юқорида айтиб ўтилгандек, бу уларнинг овоз аппаратлари тўлиқ шаклланмаганлиги билан боғлик..

1-синф ўқувчилари овози ми 1-соль 1, фа 1- ля 1 диапазонида яхши жаранглайди. Шунинг учун ҳам дастлаб диапазон жиҳатдан чегараланган, унча мураккаб бўлмаган, содда, аммо ҳарактери ва образ жиҳатдан эркин қўшиқлар куйлашга берилиши лозим. Аста-секин қўшиқлар диапазони кенгайтириб борилади. Ҳар бир қўшиқда ўқувчилар куй товушлари ва баландлигини кўргазмалар ва ҳаракатлар орқали билиб борадилар. Бу эса овоз ва эшитув мувозанатини таъминлайди ва товуш баландлигини тўғри аниқлашга ўргатади.

2-синф ўқувчиларининг овозлари эса ми 1 - си 1, диапазонида анча табиий жаранглайди. Шу билан бирга ушбу диапазон ҳали нозик ва калта овоз пайлари имконияти билан ҳам белгиланади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг дарсларда, синфдан ташқари машғулотларда енгил, зўриқмай куйлашга эришиш керак.

Аста-секин куйлаш диапазони кенгайтириб борилади. Ўқув йили охирига келиб ушбу синф ўқувчилари диапазони ре 1 - ре 1 га ўтади.

Учинчи-тўртинчи ўқув йилларида эса ўқувчилар овози до 1- ре 2 (ми 2) диапазонида тўлиқ жаранглайди. Тўртинчи синф ўқувчилари овоз диапазони до кичик октава - ми 2 (фа 2) диапазонида тўлиқ жаранглайди. Бу даврга келиб улар куйлаш малакаларига эга бўладилар.

5-6-синфда 11-13 ёшли ўқувчилар билан ишлаш жараёнида ўқитувчи ишида қийинчиликлар вужудга келади. Чунки бу даврда ҳиқилдоқнинг ўсиши натижасида болалар овозида «мутация» ҳолати кузатилади.

Мутация ҳар кимда турлича кечади. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир ўқувчини яхши билиши ва овозидаги индивидуал ўзгаришларни кузатиб бориши лозим.

Қизларда ҳам «мутация» борми деган савол илмий адабиётларда у қадар тўлиқ ёритилмаган. Яхши маълумки, овоз ўзгариши физиологик жараён бўлиб, у бевосита бутун организм ўзгариши билан боғлик. Қизларда ҳам овоз пайларининг ўсиши кузатилади. 13-14 ёшга келиб куйлашдан сўнг қизлар овоз пайларида ҳам қизариш ва овознинг бир мунча чарчаш ҳолати кузатилади. Лекин қизлардаги мутация жараёни ўғил болалардагидек сезиларли даражада ўтмайди.

Болалар овозини муҳофаза қилишда куйлаш малакалари устида иш тўғри олиб бориши керак. Жамоа бўлиб куйлаш малакаларига:

- куйлашдаги ҳолат (туриб, ўтириб куйлаш);
- нафас ҳосил қилиш;

- товуш ҳосил қилиш;
- соз;
- талаффуз;
- ансамбл;

Күшиқ айтиш ҳолати. Боғча болаларнинг куйлаш жараёнида уларни тўғри ўтириш, қоматларини, бошларини тик тўтишларини, оғиз очишларини тўғри ўрганишларини назорат қилиб туриш. Стулга тўғри ўтириш, лекин, 3-4 ёшли бола стулга суюниб қўлини тиззига қўйиб ўтириши мумкин, оғизларини вертикал очишлари керак.

Мактабда эса ўқитувчи биринчи дарсдан бошлабоқ, қўшиқ айтиш ҳолати - партада ўтириб ёки туриб куйлаганда бош, қўл ва оёқларни қандай тўтиш лозимлиги ҳақида болаларга тушунча бериб боради. Куйлаганда гавдани қийшайтирмасдан тўғри тўтиш, елкаларни енгил кериб, иякни ортиқча кўтармасдан, бўйинни ва бошни тўғри ушлаш, қўлларни эркин ҳолда пастга тушириш ёки кафтларни тиззалар устига енгил қўйиб, энгашмасдан ўтириш ва оёқларни елка кенглигидаги эркин қўйиш каби ҳолатлари устида иш олиб боради. Бу иш ҳар бир дарсда қайта-қайта такрорланади ва бутун йил давомида назорат қилиб бориш билан болаларда кўникма ҳосил этилади .

Нафас ҳосил қилиш. Нафас қўшиқ куйлаш жараёнида мустахкамланади. Куйлашдан аввал мусиқий жумлалар орасида нафас олишга болаларни ўргатади. Нафас ҳосил қилиш, куйлаш, нафасни тўғри олиш ва ундан унумли фойдалана билиш асосида амалга оширилади. Бошланғич синф ўқувчиларда нафасни кўкрак қисмида олишлари сабабли кафтларни кўтаришлари, жумлани тугатмасдан ёки сўзни бўлиб нафас оладилар.

Ўқитувчи елкаларни кўтармасдан вазмин нафас олиш ва жумла ҳамда сўз ўрталарида нафас олмасликка алоҳида эътибор бериши лозим, болалар қўшиқ ёки машқ куйлаганларида ўқитувчининг қўл ишораларига қараб, нафас олишиларига ва уни жумла охиригача етказишга одатлантириб борилади. Дирижёрлик ҳолатлари - «диққат», «ауф», «ижрони бошлаш», «ижрони тугатиш»га одатлантириб бориш бошланғич синф ўқувчиларида нафасни тўғри йўлга қўйишда энг самарали усул ҳисобланади.

Интонация (Товуш ҳосил қилиш). Бунинг учун болалар куйни яхши идрок этиш керак. Интонация эшитиш қобилияти ва овоз аппаратининг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Айрим нутқида нуқсони бўлган болалар сўзларни нотўғри айтиш натижасида фальш (носоз) қилиб куйлашлари мумкин. Интонацияни соф бўлиши тарбия олаётган муҳиттага ҳам боғлиқ. Товуш ҳосил қилиш куйлашни асосий воситаларидан биридир. У кўпинча

максус машқлар ва қўшиқлар ўрганишда сўзларни аниқ-равшан талаффуз этиш йўли билан шаклланиб боради.

Болаларни куйлаш малакаларини шакллантириш ва ўстириш ишлари, мусиқа товушларини диққат билан эшитиш ва уларни аниқ баландликда кўйлаб бера олиш қобилиятини ривожлантириш асосида амалга оширилади. Бу ёшдаги болаларда, қўшиқни куйлаганда кўпроқ нутқ товушларидан фойдаланишга интилиш ҳолларини қузатиш мумкин. Шунинг учун ҳам бу, биринчи навбатда, болаларни битта товушда чўзиб майнин, яъни легатода куйлашга ўргатишдан бошлаш зарурдир.

Бошланғич синфларда болаларни майнин "атака"да куйлашлари аниқ товуш ҳосил бўлишини, овознинг мулоим ва ёқимли бўлишини таъминлайди. Қаттиқ "атака"дан фойдаланиш болалар овозига қўполлик ва дағаллик олиб келиши мумкин. Айрим болалар бақириб, зўриқиб куйлайдилар. Бу эса, вокал-хор малакаларининг яхши шаклланишига халақит беради, овозларга путур етказади. Болаларни тўғри куйлашга ўргатиш учун керакли машқлардан фойдаланамиз: пастки жағни бўшатиш учун «ля-ля-ло-лу»; «да-де-ди-до-ду»; «ма-ме-ми-мо-му» машқини иккинчи бармоқларимизни лабимиз четига қўйиб ижро этамиз.

Соз ва ансамбл. Жамоа бўлиб куйлашнинг энг асосий шарти соз ва ансамблга эришишdir. Соз жамоа бўлиб куйлашда овозларнинг интонацион уйғунлиги, жўрлиги, бирлиги бўлиб, мелодик ва гармоник турларга бўлинади. Соз ҳар бир боланинг мусиқа товуши баландлигини аниқ куйлай олишига асосланади. Барча болаларни созга бир хил тушуши жамоа бўлиб куйлаганда талаффуз жиҳатдан уйғунлашишга имконият беради. Шунинг учун 1-дарсдан бошлаб, соз устида муентазам иш олиб борилади. Фақат шундагина соф унисонга эришиш мумкин бўлади.

Талаффуз. Товуш яхши чиқиши учун талаффузнинг муҳим аҳамияти бор. Жамоа бўлиб куйлаш ишини ривожлантиришда талаффузнинг яхши ривожланиши муҳимдир. Бунда артиқўляцион органлари - лаб, тил, жағларнинг фаол ҳаракатидан ҳамжиҳатлиги, аниқ, оҳангдор, мазмунан ифодали талаффуз этилишига эришиш лозим. Болалар нутқида заифлик, ноаниқлилик, овоз аппаратини сиқиб гапириш каби нуқсонлар учрайди. Бундай болаларга эътиборни кучайтириш ва улар билан индивидуал иш олиб бориш лозим. Энг муҳими, болаларни машқ ва қўшиқлар матнларининг вокал талаффузига ўргата бориш лозим. Кўшиқ куйлашда унли товушларни тўғри шакллантира олиш муҳимдир. Бу иш вокал машқлари, машқ-қўшиқ, ва қўшиқларни ўрганиб куйлаш жараёнида амалга оширилади. Нутқимизда унли товушдан кўра, ундош товушлар кўпроқ ишлатилади. Шунинг учун бизнинг вазифамиз кўпроқ унли товушларни куйчан, чўзиб куйлаш ҳисобига

ундош товушларни қисқа аниқ талаффуз этишга эришишдан иборатdir. Хусусан, «А» товушини очик кенг талаффуз қилиниб, кўйланганда лаблар бир-бирига яқин, ёпиқли, бироз «о» товушига яқинлаштириш; «О» товушини талаффуз қилганда очикқ томоққа яқин, куйлаганда балларга яқин, ёпиқли, юмшоқ кўйланади; «Е» товуши талаффузда очик, куйлаганда ёпиқли «е» тарзида келадиган сўзларни «э» га яқинлаштириб кўйланади. «И» товуши тил олди, йиғиқ, баъзан сиқиқ ҳолда талаффуз этилади. Уни фақат овоз аппаратиннig эркинлиги ва енгил нафасда «у» га яқинлаштириб куйлаш лозим. Товушларни вокал машқларида «да, дэ, ди; ма, мэ, ми» каби буғинлар билан куйлаш фойдалидир.

Ундош товушларни кескин, чақон ва аниқ талаффуз этиб, уларни унли товушлар оралигига куйлашга ўргатиб бориш лозим. «К», «х» ва «г» товушлари нутқда томоққа яқин талаффуз этилади. Куйлашда талаффуз механизмини ўзгартирмай, уларни юмшоқ талаффуз қилишга эришиш лозим.

1. Куйлашдан олдин қўшиқ матнини ифодали ўқиши.
2. Қўшиқ ўргатиш жараёнида ҳамма биргалиқда шошмасдан сўзлаб секин куйлаш.
3. Қўшиқни кўплетларга бўлиб, ифодали ўқиши куйлашга ёрдам беради.

Ансамбл. Жамоа бўлиб куйлашда овозларнинг ритмик, динамик, темп, тембр ва интонацион уйғунлигидир. Соз малакаси эса, ансамблнинг вужудга келишида асосий омил ҳисобланади. Қўшиқларнинг бадиий ижро этилишига овозлардаги соз ва ансамблнинг уйғунлиги воситаси билангина эришиш мумкин.

Бошлангич синф ўқувчиларини жамоа бўлиб қўшиқ куйлашга ўргатиш умумий ўрта таълим мактабларининг мусиқа ўқитувчи зиммасидаги мухим вазифалардан биридир. Жамоа бўлиб куйлаш ўқувчиларда бир қатор ижобий жиҳатларни жумладан, уларни ахлоқий жиҳатдан шаклланишига катта таъсир этади. Биринчидан, қўшиқ аниқ бир мавзуга қаратилган бўлади, иккинчидан, ўқувчилар қўшиқларда акс этган ўзга инсонларнинг руҳий ҳолатини, унинг кечинмаларини ҳис қиласидилар. Жамоа бўлиб куйлаш нафақат эстетик дидни, балки ўқувчиларнинг ташаббускорлигини, фантазияларини, ижодий қобилиятларини, тарбиялайди ва мусиқий қобилиятлар (қўшиқчилик овозини, усулни ҳис этишни, мусиқий хотирани)ни ривожлантиради, қўшиқчилик малакаларини, мусиқий қизиқишиларини ошириб, эмоционал ҳамда вокал-хор малакаларини орттиради. Жамоа бўлиб куйлаш инсон ҳаётида жамоатчиликнинг ўрнини тушунишга ёрдам беради. Шу билан бирга ўқувчиларнинг дунёқарашларини шакллантиради ва уларга жисплаштирувчи, тартибга солувчи таъсир қиласиди

ҳамда жамоатчилик, дўстлик ҳисларини шакллантиради. Жамоа бўлиб куйлаш дарсларида ижро этиш учун мусиқий асар танлашда кўйланадиган материални тўғри танлаш асосий шартлардан биридир. Бу турдаги дарслар учун қўшиқ уларни мавзу, мусиқий жанрга мансублик, мақоми (миллий ва чет эл мусиқий асарлари) жиҳатидан турли туман бўлишига алоҳида эътибор қаратиш лозим, яъни репертуарда ҳар хил мавзу ва жанрлардаги замонавий ва мумтоз асарлар, маҳаллий ва чет эл мусиқаларини бўлиши мақсадга мувофиқ. Қўшиқ айтиш бошқа мусиқий фаолиятлар туридан шуниси билан фарқ қиласиди, унда мусиқа билан сўз биргалиқда келади. Шунинг учун ҳам қўшиқнинг мазмуни ўқувчиларга мусиқанинг бошқа турларига қараганда тушунарлироқ бўлади.

Мактаб мусиқий тарбия амалиётида жамоа бўлиб куйлашнинг бир қатор ўзига хос хусусиятларини юзага чиқарган:

- жамоа бўлиб куйлаш болалар хулқини тарбиялайди ва жамоага бирлаштиради;
- жамоа бўлиб куйлаш болаларни жисмоний ривожлантириш воситасидир;
- жўрсиз куйлаш болаларни эшлиши қобилиятини ва хотирасини ривожлантиради;
- кўп овозлилик гармоник эшлиши қобилиятини тарбиялайди. Болаларни жамоа бўлиб куйлашга қизиқтириш ва ўргатишда ўқитувчининг олдида қатор вазифалар белгилаб берилган.

Жамоа бўлиб куйлашнинг вазифалари:

- болаларда бадиий сезирликни ошириш ва мусиқага бўлган муҳаббатни ўйғотиш, жамоа бўлиб куйлашга болаларни қизиқишини ривожлантириш;
- вокал-хор малакаларини ривожлантириш;
- Мусиқий қобилиятларини ривожлантириш;
- Мусиқий ижрочилик малакаларини ривожлантириш.

Жамоа бўлиб куйлашда белгилаб берилган хусусиятлар, мақсад ва вазифалардан тўлақонли фойдалана олсак, болаларда мусиқага, хусусан, жамоа бўлиб куйлашга бўлган қизиқишиларини янада оширамиз

Мусиқий-назарий билимларни ўзлаштиришнинг қўшиқ куйлаш жараёнида, ўқувчилар аввал кўйланадиган қўшиқни ўқитувчи ижросида, маълум чолғу жўрлигига тинглайдилар. Бу ўқувчиларда қўшиқ ҳақидаги дастлабки эмоционал таассуротларни ҳосил қиласиди. Ўқитувчи ўқувчиларга танланган қўшиқнинг яратилиши ҳақида, уни ёзган композитор ҳақида қисқача маълумот беради.

Кейин ҳамма биргаликда қўшиқнинг тузилиши, лади, ўлчови ва тонлигини аниқлайдилар. Сўнгра ўқитувчи ёрдамида қўшиқни куйлашни ўрганадилар. Ўқувчиларга қўшиқ куйлашни ўргатиш жараёнида ўқитувчи ўз билимини улар онгига етказиши учун жуда қулай вазият вужудга келадики, бунда ўқитувчининг болаларни мусиқани тўғри идрок қилишга тайёрлаши муҳимдир. Бу жараённи амалга оширишда тафаккур, диққат, хотира ва эмоционал кўтаринки рух ёрдамга келади.

Педагогика ва психология фанларида утказилган тадқиқотлардан маълумки, ижодиётни шакллантиришнинг барча турларига бу нарсалар бевосита алоқадордир, қолаверса бутун таълим жараёнини буларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мусиқа дарсларида хотирани кучайтириш ва ривожлантиришнинг асосий принципларидан бири дарсларни соддадан - мураккабга, қуидан-юқорига қараб бориш принципларига асосланган ҳолда ўюштиришдир.

Қўшиқ айтиш санъати вокал-хор малакаларига эга бўлишни талаб этади ва қуидаги шартларни ўз ичига олади:

1. Куйлаш жараёнида тўғри ўтириш ёки туриш.
2. Тўғри нафас олиш.
3. Оҳангдошликни ҳис этишга эришиш.
4. Бошқа ўқувчиларни тинглаган ҳолда куйлаш (ансамблга эришиш) ва ҳоказолар.

Жамоа (хор) бўлиб қўшиқни куйлаш олдидан ва уни куйлаш жараёнида мусиқий саводхонлик компонентларини ташкил этувчи бир қанча вазифаларни амалга ошириш лозим, чунончи:

- Жамоа (хор) бўлиб қўшиқни куйлаш вазифалар-**
- қўшиқ ҳакида дастлабки эмоционал таассуротлар ҳосил қилиш (қўшиқни тинглаб кўриш орқали);
— қўшиқни мусиқий таҳлил қилиш (ўлчов, темп, ритм, жанр ва ҳоказоларни аниқлаш);
— қўшиқнинг сўзлари устида ишлаш;
— қўшиқни кичик булакларга бўлиб ўрганиш;
— қўшиқни бир неча маротаба қайтариш орқали мустаҳкамлаш;
— асарнинг мусиқий-бадиий образини тингловчига етказиб куйлаш (мусиқий харакатлар, эмоционал түйғулар орқали).

Бу вазифаларни амалга ошириш учун ўқитувчи энг аввало танланган қўшиқнинг яратилиши ҳакида қисқача маълумот бериши ва ушбу қўшиқни маълум чолғу асбоби жўрлигида ифодали кўйлаб бериши лозим. Ўқитувчи қўшиқ устида ишлаганда, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиши зарур.

Юқоридаги вазифаларни ҳисобга олган ҳолда қўшиқ кичик булакларга бўлинниб ўргатилади. Сўнгра бир бутун қилиб фразалар, жумлалар

бўйича қўшилади. Кўшиқни бир бутун куйлаганда ўқувчилар ўқитувчининг ижросига суянадилар. Бу вазифаларни ўқувчиларнинг билим дойрасини, яъни куйлаш маданиятини шакллантирмасдан амалга ошириб бўлмайди. Ўқувчиларда куйлаш малакаларини шакллантириш жараёни бир хилда кечмайди. Бу жараён маълум қонуниятларга бўйсўнган ҳолда мақсадга мувофиқ равишда амалга оширилади. Бошланғич синфларда куйлаш малакаларини шакллантиришнинг қуидаги уч босқичга бўлишимиз мумкин:

1. Оддий элементар куйлашни ўрганишга эришиш.
2. Оддий машқларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.
3. Ҳосил бўлган куйлаш маҳоратидан самарали фойдаланиш.

Шаклланишнинг илк босқичлариданоқ ўқувчилар кичик диапазонда бўлса ҳам, соф, тоза ва ифодали, динамик белгиларга риоя қилган ҳолда куйлашга ҳаракат қилишлари керак. Куйлаганда, оғизни тўғри очиш, нафасни тўғри олиш, куйлаш талаффузини яхшилаш, овоз тембрини ёрқинроқ ҳамда юмшоқроқ қилишга эришишлари лозим.

Биринчи босқични амалга оширишда мусиқа ўқитувчисининг ушбу малакаларнинг бир-бирига боғлиқлигини таъминлашга эришиши муҳим ҳисобланади. Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг товуш пардасига оғирлик тушмаслиги ва уларнинг овозлари чарчаб қолмаслиги учун қўшиқ айтиш фаолиятини бошқа фаолиятлар билан алмаштириб туриши лозим.

Иккинчи босқичда асосий ўқувчиларнинг куйлаш малакаларининг барча қирраларида ижобий ўзгаришлар руй беради. Нафас йўлларида эркинлик ҳосил бўлади, овоз тембри ёрқинлашади мусиқий хотира, эшитиш, ладни ҳис этиш қобилияти, диққат ривожланади.

Сўнгги босқичда куйлаш малакаларини ривожланганлик даражаси юқори бўлади. Жарангдорликнинг соф ва ифодали бўлиши, овоз ҳосил бўлиш усулининг мустаҳкамланиши, овоз тембри сифатининг янада ошиши, овоз диапазонининг сезиларли даражада кенгайиши, куйлашда талаффузнинг ҳамда нафас олишнинг тўғри, равон ва тўла шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Бу босқичда ўқувчилар чуқур мусиқий ҳис-туйғу ва мусиқий тўғри куйлашга эришган бўладилар. Бу даврда ўқитувчи катта диапазонли, сакрашлар иштирок этган машқлардан фойдаланиши мумкин. Куйлаш малакаларининг ўзаро узвийлиги пайдо бўлиши шу босқичга хос омиллардандир. Масалан, мусиқий эшитиш қобилиятининг ривожланиш даражаси овоз тембрининг сифатига, овоз ҳосил қилиш усулига ва бошқа малакаларга таъсир қиласи.

Табиийки, ўқувчиларда куйлаш малакаларини шакллантиришнинг ўз қийинчиликлари бўлади. Ўқувчилар ҳали берилган асарни тўла таҳлил қила олмайдилар, дастлабки машқларда қўлга киритилган ютукларни кейинги

машқларда ишлата олмайдилар, куйлаш малакалари орасидаги боғлиқликни тўлиқ кўра билмайдилар. Бу қийинчиликларни бартараф этишда ўқувчиларнинг мусиқа тинглаш ва куйлаш ижодиётини тўғри тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Куйлаш малакаларини шакллантиришда қайта куйлаш машқлари усулининг мақсадга мувофиқ равишда бажарилиши муҳимдир.

Қайта куйлаш усулининг икки шарти мавжуд:-

1. Ўқувчи куйлаётганда ўз олдига аниқ бир мақсадни қўйиши керак.
2. Ўқувчи нимага эришганини, ҳар бир машқнинг қандай натижа берганини, қандай хатоларга йўл қўйилганини билиши лозим ва келажакда ушбу хатоларни бартараф этишга ҳаракат қилиши керак.

Юқорида санаб ўтилган шартларни бажариш мусиқа маданияти дарслари самарадорлигини оширади ва келажакда янги усул ва услублар ишлаб чиқаришга замин яратади. Бунинг учун биз мусиқий тарбия тизимини яхшироқ англашимиз зарур.

Ҳар бир дарс ўз хусусиятига кўра такрорланмас ва бир-бирига ўхшамайдиган бўлади. Дарснинг ҳар бир фаолияти, методлари, мақсади ва вазифалари эришилмоқчи бўлинган натижалар аввалдан тузиб чиқилган бўлади.

Кисқа вақт ичida дарсни ташкил этиш учун 3-синф мисолида бир аралаш дарс турининг режаси қуидагича бўлиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Дастреб дарснинг мақсади белгиланади.

Дарснинг мақсади:

- 1) Таълимий мақсад - интонация устида ишлаш, янги мавзуни тушунтириш, янги қўшиқ ўргатиш, дарс жараёнида аввал ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш ва дарс мобайнинда улардан унумли фойдаланиш.
- 2) Тарбиявий мақсад - ўрганилаётган қўшиқ орқали ўз Ватанига, халқига нисбатан меҳр-муҳабbat ўйғотиш, ўз миллий мусиқасига, миллий урф-одатларга шрмат ва фахрланиш ҳиссини ўйғотиш.
- 3) Ривожлантирувчи мақсад - Мустакил фикрлай олиш, ўз фикр-мулоҳазаларини баён эта олиш, бошқа ўқувчиларнинг хато ва камчиликларини тўғри топиб, уларни тузата олиш.
- 4) Шакллантирувчи мақсад - Мусиқий қобилиятни, эшишиб аниқлаш малакаларини, тўғри ўтириш, қўшиқ куйлаганда тўғри нафас олиш, овоз аппаратидан қоидагидек фойдаланишни, мусиқий дид ва дунёқарашни шакллантириш.

Дарснинг тури: баҳс-мунозарага асосланган интеллектуал ўйин.

Дарснинг кўргазмалилиги:

Дарслик ва күшимча адабиётлар, чолғу асбоблари (пианино, рубоб, аккордеон...), магнитофон ёки граммпластинка, карточка ва плакатлар.

Дарснинг режаси:

1) Мусиқа оҳанги остида ўқувчилар синфга кирадилар ва жойларига ўтирадилар. (ўрганилиши ёки эшитилиши керак бўлган қўшиқ бўлса яна ҳам яхши).

2) Эшитилган мусиқа юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашинади. (музиқий асарнинг муаллифи, қандай жанрга хослиги, темпи (суръати), ритми (усули), тонлиги ва ҳоказо.

3) Янги мавзу: «Тоника».

Куйнинг таянч нуқтаси - тоникадир. Ҳар бир тонликда тоника мавжуд. Мусиқий асарлар ўз ёзилган тонлигининг тоникасида тугайди ва ҳоказо.

4) Ўрганишимиз керак бўлган «Ота-оналарга» қўшиғини тинглаймиз. Ўқувчилар қўшиқ борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар. Қўшиқнинг композитори ҳақида ўқитувчи сўзлаб беради. Янги мавзуга боғлаган ҳолда ўқитувчи ўқувчиларга асарнинг тоникасини топишни вазифа қилиб беради.

5) Қўшиқ ўрганиб куйлаймиз. (Овоз созвочи машқлар билан овоз созланади, қўшиқ кичик жумлаларга бўлиб ўрганилади)

6) Ўқитувчи ўқувчилар билан қўшиқни мусиқий (тонлиги, ўлчови, темпи, динамикаси ва бошқалар) ва мазмуний (ота-онага нисбатан меҳр-муҳаббат, шрмат туйгулари ва ҳоказо) жиҳатдан таҳлил қилиб, ўқувчилар фикрларини тўлдиради ва қўшиқнинг тарбиявий аҳамиятини очиб беради.

В Дарснинг бориши: Мусиқий таълим анъанавий шаклда (ўқувчиларни давоматини текшириш, уйга берилган вазифани текшириш, қўшиқ ўргатиш, мусиқа тинглаш, мусиқий саводхонлик) олиб борилади. Сўнг ўқитувчи юқорида белгиланган режага асосан дарсни олиб боради. Дарс сўнгидаги уйга вазифа берилиб, фаол қатнашган ўқувчилар баҳоланади. Фаол қатнашган ўқувчиларнинг аниқлаш учун ёрдам сифатида, ҳар бир тўғри жавоб учун ўқувчига рағбатлантирувчи карточкалар бериб бориш дарснинг самарасини оширади.

Юқорида берилган дарс ишланмаси бир дарснинг кўриниши бўлсада, биз бундан ташқари бошқа усулдаги, масалан, концерт дарслари (барча ўрганилган қўшиқлар ўқувчилар ижросида тингланади ва баҳоланади), контрол дарслар (барча ўрганилган мавзулар мусобақа тарзида (қаторлараро) савол-жавоб қилинади), «ким тўғри топади» дарслари (ижро этилган куйнинг номи, муаллифи, темпи, қандай жамоа учун ёзилганлиги ва ҳоказо топилади) ва шу каби дарс шаклларидан ҳам фойдаланишимиз, янгиларини излаб топишимиш мумкин. Бундай ёндошув ўқувчиларни барчасини дарсда фаол

қатнашишга, уларнинг аксариятини бир дарсда баҳолашга кенг имконият яратади.

Мусиқа маданияти дарсларининг самарадорлигини ошириш учун мазкур предмет хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда муайян дидактик принципларга асосланади.

Дарсларга қўйиладиган дидактик талаблар тизимида қўлланиладиган методиканинг аниқ ва тушунарли бўлиши, аввалги ўтилган дарслар билан ҳозирги дарсларнинг узвийлиги, дарсда ўтиладиган мавзуга мос материал танлаш, дарс ўтишда самарали усул ва услублардан фойдаланиш, дарсни ташкил эта билиш, жамоа, груп ва индивидуал ишлаш усувларини умумлаштириш, дарс жараёнида ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятини ҳисобга олиш, мусиқа маданияти дарсларини бошқариш, турли хил дарслар ёрдамида дарсларнинг мазмунини бойитиш, бериладиган вазифаларни тўғри баҳолаш, ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Нотага қараб қуйлаш (солфеджио) Мусиқий билимларни ўзлаштириш жараёнида нотага қараб қуйлаш мураккаб жараёндир. Солфеджио - италянча - ноталар, мусиқа белгилари, гаммаларни қуйлаш - эшитув малакасини юксалтириш ва нотага қараб уларни тез ўқишини ўрганиш учун ўтказиладиган вокал машқлардир. Солфеджио - мусиқа асарлари ва турли хил мусиқий машқларни нотага қараб,nota номини айтиб қуйлаш тариқасида олиб борилиши мумкин. Солфеджио термини сол-фа нота номларидан олинган. У ўқитувчидан дарсларни тизимли ва изчил равишда олиб боришни талаб қиласди.

Агар ўқувчилар синфдан-синфга ўтаётганларида нотага қараб қуйлаш малакаларини аста-секин, оддийдан-мураккабга қараб олиб борсалар юқори синфларга ўтганда улар ўрганиладиган қўшиқларни bemalol нотага қараб қуйлай оладилар. Нотага қараб қуйлаш -солфеджио мусиқа саводи билан узвий равишида олиб борилади. Мусиқа саводи ноталар жойлашуви, узунлиги, саналиши ҳақида ўргатса, солфеджио орқали ноталарни амалда қўйлаб кўриш имконияти бўлади. Шунинг учун мусиқа саводи ва солфеджио параллел тарзда олиб борилади.

Биринчи синфданоқ ўқувчилар нотага қараб қуйлаш малакаларини эгаллашлари керак. Бунинг учун кўйлананаётган қуйнинг ҳаракатини нотага қараб кузатиб бориш лозим. Аввалам бор осон бўлган кичик мусиқий лавҳалар бериб борилади. Нотага қараб қуйлаш учун ўқувчилар ноталар тизимини яхши билишлари ва уларни нота чизигидан bemalol топа олишлари муҳимдир. Нотага қараб қуйлаш яхши самара бериши учун

ўқувчиларга таниш бўлган, аввал кўйланган ёки тингланган куйни бериш уларни куй харакатини кузатишларида қулайлик туғдиради.

Куйлашдан олдин куйнинг ўлчови, қандай узунликдаги ноталар (бутун, ярим, чорак, нимчорак...) иштирок этганлиги, куйнинг темпи, тонлиги аниқланади. Кейин шу тонликда овоз созлаш машқларини бажариш тонликка мослашишга имкон беради. Машқларда тонликдаги турғун ва нотурғун босқичлар аниқланади ва айтилади. Кўргазмали қурол сифатида бундай машғулотларда дарсликдан ташқари, мусиқий куй ёзилган плакатлар яхши натижа беради. Плакат ҳаммага қўринадиган жойга осиб қуйилади.

Ўқитувчи бошчилигидаги ўқувчилар куйнинг барча ноталарини бараварига айтадилар. Кейин ўқитувчи шу куйни оҳангни ва ўлчови билан кўйлаб кўрсатади, ўқувчилар нотага қараб кузатиб турадилар. Сўнгра ҳамма биргаликда нотага қараб қуйни куйлайдилар ва бир вақтда дирижёрлик қиласидилар. Нотага қараб куйлашда дирижёрлик қилиш, куйнинг ритмидан чиқиб кетмасликка, метр ҳиссини ривожлантиришга, ноталар узунлигини тўғри санашга ёрдам беради. Сольфеджио малакаларини эгаллаш ўқувчиларнинг мусиқий ўқувларини ўстиришда, уларнинг амалий ишида катта аҳамиятга эгадир.

Сольфеджио асосан нотаниш бўлган куйларни биринчи галданоқ нотага қараб куйлашни назарда тутади. Нотаниш куйни нотага қараб куйлаш учун ёзилган куйнинг оҳангини фикран тасаввур қила оладиган бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам мусиқий ўқувни ўстириш ва мусиқа тажрибасига етарли даражада эга бўлишлик узоқ вақтни ва муентазам равишда меҳнат қилишни тақозо этади. Бунга мусиқа саводини ўстириш мусиқа адабиётлари билан танишиш, вокал-хор малакаларини эгаллаш жараёнларида эришилади.

Ўқувчилар аста-секин мусиқий нутқнинг баландлиги, лади, метроритмик хусусиятларини тушуна бошлайдилар, шунингдек уларда мусиқий идрок, мусиқий тафаккур, мусиқий хотира, мусиқий ҳиссиётлар пайдо була бошлайди. Ўқитувчи ўқувчиларга солфеджио малакасини эгаллаш бўйича машғулотларни 1-синфдан бошласада, 5-6-синфлардагина кўзлаган мақсадга эриша олади.

Мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёнида нотаниш куйни нотага қараб ижро этиш учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

Ўқитувчи доскага нота мисолларини ёзади. Кейин ўқитувчининг саволлари ва ўқувчиларнинг жавоблари асосида куй таҳлил қилинади. Таҳлил қилиш ўқувчилар аввал эгаллаган мусиқий-назарий билимлари уларнинг ёшига мос равишда ўтказилади. Ўқувчилар тушунмаган элементларни ўқитувчи тушунтириб беради, Ўқувчилар диққатини асосий мавзуга қаратади.

Тахлил қилиш жараёнида қўйдагилар аниқланади:

1. Асар тонлиги.
2. Асарнинг ўлчови.
3. Асарда учрайдиган динамик белгилар.
4. Куйнинг ритмик тузилиши (ноталар чўзими, паузалар, асарнинг қайси ҳиссисидан бошланиши ва ҳоказо).
5. Асадаги жумлалар, нафас олиш учун қулай бўлган тактлар.

Ана шундан кейин солфеджиога, яъни нутқлашга ўтиш мумкин. Бошланғич синфларда солфеджио учун машқлар асосан До мажор гаммасида берилади. Чунки бу тонлик энг осон ва куйлаш учун қулайдир. Солфеджиолаш учун машқларни солфеджио дарслекларидан топиш мумкин. Бундай дарслекларда осон мисоллардан бошлаб мураккаб машқларгача мавжуд бўлиб, у ерда ўқувчиларнинг ёши ва ўзлаштириш даражалари ҳисобга олинган бўлади. Ўқувчилар синфдан-синфга ўтганлари сари уларга бериладиган машқлар ҳам тонлиги, ўлчови, ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан мураккаблашиб боради.

Айрим ҳолларда машқлар ритми тез бўлади. Бундай ҳолларда ўқитувчи машқларни аввал секин темпда бошлаб кейин секин-аста тезлаштириб бориши керак. Агар ўқитувчида метроном бўлса, у ҳолда у bemalol қўзланган темпга эришиши мумкин. Мусиқий асарни аввал мұтадил темпда куйлаш куйни яхшироқ эшлиши, тўғри санаш, нафасни тўғри олиш, аник дирижёрлик қилиш имконини беради. Солфеджио учун машқлар танлашда ўқитувчи ўқувчиларнинг овоз диапазонини, нафас олиш малакаларини ҳисобга олиши лозим. Нутқлашда бақирмасдан, овозни зўриқтирмасдан, ҳар жумланинг охирида нафас олиб майин овоз билан куйлашни ўқитувчи назорат қилиб турмоғи даркор. Солфеджио машқлар 1-синфнинг иккинчи ярмидан бошланиб 7-синфнинг охиригача давом этади.

Ўқувчиларни куйлашга ўргатишда, уларни солфеджио малакасини эгаллашларига эришиш катта аҳамият касб этади. Бу жараён ўқувчиларнинг мусиқий савиясини оширишдаги етакчи омиллардандир.

Педагогларда мусиқий таълим фаолиятни ташкил этишга имкон берадиган малакалар гурухлари:

- 1) **билишга оид малакалар;**
- 2) **лойиҳалаш малакалари;**
- 3) **ижодий-амалий малакалар;**
- 4) **тадқиқотчилик малакалари;**
- 5) **мулоқотга киравчанлик (коммуникатив) малакалари;**
- 6) **ташкилотчилик малакалари;**

Кўйида ушбу малакалар гурухларининг моҳияти ёритилади:

Билишга оид малакалар:

- ✓ талабаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, жамоанинг
- ✓ ижтимоий-психологик ўзига хослигини инобатга олган ҳолда ўқув-тарбиявий вазифаларни аниқ белгилаш;
- ✓ замонавий таълим талабларидан келиб чиқсан ҳолда ўқув-тарбия жараёнини дидактик, психологик ва методик жиҳатдан режалаштириш ва таҳлил қилиш;
- ✓ таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг самарали шакл, метод ва воситаларни асосли равишда танлай олиш;
- ✓ талабалар томонидан ўқув дастури талабларидан келиб чиқсан ҳолда материалларни ўзлаштирганлик натижаларини, ўқувчиларнинг тарбияланганлик ва ривожланганлик даражасини аниқлай билиш;
- ✓ талабаларнинг билишга бўлган қизиқиши, эҳтиёж ва фаолликларини ривожлантириш бўйича турли кўринишдаги ишларни олиб бориш;
- ✓ дарсда, дарсдан ташқари шароитларда, тўгаракларда турли тарбиявий ишларни олиб бориш;
- ✓ талабалар, уларнинг ота-оналари билан индивидуал ишларни амалга ошириш;
- ✓ таълим жараёнида турли кўрсатмали қуроллар, замонавий техник воситалар, ахборот ва илғор педагогик технологияларидан самарали фойдаланиш;
- ✓ дидактик материал ва кўрсатмали қуролларни ишлаб чиқиши;
- ✓ ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш ва шахсий фаолиятда йўл кўйилган камчиликларни тузатиш.

Лойиҳалаш малакалари:

- ✓ дарс ёки тарбиявий тадбирларнинг лойиҳаларини яратиш;
- ✓ дарс ёки тарбиявий тадбирнинг технологик харитасини яратиш;
- ✓ дарс ёки тарбиявий тадбир моҳиятини босқичма-босқич ёритиш;
- ✓ таълими ёки тарбиявий фаолият мақсадини аниқ белгилаш;
- ✓ мақсадга мос келадиган вазифаларни аниқлаш;
- ✓ ўқув материалининг дидактик, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини баён этиш;
- ✓ ўқув ёки тарбиявий характердаги материал мазмунини шакллантириш;
- ✓ ўқув ёки тарбиявий материал мазмунини очиб берадиган бир қанча маълумотлар ўртасидаги ўзаро изчилликни таъминлаш;

- ✓ талабаларни мустақил фикрлашга рағбатлантирувчи саволлар тизимини ишлаб чиқиш;
- ✓ дарс ёки тарбиявий тадбирнинг методик тузилишини асослаш;
- ✓ дарс ёки тарбиявий тадбир жараёнида бажариладиган педагогик топшириқлар тизимини аниқлаш;
- ✓ янги материални баён этишда турли замонавий ёндашувларни кўллаш;
- ✓ муайян изчиликка эга тест топшириқларини ишлаб чиқиш;
- ✓ талабаларнинг билим дарражасини ташхислаш жараёнини асослаш;
- ✓ талабалар жамоаси ҳамда алоҳида талабанинг тарбияланганлик ва ривожланганлик дарражасини баҳолаш механизмини яратиш.

Ижодий-амалий (конструктив) малакалар:

- ✓ алоҳида-алоҳида маълумотлардан фойдаланган ҳолда яхлит ўқув ва тарбиявий характердаги материални шакллантириш;
- ✓ ўқув материалини турли расм, сурат, жадвал, диаграмма, модел ва бошқалар билан бойитиш;
- ✓ ўзига хос, оригинал ўқув материалини тайёрлаш;
- ✓ мустақил равишда янги методни асослаш;
- ✓ ўқув машғулоти (дарс) ва тарбия тадбир учун кўрсатмали қуроллар тўпламини яратиш;
- ✓ дарс ёки тарбиявий тадбирнинг технологик паспорти, харитасини яратиш;
- ✓ дарс ёки тарбиявий тадбирда фойдаланиш учун мультимедия материалларини яратиш;
- ✓ ўқув материалининг тақдимот вариантини тайёрлаш;
- ✓ турли мавзулардаги тарбиявий тадбирлар учун талабаларнинг фаол иштирокида видео роликлар яратиш;
- ✓ дарс конспектини тайёрлаш;
- ✓ турли шакл ва методларга асосланган синов топшириқлари (савол, топшириқ, масала, мисол, машқ, тест), баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- ✓ назорат ишларини ташкил этишга ижодий ёндашиш.

Тадқиқотчилик малакалари:

- ✓ илмий изланиш олиб бориш метод ва воситаларини танлаш;
- ✓ манбалар билан ишлаш (назарий таҳлил, муҳим маълумотни топиш, тезис, конспект, реферат, картотека билан ишлаш, адабиётлар рўйхатини тузиш);
- ✓ нашр манбалари ва ахборот технологиялари (Интернет) материаллари билан танишиш;

- ✓ анкета сўровини ташкил этиш;
- ✓ замонавий педагогик муаммоларни аниқлаш, долзарбилигини асослаш;
- ✓ мавжуд манбалар асосида муаммонинг ишланганлик даражасини ўрганиш;
- ✓ педагогик тажриба олиб бориш методикасини ишлаб чиқиш;
- ✓ уч (ёки тўрт) босқичли педагогик тажрибани илмий-методик ташкил этиш;
- ✓ илмий мақола, ахборот ва ҳисобот тайёрлаш;
- ✓ илмий мақолаларни нашрга тайёрлаш;
- ✓ педагогик тажриба натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш;
- ✓ таҳлил натижаларини математик-статистик таҳлил қилиш;
- ✓ статистик таҳлил натижаларига қўра хуносча чиқариш ва илмий-тавсияларни илгари суриш;
- ✓ педагогик тажриба натижаларини муҳокама қилиш (саволлар қўйиш, шахсий фикрни билдириш, танқидий фикрларни айта олиш, амалий таклифлар бериш).

Ташкилотчилик малакалари:

- ✓ талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш;
- ✓ талабаларда илмий билимларни ўзлаштириш кўникма, малакаларини шакллантириш;
- ✓ дарс жараёнида вақтни тўғри тақсимлаш ва режани самарали бажариш;
- ✓ талабалар билан индивидуал ишларни ташкил этиш;
- ✓ гурӯҳ жамоаси билан жамоавий ёки гурӯҳли ишларни олиб бориш;
- ✓ талабаларда таълим муассасаси ички тартиб-қоидаларига риоя этиш кўникмаларини шакллантириш;
- ✓ талабаларга ўқув ва ижтимоий топшириқларни бериш;
- ✓ ўқувчиларнинг диққатини бошқариш;
- ✓ талабалар ўртасида баҳс-мунозара ташкил этиш ва уни бошқариш;
- ✓ дарсларда ўйин технологияларидан фойдаланиш;
- ✓ талабаларнинг ўқув фаолликларини ошириш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш;
- ✓ кичик гурӯҳларни шакллантириш асосида топшириқлар бажарилишини таъминлаш;

- ✓ талабалар билан ҳамкорликда тарбиявий ишлар рўйхатини ишлаб чиқиш.

Мулоқотга кирувчанлик (коммуникатив) малакалари:

- ✓ талабалар, ота-оналар, таълим муассасаси раҳбарияти, ҳамкаслар билан мулоқотда турли шакл, методлардан фойдаланиш;
- ✓ педагогик амалиётнинг барча иштирокчилари билан амалий, ишчанлик ёки шахсий муносабат ўрнатиш;
- ✓ талабаларга маълумотларни етказишнинг самарали йўл ва воситаларини топиш;
- ✓ топшириқлар юзасидан талабанинг жавоби ёки шахсий фикрларини тинглай билиш;
- ✓ педагогик жараёнларда юзага келадиган низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш ёки ривожлантириш;
- ✓ жамоа ва турли босқичдаги талабалар ўртасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш;
- ✓ жамоада соғлом рақобатга асосланган мухитни қарор топтириш;
- ✓ талабаларнинг фаолиятларини рағбатлантириш;
- ✓ талаба жавобидаги хато ёки хатти-харакатидаги камчиликларга муносабат билдириш;
- ✓ талабалар билан таълимий ҳамкорликка эришиш.

Изчилликни таъминловчи (процессуал) малакалар:

- ✓ ўқув материали мазмунини баён қилишда нутқий изчилликни таъминлаш;
- ✓ оғзаки ва ёзма нутқни баён қилишда ўзаро изчилликни қарор топтириш;
- ✓ талабаларнинг мавжуд билимлари билан янги ўзлаштириладиган билимлар ўртасида муайян изчилликни юзага келтириш;
- ✓ талабаларнинг мавжуд ҳаётий қарашларини янги ғоялар билан бойитиш;
- ✓ дарсда ва дарсдан ташқари тарбиявий ишларда талабаларни фаол фаолиятга ундовчи методлардан фойдаланишда муайян изчилликка эришиш;
- ✓ талабалар БКМ даражасининг ДТС талабларига мувофиқ келишида маълум изчилликка эришиш; гурӯҳ жамоасининг ижтимоий-психологик ҳолатини ўрганиш методларидан фойдаланишда
- ✓ педагогик фаолият изчиллигини таъминлаш; талабаларнинг тарбияланганлик ва ривожланганлик даражасини баҳолашда доимий изчилликка эришиш.

▪ Техник-технологик малакалар:

- ✓ таълим жараёнига замонавий техник воситаларини татбиқ этиш;
- ✓ дарс жараёни мазмунини технологик паспорт ва технология харита ёрдамида ёритиш;
- ✓ ўқув материали мазмунини ёритувчи слайдларни тайёрлаш;
- ✓ ўқув машғулотларини ахборот технологиялари, интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш;
- ✓ ихтисослик фани хусусиятидан келиб чиқкан ҳолда турли техник воситалардан фойдаланиш;
- ✓ дарсларда проекторни қўллай олиш;
- ✓ ўқув материалларини аудио ва видео ёзувлари, тақдимот асосида баён қилиш;
- ✓ талабаларда ўқув материалини мустаҳкамлаш ва ўқув топшириқларини беришда ахборот технологияларини қўллаш;
- ✓ компьютер имкониятларидан фойдаланишга доир ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш;
- ✓ талабаларнинг БКМни баҳолашни компьютер асосида ташкил этиш;
- ✓ талабаларнинг билим олганлик ва тарбияланганлик даражаларини ташхис қилишда компьютер ёрдамига таяниш ва б.ш.

Назорат саволлари:

1. Ўқув-тарбиявий жараённинг тузилишини айтиб беринг.
2. Ўқитиш фаолиятидаги методларни санаб беринг.
3. Мусиқий билимларни ўзлаштириш жараёнида бола шахсни шакллантириш деганда нимани тушунасиз?
4. Болалар ижрочилиги фаолиятидаги етакчи фаолият турини айтиб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримова Д Мусиқа ўқитиш назарияси ва методикаси -Т. 2009 й.зДК
2. Шарипова Г.Мусиқа ўқитиш методикаси -Т. Турон –Истиқбол 2008.
3. Каримова Д.А. Мусиқий педагогик маҳорат асослари -Т. Молия иқтисод 2008

3-Мавзу. Мусиқа фанларни ўқитишда хорижий мамлакатлар тажрибалари.

Режа:

1. Таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларда санъат орқали ҳаётни ўрганиш.

2. Мусиқа таълими "Эстетика" фани сифатида.
3. АҚШда мусиқа таълим тизими.
4. Англияда бошланғич мактаб ўқитувчиларини тайёрлайдиган коллежлар.
- 5 Болгариядаги оммавий ҳаваскорлик жамоалари.
- 6 Голландиядаги болалар мусиқий тарбиянинг тизими
- 7 Руминия, Чехияда мусиқа тизими.
- 8 Россия, Эстония, Литва, Польша, Уругвайда мусиқа талими тизими.

Таянч тушунчалар: Релятив тизими, интеллектуал, корпорация, Тоник-соль-фа, "ялен" тизими, эстетика, АҚШда мусиқа таълим тизими, Англия мусиқа таълим тизими, мелодика, полиметрия, олиритмия, кастанеталар, металлофонлар, фуруйлар, "столбица".

3.1. Таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларда санъат орқали ҳаётни ўрганиш.

Ҳар бир мамлакатнинг мусиқа тарбияси ғоявий-сиёсий жиҳатдан халқнинг ижтимоий тузумига хизмат қиласи. Ҳар бир халқнинг маорифида мусиқа тарбияси методикаси педагогиканинг дидактик қонуниятларига ва шу миллатнинг мусиқа маданияти, тили ва маданий анъаналарига асосланади. Шу билан бирга мусиқа тарбиясининг тузилиши, тизими ва илмий-методик ютуқлари бошқа миллатнинг маърифий маданиятига ҳам ижобий таъсир этади.

Ягона ўқув режа ва дастурга- Хорижий мамлакатларда **амал қилинмайди**. Давлат мактаблари билан бирга шахсий мактаблар, колледжлар ва олий таълим даргоҳлари мавжуд бўлиб уларда турлича даражада **эстетик тарбияни амалга оширишда ўқитувчига кенг ижодий эркинлик берилган**.

Хорижий мамлакатларда ягона ўқув режа ва дастурга амал қилинмайди. Давлат мактаблари билан бирга шахсий мактаблар, колледжлар ва олий таълим даргоҳлари мавжуд бўлиб уларда турлича даражада эстетик тарбияни амалга оширишда ўқитувчига кенг ижодий эркинлик берилган. Ўқитувчи ўз давлатининг мактаб шароити, имкониятлари ва ўқувчиларнинг билим даражасига қараб дастурга ўзгартиришлар киритиши мумкин.

Таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларда санъат орқали ҳаётни ўрганиш ва унга шахсий муносабат билдириш, ижодий муносабатда бўлиш малакаларини ривожлантиради. Мусиқа дарсларида юксак ривожланган техник воситаларидан кенг фойдаланилади. Ўқувчилар электро рганларда чалиб куйлайдилар, турли фаолиятларни (айтишув, ҳаракатлар, бир-бирига

жўрнавозлик қилишларни) бажарадилар. Бунда асосан ўқувчиларда ижодий қобилиятни руёбга чиқаришдан иборат.

Юнеско қошидаги мусиқий тарбия халқаро жамияти ўз фаолиятини ривожлантирумокда. Бу жамият ўз олдига долзарб ва эзгу мақсадларни қўйиб, бутун жаҳонда болалар ва усмирларни мусиқий тарбиялаш, бу жараённи ёш авлодни ахлоқий, интеллектуал ва эстетик жиҳатдан шакллатиришда кудратли восита сифатида ўрганади.

Бу ташкилот фаолиятининг асосий шаклларидан бири халқаро миқёсида ўтказилаётган анжуманлар бўлиб, буларнинг ичидаги композиторлар, етакчи ташкилотлар, амалиётчи-педагоглар, болалар хор жамоаларининг раҳбарлари иштирок этадилар.

Анжуманлари икки йилда бир марта ўтказилиб, жаҳоннинг турли мамлакатларидаги мусиқий тарбия тажрибалари билан турли мамлакатлардаги мусиқий тарбия тажрибалари билан тула танишиш имконини беради.

Дунёнинг жуда кўп мамлакатларида болаларга мусиқий тарбияни бериш, хор санъати ёрдамида баркамол, мукаммал ривожланган шахсни ривожлантиришида бой тажриба орттирилган. Қатор мамлакатларда мактаб ҳамда мактабдан ташқари ташкил топган ўқув жараёни, унинг шакл ва усуллари шубҳасиз катта қизиқиш ўйғотмоқда.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ёш авлодга мусиқий тарбияни бериш ишлари умумдавлат аҳамиятига эга бўлиб, шахс шакллантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Хор ижроилиги элементларини ўз ичига олган мусиқий тарбиянинг замонавий хорижий услублари орасида куйида баён этилган йўналишлар бутун дунёда оммалашиб кетган.

Шунингдек, Толбухин шаҳри ва Болгариядаги "Бодра Смяна", хор жамоалари, Берлиндаги усмирлар хор жамоаси, Польшадаги "Познан булбуллари", Чехиянинг Борно шаҳри усмирлар саройи хор жамоалари ва бошакалар машшр хор жамоалари қаторига киради. Лейпцигда ХИИИ асрда ташкил топган "Томанерхор" жамоасида гуруҳли куйлашнинг кўхна анъаналари ривожланмақда. Жумладан, З.Кодай (Венгрия, сольфеджио, мусиқа ўқувини ривожлантириш), Л.Даниел ва Ф.Лиссек (Чехия "таянч" қўшиқлари, сольфеджио), Б.Тричков (Болгария, сольфеджио), Р.Мюнних (Германия, "ялен" тизими, сольфеджио, қўшиқчилик), К.Орф (Германия - Австрия, мусиқали ижод, метроритмик ўқувини ривожлантириш), Е.Жак-Дальクロз (Швецария, мусиқали ижод), Т.Судзуки (Япония скрипка ижроилигига ўргатиш орқали мусиқий малакаларни ривожлантириш), Дж.Кервен (Англия, "Тоник-солъ-фа" тизими,

сольфеджио), П.Ван Хауве (Голландия, мусиқали ижод), Д.Б.Кабалевский (Россия, мусиқа асарларини идрок этиш тажрибасини ривожлантириш).

3.2. Мусиқа таълими "Эстетика" фани сифатида.

АҚШда ягона давлат дастури йўқ. Мусиқа таълими "эстетика" фани сифатида ўтилади. Ўқитувчилар ўзлари хоҳлаганларича дарсларни ташкиллаштирадилар. Унда мусиқа, тасвирий санъат ва меҳнат мазмунан бир-бири билан боғлаган. Давлат мактаблари билан бирга диний ҳамда шахсий дунёвий мактаблар ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳар бир штатда, давлат мактабларида, шахсий ва диний мактабларда ўкув соатларни ҳам бир хил эмас, ўрта ҳисобга 1-УИ синфларда ҳафтасига 1-2 соатдан дарс ўтилади.

Мактабларнинг 1-4-синфларида мусиқа дарси ҳар куни 20-30 минут ҳажмида ўtkазилади. Дарсларни умумий ўкув фанлари бўйича дарс берадиган ўқитувчилар олиб борадилар. Дарсда ўқувчилар мусиқа остида ритмик ҳаракатлар бажарадилар, ҳар хил мавзулардаги, жумладан, ибодат қўшиқларини ҳам ижро этадилар. Ўрта таълим мактабларида мусиқа дарслари дарс жадвалидан ташқари вақтга белгиланади.

Дарсдан ташқари ҳар бир ўқувчи мусиқа тўгараклари - хор, оркестр, рақс, ВИА ларга аъзо бўладилар. Кўпчилик мактабларда симфоник оркестрлар мавжуд. Мактаб билан келишилган ҳолда ўқувчилар симфоник оркестрларга жалб этиладилар.

Синфдан ташқари мусиқа дарслари жараёнида ўқувчилар турли хил мусиқа чолғу асбоблари - мусиқий қутичалар, барабан, учбурчақлар каби чолғуларда ижро этиш малакаларини эгаллайдилар.

3-синфдан бошлаб турли оркестр чолғуларида ижро этиш ўргатилади. Ўқувчилар чолғу асбобларда ижро этишни ўрганиб бўлганларидан кейин, мактаб оркестр жамоаси ташкил этилади.

Бундан ташқари ўқувчиларнинг шахсий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, чолғу ансамбллари, хор жамоалари ҳам ташкил этилади.

Умумий ўрта таълим ўқитувчилари коллеж ва университетларда таҳсил оладилар.

3.3. АҚШда мусиқа таълим тизими.

АҚШда мусиқа таълими соҳаси бўйича аниқ бир тизим бўлмаганлиги, таълим муассасаларини турили хил шахслар, компаниялар бошқариши туфайли таълим тизимида нотурғунлик ва номутаносиблик мавжуд.

Мусиқа машғулотларининг ўtkазиладиган вақти, шакли ва мазмунини педагоглар томонидан белгиланади. Мамлакатда мутахассис ўқитувчилар

етиши мағнитларига махсус маълумотга эга бўлмаган, ёш композитор ва ижро чиларни жалб этиш эҳтиёжини тутдиради. Натижада, мактабларда ягона мусиқий ижро репертуари вужудга келади.

Ихтисослашган мусиқий таълим коллежлардан бошланади. Коллежларда ўқиш муддати тўрт йил бўлиб, талабалар кейинчалик ўқишни давом эттиришлари ва магистр унвонини олиш учун икки йил. Докторлик илмий даражасини олиш учун беш йил, жами етти йил ўқишлари керак бўлади.

Мусиқага ихтисослашган коллежларнинг уч хил йўналиши - ижро чилик, мусиқашунослик ва педагогик йўналишларда мусиқа ўқитувчилари тайёрланади.

Коллеждаги таълимдан кейин талабалар ўқишни университетларда давом эттиришлари мумкин. АҚШда ХIX асрда консерваториялар ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда улар университетларга қўшиб юборилган. Бундан асосий кўзланган мақсад таълим сифатини яхшилаш, ёшларга мусиқий таълим билан бирга адабиёт, санъатнинг бошқа турларидан ҳам керакли билимларни бериш, уларнинг дунёқарашларини кенгайтиришdir.

3.4. Англияда бошланғич мактаб ўқитувчиларини тайёрлайдиган коллежлар.

Англия мактабларида буржуа мамлакатлари жумладан, АҚШ қатори, ягона дастур ва услубиётнинг йўқлиги сабабли мамлакатдаги мусиқий тарбия ишларининг ахволи турли савиядадир.

Ижобий мисол тариқасида 1969-1970 йилларда Британия радио корпорациясининг радио орқали 6-7 ёшдаги болалар учун ташкил этилган 10 минутлик мусиқа эшиттиришларини келтириш мумкин.

Бу эшиттиришлардан кўзда тутилган мақсад - болаларнинг мусиқа чолғулари ижро чилигига хоҳишлирини ўйғотиш бўлган: болалар радио эшиттириш жараёнида мусиқани ижро этишлари лозим бўлган. Кейинчалик бу дастурлар магнит тасмаларига ёзилиб, мактабларга, улардаги "музиқа бурчак"ларига жўнатилган.

Хозирги кунда Англия мактабларида кўпроқ Дж. Кервен (1816-1880) томонидан ишлаб чиқилган релятив тизимиға асосланган ўқитиш усуллари кўлланилмоқда.

Англияда бошланғич мактаб ўқитувчиларини ўрта махсус ўкув юртлари -икки ёки уч йиллик коллежлар тайёрлайди.

Миллий мусиқа, қироллик мусиқа коллежи ва ҳатто Қироллик мусиқа академиясини битирган мусиқачилар учун 1 йиллик махсус педагогик курслар ташкил этилган. Ўрта мактаб мусиқа ўқитувчиларини

университетларнинг мусиқа - педагогика факультетлари тайёрлайди. Уларда ўқиш муддати 4 йилни ташкил этади. Университетлар ўрта мактаб учун универсал мусиқа ўқитувчисини тайёрлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганки, ўқитувчи нафақат хор жамоасига раҳбарлик қилиш, шунингдек оркестрни бошқариш, мусиқа ва чолғу ансамблида машғулот олиб бориш, болаларни мусиқий чолғуда ижро этишга ўргата билиши лозим⁶.

Англияда бошланғич синфларда 5 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар ўқийдилар. Барча ўқув фанларини битта ўқитувчи олиб боради. Бошланғич мактабни битиргач, болалар гуманитар ёки техник йўналишга асосланган ўрта мактабларга ўтадилар. Буларда мусиқа таълимига кўпроқ эътибор берилади.

3.5 Болгариядаги оммавий ҳаваскорлик жамоалари.

Болгарияда мусиқа дарслари, ўқув режасига мувофиқ, мактабни биринчи синфидан тўққизинчи синфига қадар ўтказилади, 10 - 12 синфларда эса, ихтижорий машғулотлар тарзида, ҳафтада икки соатдан олиб борилади. Биринчи синфда мусиқа дарсига 1 «шартли» соатдан иборат, чунки биринчи синф тайёрлов синфи бўлиб, унда мусиқий эшлитиб куйладилар ва рақсга тушадилар. 2-4 синфлардан эса мусиқа дарсларига икки соатдан ажратилади.

2-синфдан бошлаб ўқувчилар дарсда мусиқа саводини ва қўшиқ айтишни тизимли равишда ўргана бошлайдилар. Болгариядаги оммавий мусиқий тарбиянинг асоси - бу халқ қўшиқлариdir.

6-синфдан бошлаб ўқувчилар асосий жанрлар ва Болгария мусиқа маданияти билан таниша борадилар. Болгар халқ мусиқаси ўзига хос усул, оҳанг ва бошқа хусусиятларга кўра ҳозирги замон ёшларининг мусиқа этиёжларини қондира олиш имкониятига эгадир. Болгарияда асосан диққат зътибор оммавий ҳаваскорлик жамоалари - фолклор ансамбларига қаратилган. Уларнинг фаолиятида халқ ижоди намуналари миллий ижрочилик услубига яқин кўринишларда намоён бўлади. Халқчиллик руҳида тарбиялашга хизмат қилаётган болалар ва ёшларнинг қўшиқ ва рақс халқ ансамблари маънавий-ахлоқий тарбияси ва бадиий-эмоционал таъсирнинг воситаларидир.

Болгар халқ қўшиғининг бойлигини эгаллаш, унинг ўзига хос оҳанг куйларини ўзлаштириш, болаларда мусиқий тасаввур ҳамда ижро малакаларини эгаллашга кўмаклашади, миллий ҳамда жаҳон мумтоз мусиқа асарларининг гўзаллик ва бойликларини баҳолашга имкон беради. Болгария оммавий мусиқа таълимининг миллий услубиёти, унинг болаларда мусиқавий ижрочилик, ритмик қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган усуллари, мусиқий тарбиянинг дастлабки босқичида ўқувчининг бадиҳа ва бошқа ижодий ҳаракатларини рағбатлантиради.

⁶ *Music Education in England: A review by Darren Henley for the Department for Education and Department for Culture, Media and Sport, 7 February 2011.*

Болгария мусиқа таълими тизимида нотасиз куйлашдан, нотага қараб куйлаш жараёнига ўтишда

1923 йилда Борис Тричков томонидан ишлаб чиқилган "столбица" (устун) методи кенг тарқалди. Оддий, оммабоп, қизиқарли бўлган "столбица" усули, айниқса, умумтаълим мактаб болалари билан ишлашда катта ёрдам бермоқда. Бу услуга асосан мусиқа саводи жараёнида қўл келади

Бироқ амалиётда - қўшиқ куйлаш, мусиқа тинглаш жараёнларида бу методдан фақат до мажор миқёсидагина фойдаланиш мумкин. Бошланғич синфларда мусиқа дарсини барча ўқув фанларидан машғулот олиб борадиган педагоглар ўтказадилар.

Улар гимназияни битиргач, муаллимлар институтида таълим оладилар. Муаллимлар институтида ўқиш муддати уч йил.

5-8-синфларда ашула дарсини, икки ўқув фани (масалан, тил ва ашула) бўйича педагогика институтининг маҳсус фақўльтетида таълим олган ўқитувчи ўтади.

9-12-синфларда эса, консерваториянинг мусиқий педагогика бўлимларининг бити्रувчилари олиб борадилар. Уларнинг ўқиш муддати 4 йил.

Ўқув дастурларида кўрсатганидек, мусиқа дарсини асосини гурухли куйлаш ва мусиқа чолғуларида ижро этиш ташкил этади. Дарсларда кўлланиладиган мусиқа чолғулари турли-тумандир: уриб чалинадиган чолғулар - болгар (миллий) ва мактаб ўқувчилари томонидан ясалган ҳаваскорлик чолғулари; металлофонлар, миллий пуфлаб чалинадиган (сурнайча, хуштак ва ҳоказо), фуруйлар (венгер халқ чолғуси); "мелодика" (аккордеонга ўхшаш катта бўлмаган чолғу). Бу чолғуларда ижро этиш унчалик қийинчилик туғдирмайди ва болаларни мусиқа дарсларига фаол жалб килади.

Кўпчилик болгар ўқитувчилари мусиқий чолғуларни дарсларда кенг кўлланишига эҳтиёткороналик билан қарашмоқда. Уларнинг фикрларига кўра мазкур чолғуларни дарс жараёнига татбиқ этиш бошқа фаолият турларига кам эътибор берилишига сабаб бўлмоқда. 1970-йилларда қабул қилинган дастурга кўра мусиқа тинглаш жараёнига жуда кам соат ажратилган бўлиб, мусиқа дарсларининг асосий фаолиятлари - жамоа бўлиб куйлаш ва мусиқий чолғуларда ижро этишdir. Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатдики, мазкур дастур ўзини оқлай олди.

Мактабдаги ўқув жараёни дарсликлар ва ўқитувчиларга мўлжалланган услугбий қўлланмалар билан таъминланган бўлиб, бу нарса, албатта, оммавий мусиқий тарбияни амалга оширишда муҳим рол ўйнайди. 2-9-синфлар учун яратилган дарсликлар ўқувчи ва ўқитувчилар учун муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари ўқитувчилар учун чикарилган ўқув қўлланмалар нотага қараб куйлаш, методика масалалари, вокал-хор малакаларини шакллантиришга қаратилган бир қатор муаммолар ечимиға қаратилган.

Болгарида синфдан ташқари таълим масаларига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, хор маданиятини ривижлантиришга София усмирлар саройининг - "Бодра смяна" болалар хор жамоаси ўзининг улкан ҳиссасини қўшди. Жамоа 1947 йилда ташкил топган бўлиб, у кўп йиллар давомида бу жамоага Болгария халқ артисти, профессор Бончо Бочев раҳбарлик қилган эди. Хор жамоаси таркибида 380 - аъзоси бўлиб, катта ва кичик ёшдаги болалар гуруҳлари, 100 кишилик концерт гуруҳидан иборат. Мазкур жамоа дастурига мураккаб кўповозли, турли жанр ва услубдаги асарлар кирган.

Болалар ва усмирлар ҳаваскор хор мактаб - студияси болалар хор жамоаларининг замонавий кўриниши сифатида ёш ижрочилар учун маълум касбий истиқболларини очиб беради. Шундай жамоанинг мунтазам концерт фаолияти, ҳаваскор хор жамоанинг хор мактабига айланишидаги муҳим шарт -шароитларидан биридир.

Юқорида тилга олинган жамоадан ташқари, Болгарида бошқа жуда кўп болалар ва усмирлар хор мактаблари мавжуд. Ушбу мактабларда таълим олаётган ўқувчилар касбий хор жамоаларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Бундай хор жамоалари негизида - турли хил репертуарга эга бўлган камер, модрегал, катта концерт жамоалари шакл топиши мумкин. Б. Бочев "Бодра смяна" хор жамоасининг иш тажрибасини ҳар бир болалар хор жамоасига тадбиқ этиш мумкин.

Болалар ва усмирлар ҳаваскор хор мактабларини мустаҳкамлаш замон талабларига жавоб берадиган, мукаммал ташкилий - ўқув шаклларини вужудга келтириш мумкин.

3.6. Голландиядаги болалар мусиқий тарбиянинг тизими

Голландиядаги болалар мусиқий тарбиянинг тизими, умрининг 35 йилини мусиқа фаолиятига бағишилаган Франция ван Хауве (Дельфт шаҳри) номи билан боғлиқдир. У Париж ва Брюсселда ... консерваторияларининг дирижёрлик, мусиқа назариясини ҳамда композиция синфлари бўйича тутатган. Дельфтдаги мусиқий мактабини ташкил этиши ҳамда уни бошқариш таклифларини қабул қилгандан сўнг у хор ва оркестр

жамоаларида дирежёрлик фаолиятини тұхтатди. Ҳозирги замон педагогик усуллар билан танишиш мақсадида Франция ван Хауве Европа мамлакатларыга, биринчи новбатда, Баварияга йўл олди. У ерда Карл Орф ва унинг болалар мусиқий тарбияси тизими билан танишиб, унинг ашаддий муҳлисига айланди. Шунингдек, Франция ва Белгия, Италия ва Испанияда бўлиб қайтди. Венгрияда у З.Кодай билан танишди. Кодайнинг мусиқий тарбия тизими Франция ван Хауведа катта ютуқларга эришишга асос берган релятив тизимини қунт билан ўрганишга киришди.

Болалар билан олиб борган амалий фаолият натижасида Пер ван Хауве мусиқий тарбиядаги ўзининг яриги тизимини яратди, бу тизим икки - Орф ва Кодай усулларининг ўзаро уйғунлашган маҳсулни бўлиб, унда психология ва болалар тасаввуринга мос келадиган асосий томонлари олинган эди.

Икки тизим - Орф ва Кодай усулларининг ўзаро уйғунлашуви

Бу-усулнинг моҳияти куйидагидан иборат: болаларни ўйинга жалб этиб (масалан, қарсак чалиш, тарелкалар, қўнғироқчалар, бубенларни уриб товуш чиқариш), педагоглар уларда мусиқа бўйича малакаларни ҳосил қиласидар.

Шу равища ҳамма болалар мусиқавий билим савиялари турлича бўлишига қарамай таълим жараёнига киришиб кетадилар. Таъкидлаш жоизки, Голландия мусиқа мактаблари болаларга касбий маълумот беришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди, гап ўзининг мусиқавий вақтичоғлиги ва хурсанчилиги хақида кетади.

Дельфт мусиқа мактаби ташкил топиш давридан бир неча йилдан кейин Пьер ван Хауве ўз амалиётида синовдан ўтган шахсий тажрибаларига асосланиб ҳар бир синф учун "мусиқа билан ўйинлар" номли қатор дарсликлар яратди. Дарсликларда кўплаб мусиқали пьесалар, машқлар, ўйинлар, қўшиқлар ва аниқ вазифалар мавжуд бўлиб, уларни бажара бориб, бола аста-секин нотани ёзиш ва ўқишини, нота бўйича қўшиқ айтиш ва ўйин ўйнашни ўрганади.

"Мусиқани эшитамиз" кейинги китоби эса Голландия ва Белгияда нашр этилди. Бундан ташқари Голландияда граммпластиналар чиқарилган эди, улардан Пьер ван Хаувенинг мусиқий тарбия усуллари ва тизимини аниқ тушуниш мумкин.

Пьер ван Хаувенинг "мусиқа билан ўйинлар" номли мусиқий тарбия усули нафақат Голландияда, шунингдек, Зальцбургдаги Моцартеумда, Белгия, Норвегия, Францияда кенг тарқалган. Унинг китоблари турли тилларга таржима қилинган ва Дельфт шаҳрига жаҳоннинг кўпгина

мамлакатларидан келган муаллимлар мусиқа педагогикаси масалаларига бағищланған халқаро семинарларда унинг тизими билан яхшироқ танишишга имконига эга бўладилар.

Ўткир қобилиятга эга мусиқачи, моҳир психолог, олийжаноб ва хушчақчақ инсон, ўта фаросат соҳиби бўлмиш Пьер ван Хауве бир зумда ҳам биринчи синф ўқувчилари билан, ҳам турли ёшдаги болалар билан ва шунингдек, ўзини ўраб турган ҳамма кишилар билан ҳам тил топа олади. "Мусиқа шодлик улашиши лозим" - бу Пьер ван Хауве ҳаётидаги асосий шиордир.

3.7. Руминия, Чехияда мусиқа тизими.

Руминия халқ анъаналарининг ривожланиши З.Кодай, К.Орф, Е.Жак-Далкроз, Е.Виллем усулларини ижодий ўрганиш билан уйғунлашиб кетган. Бухарест Консерваторияси қошидаги мусиқали - педагогик тадқиқотлар кабинети мамлакатда мусиқий тарбия тизимини мукаммаллаштиришнинг қатор лойиҳаларини ишлаб чиқди. Бу лойиҳалар умумтаълим ва мусиқа машғулотларини ягона ўқув тарбиявий жараёнда мужассам этишига асосланган. Руминиядаги мусиқий тарбия тизимидағи ижобий томони шундан иборатки, ўқувчиларнинг эстетик тарбиясига яхлит муносабат бўлиб, унда мусиқага етакчи ўрин ажратилган, мусиқий тарбиянинг энг муҳим таркибий қисми- хор қўшиқчилиги бўлиб, у ҳамма болалар учун мос бўлган мусиқа ижрошлиги ҳисобланади.

Чехияда мусиқа таълими. Чехиядаги мусиқий тарбия ҳозирги замон мусиқали - педагогик илми ва назарияси ютуқлари асосида ривожланмақда. Бу жараёнда ҳаваскорлик мусиқа ижрошлиги анъаналарининг тикланиши, замонавий шахснинг мусиқавий эҳтиёжларига жавоб берадиган, оммавий маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланган оммабоп мусиқанинг янги услугуни яратиш муҳим омил ҳисобланади. Ҳозирги замон чех мусиқа педагогикаси ўқувчиларнинг мусиқий - ижодий фаоллигини оширишга, уларнинг мусиқий тафаккури, хаёли, хотираси, мусиқани ҳиссиёт орқали идрок этиш имкониятларини ривожлантиришга қаратилган.

Мусиқий тарбияда болаларнинг мусиқали - ижодий фаоллигини кўтариш мақсадида мусиқий машқларнинг тўрт тури жорий этилган: куйлаш (овозни, мусиқа ўқувини ривожлантириш, мустақил куйлаш), мусиқа чолғуларида ижро этиш (бирор мусиқий чолғуни ўзлаштириш ҳамда ансамбл ижроси), тинглаш (болаларнинг мусиқий қобилиятини ривожлантириш), ўйин-ракс (нафис ҳаракатни ривожлантириш).

Чехияда болаларнинг мусиқавий ривожи беш босқичдан иборат. 4-6 ёшдаги болаларга ўйинга асосланган мусиқа ўргатилади. Бошланғич синфлар

(6-9 ёш)да мусиқали ўйин маълум қоидалар билан тўлдирилади. 1-3 синфларда мусиқий тарбияга ҳафтада 1 соат ажратилади.

Ўрта ёшли ўқувчиларда хор жамоасида ёки бирор чолғу ансамблида иштирок эта олиш малакалари шаклланди. 4-6 синфларда мусиқий тарбияга ҳафтада 2 соат ажратилади.

Юқори синфларда эса усмирлар мусиқа ўрнида мустақил йўл топа олишини ўрганишади. 7-9-синф ўқувчилари мусиқа билан ҳафтада 1 соат шуғулланади; бундан ташқари фақўлтатив асосида хор қўшиқчилиги ва чолғу ансамбли машғулотлари ҳафтада 2 соатдан олиб борилади.

16-19 ёшдагилар мусиқий тарбияни маҳсус ўқув юртлари - тўрт йиллик гимназияларда давом эттирадилар.

Ўқишининг дастлабки икки йили давомида мусиқа дарслари ҳамма учун мажбурий бўлиб, эстетик тарбияси дарслари билан навбатма-навбат олиб борилади. Учинчи ва тўртинчи йилга келиб, мусиқий тарбия фақултатив ўқув фани сифатида ўтилади.

Бундан ташқари, ҳар бир ўқувчига, хор жамоаси ёки чолғу ансамблида иштирок этиш ёки мусиқа клубарида ишлаш имкони берилади. Ушбу тизимдан ташқари, Чехияда мусиқий истедодли болалар учун маҳсус мусиқа мактаблари ҳам мавжуд. Булардан ташқари, болалар якка тартибда, ҳалқ санъати мактаблари, мусиқа тўгараклари, маданият уйлари ва хусусий мусиқа ўқув юртларида мусиқа таълимини олишлари мумкин.

Чехиядаги мусиқий тарбия - ўзгариб турувчи тизим бўлиб, таълим ўқув фанига, педагогнинг мақсад ва ниятлари ҳамда ўқувчининг шахсий хусусиятларига мослаштирилган.


Мусиқий тарбия дарслари миллий фолклор хорижий мамлакатлар ҳалқ мусиқаси, мумтоз ва замонавий мусиқага асосланган. Бадиий асарни фаол кузатиш, тасаввур қилиш, ундаги кечинмаларни бошдан кечириш ва англаш орқали мусиқага йўл очилади.

Мусиқани ўргатишда аудио - визуал воситалари, Прага радиосининг мактаб радио дастурлари жалб этилади.

Чехия замонавий мусиқий тарбия тизими педагогиканинг шакллантирувчи ва фаоллаштирувчи соҳа сифатида ривож топмоқда.

3.8. Россия, Эстония, Литва, Польша, Уругвайды мусиқа талими тизими.

Россияда мусиқа педагогикаси катта муваффақиятларга эришди ва жаҳон мусиқа жамоатчилигининг шрмат - эътиборига сазовор бўлди. Шу жумладан, таниқли композитор, педагог, мусиқа ва жамоат арбоби Д.Б.Кабалевский (1909-1982) ҳозирги замон мусиқий тарбиясига катта ҳисса қўшди.



Дмитрий Борисович Кабалевский (1904-1987)-композитор, дирижёр и пианист, педагог. (1963). Мехнат қаҳрамони (1974).

Д.Б.Кабалевский ишлаб чиқкан тарбия тизимида ички алоқалар бирлиги мезони асосий ўрин тутади. Унинг фикрича дарснинг таркибий муштараклиги машғулотлар изчиллигининг асосини ташкил этиши керак. Бирлик мезони билан бир қаторда, дастурда, умумлаштириш қоидасига ҳам муҳим ўрин ажратилган. Таъкидлаш лозимки, болалар билим эгаллашида "хусусийликдан умумийликка" формуласи "умумийликдан хусусийликка" қоидаси билан алмаштирилган.

Д.Б.Кабалевский тизимининг асосида "уч кит" яъни қўшиқ, рақс, марш туради. Бу ишда оддий жанрлар болалар учун мусиқа ҳақида тушунчаларнинг шаклланишида биринчи кадамdir. мусиқий асар орқали яъни, қўшиқ, рақс, марш жанрида ёзилган асарларни эшитиб, уларни фарқлаш, аниқлаш, тинглагандай фаҳмлай олишини мақсад қилиб қўйган.

Кейинги босқичда ушбу тушунчалар чуқурлаштирилади, яъни рақссимон, маршсимон, қўшиқсимон асарлар болаларга эшиттирилиб, улар ҳақида эркин фикр юритиш малакалари ривожлантирилиши мақсад қилиб қўйилади.

Д.Б.Кабалевскийнинг ишлаб чиқкан мусиқий ўқитиш тизими, мусиқий асарлар орқали ҳамма билим ва малакаларни болаларга тақдим этиш асосида тузилган. Шу билан бирга педагогиканинг мувоффик ўқитиш тизими Кабалевскийнинг тизимида асосий воситалардан бири бўлиб қолган. Яъни болалар ўзлари фикр **юритиб мухокама қилиб**, ўқитувчининг раҳбарлигида маълум бир **билим ва малакаларга эга бўлишилиги** назарда тутилади.

Эстонияда мусиқа таълими. Эстониядаги мусиқа тарбия тизими кўшиқ байрамларининг кўп йиллик халқ анъаналари асосида шаклланди, ҳамда эстон халқининг юксак хор санъатини сақлаб қолишга интилган мусиқа ўқитувчиларининг, мусиқачиларнинг улкан ташаббуслари ҳисобига ривожланиб борди. Ҳозирги замон мусиқий тарбиясининг илдизлари XIX асрга қараб ўтилган. Санкт-Петербург консерваториясида мусиқа таълимини олган биринчи эстон композиторлари болаларга берадиган мусиқий тарбиянинг зарурлигини англадилар ва болалар учун хор пьесалари ҳамда кўшиқларини шунингдек, мактаблар учун кўплаб тўпламларни яратишга эътиборларини қаратдилар.

Эстония мусиқа ҳаётида кўшиқ байрамларини ўтказиш катта воқеадир. Бу байрамларни ўтказишдан олдин ҳар бир туманда кўшиқ кунлари ўтади. Биринчи оммавий кўшиқлар байрами 1869-йили Тарту шаҳрида ўтказилган. Бунда ҳамма вохалардан эркақлар хор жамоалари (саккиз юз кишидан иборат) оммавий равишда қатнашиш учун тўпланадилар.

Ушбу байрам бугунги кунга этиб келган анъаналарга асос солди. Болалар хор жамоалари 1870-йилдан бошлаб (доимий равишида бўлмаса ҳам) кўшиқлар байрамида иштирок этмоқдалар. Кўшиқлар байрами биринчи кундан бошлаб, аҳолининг ҳамма қатламарини санъатга жалб этишга асосланган эди.

1947-йилдаги умумレスпублика кўшиқ байрами 25000дан ошик қатнашчиларни йигини ва умумхалқ оммавий байрамига айланди. 1947-йилдан бошлаб мактаб хор жамоалари ҳам ҳамма кўшиқ байрамларида иштирок эта бошлайдилар. Дастреб, байрамларда мактаб болалар хор жамоалари, аралаш ва аёллар хор жамоалари шунингдек, дамли чолғулар жамоалари иштирок этдилар. 1960-йилдан бошлаб ўғил болалар хор жамоалари ҳам иштирок эта бошлайдилар. В.Лаул бошчилигидаги ўғил болалар кўшма хорини алоҳида кўрсатиш лозим.

1965-йили, биринчи марта республика ёш скрипкачилар ансамбли иштирок этиб, кўшиқ байрамини анъаналарига янгилик киритди. Мактаб хор жамоалари қатнашчиларининг сони ошиб бораётганлиги, шу муносабат билан кўшиқ байрамларини ташкил этишда пайдо бўлган қийинчиликларни

хисобга олиб, умумреспублика қўшиқлар байрами орасида мактаб ўқувчилари хор жамоаларининг кўрикларини ўтказишга қарор қилинди. Биринчи шундай байрам 1962-йилнинг ёзида Таллин шаҳрида ўтказилди. Қатнашчиларнинг умумий сони 20000га яқин эди. Хор ишида энг муҳим ва қизиқарли шакллардан бири 1963-йилдан бошлаб ўтказилаётган ёзги қўшиқ оромгоҳларидир.

Икки соатлик қўшиқ машғулотлари болаларнинг кашфиётларига ижобий таъсир қўрсатади, спорт ва бошқа ўйинлар эса куннинг қолган вақтини тўлдиради. Эстониядаги қўшиқлар байрамига тайёргарлик жараёнида семинар ва ёзги йиғилишлар ўтказилади. Семинарнинг алоҳида шакли-дирижёрларнинг республика қўшма хори бўлиб унинг таркибига 200дан ортиқ мусиқа ўқитувчилари ва хор дирижёрлари киради.

Бу хор жамоасини республиканинг энг яхши дирижёрлари, шу қаторда Густав Эмесакс, Юрий Варисте эди. Уларнинг хорни бошқариши мамлакат хормейстрларининг малакасини ошишига таъсир қўрсатади. Болалар ва ёшларнинг мусиқа маданиятини ривожланишига мактабдан ташқари мусиқий тарбия ҳам катта аҳамиятга эга.

1951-йили Ю.Варисте раҳбарлиги остида Таллиндаги усмирлар саройи қошида болалар хор жамоаси ташкил қилинди. Бугунги кунга келиб бу жамоа хор мактабига айланиб, ҳамма синф ўқувчиларини қамраб олган. Хор жамоаси битта асосий ва учта тайёрлов хор жамоаларидан иборат. 1964-йилдан бошлаб хор мактаби ўқувчилари нота ўқишининг янги "Ё-ЛЕ-МИ" тизимига ўтди, янги репертуарни муваффакият билан эгаллаб, нотани жуда яхши ўқиб, мусиқа оҳангларини тўғри куйламоқ.

1964 йили республикада болалар мусиқа мактаблари ўқувчиларидан иборат ёш скрипкачилар ансамбли ташкил этилди.

Оркестр репертуарини болалар ўзининг туар жойларида ўрганадилар ва ҳар йили 3-4 марта концертлар учун репетицияга йиғиладилар. Оркестр қатнашчиларининг ёши 7 дан 17 гачадир, яъни ўқишини бошлаётган ва уни тугатаётган ўқувчилар бир жамоага бирлашган. Оркестр концертлари доимо муваффакият билан ўтмокда.

Ўсиб келаётган ёш авлодга мусиқа-хор тарбияси бериш ишига республикадаги энг яхши болалар хор жамоаларидан бири "Эллерхейне"нинг раҳбари X.Калюстенинг ҳиссаси каттадир. Бу жамоадаги ижрочилик маданиятининг юқори савияда эканлиги - болалар билан яхши ташкил этилган ишнинг бевосита натижасидир.

Хор жамоасидаги машғулотлар натижалари фақат қўшиқ ижро этиш билан чегараланиб қолмаган. Хор жамоасида қўшиқ айтиш болаларнинг ҳис-туйғулари ва салоҳиятига кучли таъсир қўрсатади, уларнинг маънавий

камолотига туртки бўлади. Мусиқа билан шуғулланиш болаларнинг бадий билим даражасини кенгайтиради, уларнинг дунёни тасаввур қилишларига ёрдам беради. Шахсга бериладиган эстетик тарбиянинг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланган хор қўшиқчилигини буюк мазмуни ана шундадир.

Литвада мусиқа таълими

Литвада болалар ва ёшларга бериладиган мусиқий тарбия узоқ ва ўзига хос ривожланиш йўлига эгадир. мусиқий тарбия кўп йиллар давомида фолклор, авлоддан авлодга ўтаётган халқ анъаналарига асослангандир. Литва мусиқа маданиятини ривожлантиришга, кўп асрлар давомида мактаб тарбиясининг асосини ташкил қилган диний мусиқанинг таъсири кам эмас.

XX асрнинг иккинчи ярмида болаларга бериладиган мусиқий тарбия соҳасида ўзгаришлар рўй берди. 1966-йил умумий таълим мактаби ислоҳ қилинди. Болалар мусиқий тарбия услубиёти унинг қоидалари ва мазмунидаги ўзгаришлар мусиқа соҳасида янги ўкув қўлланмаларини вужудга келиши натижада республикада мусиқий тарбия савиясини оширишга сабаб бўлди.

Мусиқа бўйича эски дастурларда болаларнинг мусиқий тарбиясида, тор ва кенг маънода, айрим чекланишлар бор эди. Масалан умумтаълим мактаблари дастурларидан мусиқа назарияси асосий ўрин олган эди, мусиқани тинглаш, болаларга мусиқий чолғуларда куй ижро этиш ўргатилмас эди. Дарсларнинг мазмуни ва услубиёти кўп ҳолларда касбий мусиқа таълим йўналишларини тўғридан - тўғри қайтарар эди. Жаҳон мусиқа тарбияси ва таълим тизимларини дикқат билан ўрганиб чиқкан литвалик мутахассислар барча тизимларда таълимнинг маълум бир шаклига (З.Кодай тизмида-сольфеджио услубида куйлаш қўшиқ, К. Орфда-болалар чолғуларида куй ижро этиш. Кабалевскийда мусиқани эшитиш ва у ҳақида сўхбатлашиш) дикқат-эътибор берилган, деган холосага келдилар. Шунинг учун улар " мусиқий тарбия тизими бир-бири билан мазмуни ва услуби орқали маҳкам бирлашган фаолият турларининг изчиллигига асосланиши керак"- деган фаразни илгари сурдилар.

Шундай қилиб, Литвадаги мусиқа дарслари қуидаги бўғинларга ажратила бошланди: мусиқани эшитиш, мусиқа ўқуви асосида куйлаш, сольфеджио усулида куйлаш, ритмик тарбияси, мусиқа чолғуларида ижро этиш. Ундаги бўғинлар мусиқий тарбия ва таълимда ягона бир тизимни ташкил этди ва айни пайтда ҳар бир бўғин ўзининг мақсадига эга бўлди.

Мусиқани эшитиш - дарснинг керакли қисми ҳисобланади. Мусиқани тинглаш орқали болалар ўқиб, билим оладилар, композиторлар ижоди билан туйғулари ва салоҳиятига қучли таъсири кўрсатади, уларнинг маънавий камолотига туртки бўлади. Мусиқа билан шуғулланиш болаларнинг бадий

билим даражасини кенгайтиради, уларнинг дунёни тасаввур қилишларига ёрдам беради. Шахсга бериладиган эстетик тарбиянинг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланган хор қўшиқчилигини буюк мазмуни ана шундадир.

Хор маданияти (оммавий қўшиқлар байрами, ёш авлодни турли мусиқа жамоалари орқали хор санъатига жалб этиш)нинг микдор ва сифат жиҳатдан ўсиб бориши Литва мусиқа санъатининг етуклик даражасига чиқаётганлигидан гувоҳ беради, халқ ижодини халқаро майдонга чиқишига замин яратмоқда.

Уругвайда мусиқа таълими

Уругвайлик педагог ва олим Альсира Легасти де Арисменди мактабгача ёшдаги болаларга фолклор қўшиқлари асосида мусиқий тарбия беришнинг яхлит услубини ишлаб чиқди. Ж.Пияже, А.Валён, Л.Виготскийларнинг психологик назарияларига суюнган ҳолда А.Арисменди мусиқий тарбия амалиётига "фаоллик қоидаси"ни жорий этишни таклиф қилди.

Дунё руҳшунослик фанида етакчи деб ҳисобланмиш бу принцип замонавий психологларга ҳодисаларни қайд қилиш ва кузатишдан воз кечиб, шахснинг ривожланиши, унинг ижодий салоҳиятини ошириш учун керакли шарт-шароитларни яратишга имкон беради. Бола ва педагог ҳаракатлари, уларнинг шахсий фаоллиги Арисменди асос солган Бошланғич мусиқа таълимотида етакчи омил ҳисобланади. Мусиқани эшитиш ва тасаввур қилиш боланинг мусиқага бўлган лаёқатини ривожлантиришдаги фаол жараёнга айланди.

Қўшиқ айтиш, мусиқа садолари жўрлигига ритмик ҳаракатларни бажариш, оддий мусиқа чолғулари ёрдамида куйлашга жўрнавоз бўлиш, шуларнинг барчасига Арисменди мусиқали фаолиятнинг турли шакллари сифатида қарашни таклиф этди.

Куйлашни Арисменди болалар мусиқий қобилиятининг ривожланишидаги асосий омил, етакчи таркибий қисм деб ҳисоблайди. Психология тадқиқотларига З.Кодай тизими ва ўзиннинг шахсий амалиётига суюнган ҳолда Арисменди, болаларнинг оҳангни ижро этиш зарурлигини таъкидлади, яъни улар учун ўз овози билан қўшиқ айтиб, эшитган товуш оҳангларини қайта янгратиш муҳимлигини ўқтиради.

Арисменди болаларни дастлаб секин қўшиқ айтишга ўргатишни тавсия қиласди, айни пайтда бола ўз овозини катталар овози билан таққослаши керак. Кейинчалик болага қўшиқ сўзларини ўргатишдан олдин унинг оҳангларини ёки куйни ижро этишни ўргатиши керак.

Айниқса, болани нафақат қўшиқ айтишга ёки жўр бўлишга, шунингдек, ўз овозини муаллим овози ёки бошқа болалар овози билан

таққослашга ўргатиш мұхимдир. Алоқида тизимни ташкил қылған муайян машқларни эгаллай бориб, бола аста-секин ўз овозини бошқара олади, керакли оқанғга әриша олади. Шу билан бирга, педагог, албатта, боланинг ёш хусусиятларини, ҳам физиологик нұқтаи назардан, ҳам индивидуал ва мойиллиги нұқтаи назаридан ҳисобға олиши керак.

Болаларнинг мусиқаны тинглаш фаолияти бошқа ижодий фаолият турлари билан үйғунлашуви керак: оддий урма чолғуулари (кастанеталар, танбуриң, тарелка) да усулларни чалиш, мусиқа садолари жүрлигіда жисмоний ҳаракатлар бажариш, фикрлаш ва хаёлни ривожлантириш имконини берадиган расм чизиш ва бошқалар. Болалар ташаббускорлигини ривожлантиришга қулай шарт-шароитини яратишида А.Арисменди бўлажак шахснинг ижодий қобилиятларни юксалишнинг бой ва туганмас имкониятларини кўради.

Арисмендининг "Шакллантирувчи ва яратилишни моделлаштирувчи" усули истиқболли метод бўлиб, айниқса амалиёт учун зарур ҳисобланади.

Бу усул психолог ва педагоглар учун боланинг барча қобилиятларни шакллантиришда фаол ва онгли равишида иштирок этиш имконини беради. Агарда ушбу принцип мактабгача тарбия ва мактаб муассасасидаги таълимнинг барча шакл ва кўринишларига тадбиқ этилса, у болани ривожлантириш учун катта имкониятларини очиб беради.

Бу мактабга маҳсус мусиқа мактабига кира олмаган болалар ҳам кирадилар. Мактаб муаллимлари болаларда эркин тасаввурни шакллантирадилар. Ўйинга бўлган интилишни ривожлантиришнинг асосий шаклларидан бири - бадиҳадир. Барча давлат ва мусиқий мактабларда Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ягона дастур асосида олиб борилади. Илмий-текшириш институти қошида мусиқа кабинети куйлаш учун мусиқа саводхонлигини, тинглаш учун мусиқа ҳажмини белгилаб беради. Мазкур кабинет мактаб ўқитувчилари учун қўлланмалар нашр этишида сифатлилиги билан ажралиб туради. Мусиқа дарслклари ҳар йили айрим ўзгартириш ва тўлдиришлар билан қайта босиб чиқарилади.

Польшада мусиқа таълими

Польшадаги мусиқий тарбия тизими. Е. Жак-Далькroz ва К. Орф ғояларига поляк педагогларининг ижодий ёндашуви асосида ривож топмоқда.

Тўлиқсиз ўрта мактабда мусиқий тарбия дарсини биринчи-саккизинчи синфларда ҳафтада бир соат микдорида мажбурий ўқув фани сифатида, қолган юқори тўрт синфларда эса факат бир йилда мажбурий, қолган уч йилда эса факўльтатив тарзида ўтказилади.

Поляк мактаб ўқувчиларининг мусиқий тарбияда асосий мусиқа шакли бўлмиш қўшиқ муҳим ўрин тутади. Қўшиқ билан болалар боғча давридаёқ танишадилар. Асосий дикқат эътибор мусиқий тарбиянинг етакчи шакли ҳисобланган - куйлашга қаратилган.

Шунингдек, репертуар танлашга аҳамият берилади, унинг бадиийлиги мусиқа ва матнлар, болаларнинг ижрочилик имкониятлари ва уларнинг хилма-хиллиги ҳисобга олинади. мусиқий тарбияга оид ўкув дастурларида поляк халқ қўшиқларига кенг ўрин ажратилган, қўшиқ ижро этишдан ташқари болалар, урма чолғулар, флейта, мандолина, гитара, аккордеон каби мусиқа чолғуларида ижро этадилар.

Поляк педагоглари, болаларнинг мусиқали салоҳиятини ижодий тафаккурини кучайтирадиган ижодий амалиётга алоҳида эътибор берадилар.

Болалар ижодий амалиётининг энг кўп тарқалган кўринишлари куйидагилар:

1. Ўзи яратган ёки берилган куй асосида эркин бадиҳа этиш;
2. Мусиқа қонунларига буйсунадиган ҳамда онгнинг назоратини талаб қиласидиган бадиҳа.

Поляк педагоглари болаларга берадиган топшириқларнинг турли вариантларидан кенг фойдаланадилар: маълум ритмдаги бадиҳа (масалан, мақол ва маталларнинг турли вазнлар асосида) ёки полиритмия, полиметрия услубларида куйлаш, куйни берилган усулга ёки поляк халқ рақслари усулларига мослаштириш, маълум (масалан, рондо, вариасия, уч қисмли) композитсион шаклда бадиҳа, шеър ва ҳикояларга бағишлиб мусиқа басталаш. Поляк мактабларида Жак-Далкроз асос солган мусиқа садолари остида ритмик машқлар кенг қўлланилмоқда. Тажриба мактабларининг 1-4 синфларида мусиқий-жисмоний машқларнинг куйидаги шакллари бажарилади:

- 1 - машқлар ва **ритмик ўйинлар** бўлиб, уларда муайян вазифалар режалаштирилади, масалан, мусиқа суръати, динамикаси, ритмикаси ўзгаришига болаларнинг сезирлигини ошириш;
- 2 - усул ва **жисмоний ҳаракатлардан** иборат мусиқа шакллари (уч қисмли, вариасия ва бошқа)ни яратиш;
- 3 - тинглаган **мусиқа асарларига изоҳ** бериш;
- 4 - **ашула ва рақс ўйинлари.**

Барча синфларда бир неча дақиқалар давомида мусиқани эшитиш, жорий этилган Саккиз йиллик мактаблар учун фонотекалар тузилиб унга маҳсус ишлаб чиқилган услубий кўрсатмалар илова қилинган. Мазкур қўлланмаларда турли ёшдаги болаларнинг ижодий тасаввурни ривожлантириш, диққат ва хотирани фаоллаштириш усуллари тарифланади, ёзиб олинган мусиқа асарларининг таҳлили берилади, композитор ва ижрочилар ҳақида маълумотлар келтирилади. Мусиқани тинглаш жараёни бошланғич синфларда поляк тили дастуридаги муайян мусиқа мавзусига, юқори синфларда эса тарих, география, бадиий ва фуқоролик тарбияси фанлари билан боғлиқ бўлади.

Поляк мактаблари мусиқий тарбия дарсларида мусиқа билан тасвирий санъатларнинг уйғунлашувига эътибор берилади. Шу мақсадда дарсларда мусиқа ва тасвирий санъатнинг уйғунлашган шакллари, шу жумладан, аудиовисуал жиҳозлари ёрдамида кино, телевидение каби турлари қўлланилади.

Хор қўшиқчилиги болаларда тасаввур ва ижодий тафаккурни ривожлантириш, қўшиқ орқали ташки оламни идрок этиш, дунё ҳақидаги билимларни эгаллаш ва бойитишнинг манбаларидан бири, инсонпарварлик тарбиясининг таркибий қисмларидан бири сифатида таърифланади. Хор жамоасида қўшиқ айтиш замонавий инсон учун зарурят ҳисобланади.

Европа, Америка ва Осиё мамлакатларидаги мусиқий тарбия шакл ва тизимларини таҳлил қилиб, ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Ижобий томонлардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: мусиқа материалининг асоси сифатида ҳалқ мусиқасидан кенг фойдаланиш; мусиқа ўқуви, ритм, хотирани ривожлантириш, мусиқа саводхонлигини ошириш юзасидан оммабоп усулларни тадбиқ этиш, мусиқа ўқитувчиларининг педагогик тарбиясига жиддий эътибор бериш, ўқитувчилар мусиқий тайёргарлигининг мақсадга мувофиқ усулларини кидириб топиш, таълимда техник воситаларидан кенг миқёсдан фойдаланиш.

Хориждаги мусиқий тарбия соҳасидаги салбий ҳолатлар, зиддиятлар, асосан, мусиқа ўқитувчиларнинг тайёрлаш жараёнида, шунингдек, умумтаълим мактабларда ягона ўқув режалари ва дастурларининг йўқлигига намоён бўлмоқда.

Жаҳон мусиқий тарбия тизими бугун изланишлар босқичидадир. Унда мавжуд бўлган турли мақсад ва вазифаларига қарамасдан мусиқий тарбиянинг умумий томонларини ҳам кўрсатиш мумкинки - унинг асосини ижодий ва асосан жамоавий (оммавий) мусиқа ижроси ташкил қилиш керак.

Болалар мусиқий тарбиянинг энг янги усуллари билан танишиш, тажриба алмашиш, учрашув, семинар, анжуманлар, болалар хор жамоалари кўрикларини ўтказиш ва бошқа чора- тадбирлар болалар мусиқа таълими ва тарбияси соҳасида жадал ривожланишга олиб боради.

Хозирда, консерватория ва мусиқа академияларининг Европа Ассоциацияси ва Умумжаҳон хор федерацияси ташкил қилинган. Ушбу халқаро ташкилотлар фаолиятида қатнашиш юртимизнинг мусиқа педагогикаси, мусиқий тарбия назарияси ва амалиётининг бундан кейинга ривожланиши ва мукаммаллашуви учун зарур бўлган илғор услубиётнинг эгаллашда муҳим ўрин тутади.

Назорат саволлари:

1. Таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларда санъат орқали ҳаётни ўрганиш.
2. АҚШда мусиқа таълим тизимини айтиб беринг.
3. Англия мусиқа таълим тизимини салбий томонларни айтиб беринг.
3. Англияда бошланғич мактаб ўқитувчиларини тайёрлайдиган коллежлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1 Tertiary Music education in Australia. TASK FORCE REPORT September 2011.

2 The Importanke of Musik. A National plan for Musik education. Innovative Methods of Teaching.

3 Соипова Д Мусиқа ўқитиши назарияси ва методикаси -Т. 2009 ЎзДК.

4-мавзу. Мусиқа таълими фанларини ўқитишида инновацион технологиялар асосида маъруза, семинар, амалий машғулотларини лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш.

Режа:

1. “Мусиқа таълими” фанидан тақдимот материалларни тайёрлаш.
2. «Мусиқа таълими» электрон ўқув қўлланмасидан фойдаланиш методикаси.
3. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимнинг маъруза-амалий тизими, унинг белгилари ва хусусиятлари.

Таянч тушунчалар: педагогик фаолият, лойиҳалаш, маъруза, семинар, Power Point, Ариал, Вердана, методологик талаб, мантикий яхлитлик, амалиётга боғлаш, табақалаш, ўқувчиларнинг ёшига хос хусусиятлари.

1. “Мусиқа таълим” фанидан электрон ўқув қўлланма яратишга қўйиладиган педагогик талаблар

Power Point маъруза тақдимотида

Power Point маърузани тетиклаштирувчи жуда самарали восита бўлиши мумкин. Графикалар, фотосуръатлар, жадваллар, графалар, аудио ва видео клипларни тақдим этиш ва веб сайтларни кўрсатиш осондир. Тўгри фойдаланилса, бу қизиқишини пайдо қилиши ва бой ва кенг маълумот олишни таъминлаши мумкин.

Бахтга қарши, Power Point тақдимотлари кўп ҳолларда бу хусусиятни жалб этмайди ва маърузачи эски йўлларда ўрганиб қолган кўп сонли зерикарли слайдларни вараклаш билан тугайди. Бу слайдлар ҳеч қандай муаммо бўлмаслиги керак; бу фикрлар фойдали бошлиш нуқтаси бўлиши мумкин, агарда қўшимча маълумот ва иллюстрациядан фойдаланилган бўлса. Асосий фикрлар бошқа материаллар билан бойитилган слайдлар ҳайратланарди даражада яхши ишлаши мумкин. Бироқ фақат асосий фикр кўрсатилган слайдлардан вақтга мос келмайдиган даражада кўп миқдорда фойдаланиш, талаба қизиқишини секинлаштиради. Бу янада кучаяди, агар маърузачи бу гапларни ўқиш учун қўшимча вақт сарфласа. Нима маърузачига талабалар ўзи ўқиб олмасдан ўрганишига ёрдам беради? Бундан ташқари Свеллер (2007) мия фаолиятида олиб борган изланишларидан шуни хулоса қилди, тақдимотда кўрсатилган сўзларни ўқиб бериш билимни қабул қилиш даражасини пасайтиради. Шу сабабли, у шундай деб айтган (тҳе Тимес? 18-апрель 2007 йил), PowerPoint бу ҳалокатдир ва ишдан чиқиши керак. Бироқ бу танқид асосли бўларди, агар жуда кам ҳолларда тўғри бўлган слайддаги матн шунчаки ўқиб берилса.

PowerPointдан маърузада самарали фойдаланиш:

- Слайдлар сонини минимумга тушуринг. Слайдлардан тақдимотни кучайтириш ва бойитиш учун фойдаланинг; агар слайдлар қўшимча ҳеч нарса бермаса, уни қўшманг;
- Диққатни бузувчи қийинлаштирилган орқа фондан фойдаланманг. Матн ва фон ўртасидаги ранглар мувозанатини сақланг
 - Жуда мураккаб графалардан фойдаланманг
 - Ариал ва Вердана каби сенсериф шрифтларидан фойдаланинг
 - Асосий фикрни намоён этиш учун фақат слайдли маърузалардан қочинг;
- Агар ёрдам берса, мураккаб ғояларнинг график ҳолда тушунтиришни куриш учун PowerPointда анимациядан фойдаланишни инобатга олинг.
- Рақамлашган суръатлардан, овоз ёки видео материаллардан тақдимот ичida мос бўлса фойдаланинг ва ҳисобга олинг;
- Материал бўйича ўрганишга имкон берувчи актив тугмалар ёки гиперссылкалардан фойдаланинг. Савол-жавоб слайдлари да биргина

тұгмани босиши билан бошқа слайдга этиш ва яна қайтиб шу слайдга олиб келиш учун айникса самаралидир.

Power Point ва матнлар

Хозирда талабалар маъruzачилардан дарс вақтидаги тақдимот нусхасини муссаса веб сайты ёки ВЎМ (Вертуал ўрганиш муҳити орқали беришларини сўрашади. Бу ҳолат маъruzачилар томонидан талабалар қоралама матнлар ёки электрон тарзда келмаган дарсларининг ўрнини тўлдириш учун ишлатишади деб тушунилади. Ҳақиқат эса шундаки, агар маъruzага қатнашиш уларга PowerPoint усидан ҳеч қандай қўшимча бермаса, ҳақиқатдан ҳам шундай деб ўйлашади. Умумлаштириш ва қизиқиши кўтариш ва талаба қатнашуви каби томонлар маъруза сифатини оширади. Маъruzачи талабаларга шунчаки матнни олиш улар билим савиясини оширмаслигини тушунтириши ва уларнинг маъруза ўқишига имкон бериш жуда муҳимдир.

Янги маъruzачи учун ҳар хил гурух талабаларига маъруза ўқиши учун жуда муҳим тажриба бўлиб ҳисобланади. Материални шунчаки билиш етарли эмас. Маъruzачи маъruzани қизиқарли ва эътиборни тортадиган қилиб, яхши тайёргарлик кўриши ва мос ва мавзули мисоллардан фойдаланиб мавзуни тушунтира олиши зарур. Маъruzани тўғри ўтиш маҳорат ва вақт талаб қиласи. Талаба ва ҳамкаслардан маъруза тўғрисида фикрларини сўраш маъруза ўқиши сифатини кўрсатиш учун муҳим омил ҳисобланади ва Сиз ўз амалиётингизни қучайтиришни хоҳлашингиз мумкин⁷.

Маълумки, узлуксиз таълим тизимининг барча турларида фундаментал билимлардан иборат бўлган умумтаълим фанлар бўйича ўқув адабиётлари, асосан, анъанавий босма шаклда тайёрланади. Ҳозирги замонавий ўқув дарслеклари уларнинг электрон варианлари ҳамда зарур бўлган дастурларнинг дисклари билан илова қилинмоқда. Бу эса, ўз навбатида машғулотларни замонавий электрон техник воситалардан унумли фойдаланиб ташкил қилишга қулай бўлмоқда.

Бугунги кунда электрон ўқув адабиётларининг тўртта қўриниши мавжуд:

1. Ўқув ва илмий материалар фақат вербал (матн) шаклида.
2. Ўқув материаллари икки ўлчамли график шаклида.
3. Мультимедиа (кўп ахборотли) қўлланмалар, яъни уч ўлчамли график, кўринишида, овозли, видео, анимация ва қисман вербал шаклида.
4. Тактил (ҳис қилинувчи, сезиладиган) хусусиятли, ўқувчини «экран олами»да стерео нусхаси тасвиirlанган ҳақиқий оламга кириши ва ундаги объектларга нисбатан ҳаракатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади [9].

Бундай электрон ўқув адабиётларини яратишдан асосий мақсад қуйидагилардан иборат:

⁷ A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter V: Lecturing tolarge groups, Ann Morton, 59-71p.

1. Янги ахборот-таълим методини шакллантириш, замонавий ахборот ва компьютер технологияларни қўллаш орқали таълим жараёнининг самарадорлигини, яъни сифати ва унумдорлигини ошириш;

2. Узлуксиз таълим тизимида замонавий ўқув манбалари – электрон ўқув дарсликларини кенг қўллаш ва элекрон кутубхоналарни ташкил этиш, таълимнинг масофадан ўқитиш усулларни амалда жорий этиш ва умумжаҳон электрон ўқув тизимига кириш.

Юқоридаги фикрлар асосида олдинги параграфларда қайд этилган техник чизмачиликфанидан қийин ўзлаштириладиган мавзуларни компьютер технологияларидан фойдаланиб ўқитиш бўйича электрон қўлланма яратиш орқали тадқиқотимиз мақсади амалга оширилди. Электрон қўлланманинг мазмуни мутахассис олимларнинг тадқиқотлари (А.Абдуқодиров, У.Юлдашев, Н.Тайлоқов ва бошқалар) натижаларига таянган ҳолда, чизмачилик таълими муаммолари ва уни бартараф этиш йўлларига асосланиб ишлаб чиқилди.

Электрон қўлланма қуидаги талабларга риоя қилинган ҳолда яратилди:

Методологик талаф – қўлланма матнидан унинг иллюстрациясигача бўлган барча ўқув материаллари фан мазмунига мувофиқ тузилди.

Мантиқий яхлитлик – қўлланмада мавзулар мазмuni муйян тизим шаклида тугалланиб, ҳар бир мавзу битта машғулот учун мўлжалланди.

Амалиётга боғлаш – ҳар бир тушунча, қоида ва чизмалар илмий ва амалий асосланиб, уларни амалиётда қайси соҳаларда қўпроқ қўлланилиши ҳакида маълумотлар билан бойитилди.

Табақалаш – ўқувчилар салоҳиятини ва қизиқищдаги муқаррар тафовутларни назарда тутиб, матнни бир неча даражада табақалаб берилди. (Бунинг учун майда ҳарф, қуюқ ва рангли ёзув сингари усуллар қўлланилган)

Ўқувчиларнинг ёшига хос хусусиятларини назарда тутиши – матн ҳам, кўрсатмалар ҳам ўқув фанига хос мазмунда бўлиб, улар ўқувчи тафаккурини зўриқтирмасдан, педагогик, психологик ва физиологик меъёrlарга риоя қилинган ҳолда тузилди.

З-кўринишдаги электрон қўлланмалар мультимедиа маҳсулоти бўлиб, уларда график амаллар видеолавҳалар ва анимациялар ёрдамида намойиш этилиши билан касб-хунар таълимида ўқувчиларнинг самарали билим олишларини таъминлаб, таълим сифатини оширишга хизмат қиласди (2.1-расм).



2.1-расм. Электрон қўлланманинг афзаликлари

Биз электрон қўлланмани яратиш технологиясини қуидаги босқичлар орқали ифодаладик:

1. Электрон қўлланмани ишлаб чиқишининг мақсад ва вазифаларини белгилаш. «Мусиқа таълими»ни ўқитиши жараёнида ўқувчиларнинг ўзлаштириши қийин бўлган ва ўқитувчидан кўп меҳнат ва вақт талаб қиласиган мавзуларни ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга асосланган электрон вариантини яратиш, ўқувчиларнинг мустақил билим олишларини йўлга қўйиш ҳамда масофали ўқитишини амалга ошириш. Шу мақсадлардан келиб чиқиб, электрон қўлланма фаннинг маълум бир мавзуларини осон, кулагина ошириш учун яратилди.

2. Электрон қўлланманинг тузилишини асослаш. “Мусиқа таълими” фанидан ўзига хос мураккабликларга эга бўлган мавзулар ажратиб олинди ва ушбу асосда электрон қўлланма қуидаги таркибий қисмлардан ташкил топди (2.1-жадвал):

2.1-жадвал

Электрон қўлланманинг тузилиши

Меню	
Мавзулар	Интеллектуал ўйинлар

1. Туташмалар 2. Геометрик сиртларнинг ўзаро кесишуви 3. Кўринишлар 4. Қирқимлар 5. Кесимлар 6. Резьбали бирикмалар	1. Ребус 2. Кроссворд 3. Чархпалак 4. Лабиринт
--	---

3. Электрон қўлланма учун мавзуларни ишлаб чиқиши:

- анкета сўровномалари асосида аниқланган, ўрганилиши зарур бўлган мавзулар давлат таълим стандарти, намунавий дастур ва ўкув режа асосида тузилди;
- муҳандислик графикасифани бўйича интеллектуал ўйинлар дастурлари учун тест саволлари ҳамда амалий топшириқлар тизими оддийдан мураккабга тамойили асосида такомиллаштирилди;
- мавзулар бўйича амалий машғулотлар учун топшириқ ва вазифалар тузилди.

4. Электрон қўлланманинг таълим қоидаларига мос келиши:

1. Таълимнинг илмийлиги. “Мусиқа таълимида” ҳар бир ўтиладиган мавзу ДТС талаби даражасида ва унда бажариладиган чизмалар КҲЯТ (конструкторлик хужжатларининг ягона тизими) томонидан белгиланган тартиб ва қоидаларга мувофиқ бажарилади. Шунингдек, ўқувчиларнинг ўкув материалидаги қонуниятларни тўлиқ акс эттириши, тушуниши ва ўзлаштириши учун тўғри шароит яратиш мақсадида ҳозирги замон фантехника тараққиёти даражасига мувофиқ келадиган илмий билимлар билан қуроллантириб, ёшларни илмий-тадқиқот усуллари билан кўпроқ таништириб боришга қаратилган.

2. Таълимнинг тизимлилиги ва изчилилиги. Таълимда изчиликка риоя қилиб ўқитиш деганда, бугун ўрганилган билимлар кеча ўрганилганини мустаҳкамлаши ва эртага ўтиладиганларга замин тайёрлаши зарурлиги кўзда тутилади. Таълимнинг тизимли узвий боғланган бўлиши унинг изчил бўлиши билан боғлиқ. Бу тамойил жуда яққол кўзга ташланади. Масалан, ўқувчилар электрон қўлланма учун танланган мавзуларни ўқувчиларга етказишда, нота чизиклари ва ноталар ёзилишига эътибор берилди.

3. Таълим ва тарбия бирлиги. Танланган мавзуларнинг мазмuni илмий ва ғоявий жиҳатдан тўғри ташкил қилиниб, унинг тарбиявий моҳияти ҳаётий мисоллар ёрдамида очиб берилди. Баён қилинаётган илмий билимларнинг пухта ва мустаҳкам ўзлаштирилиши учун қизиқарли ўйин ва компьютер тест назоратларидан фойдаланилди. Бу ўз навбатида ўқувчиларнинг қизиқишиларини, фаоллик ва ташаббускорликларини таъминлаб, уларда уюшқоқлик, интизомлилик, интилувчанлик каби мажбурият ва фазилатларни таркиб топтиришга хизмат қиласи.

4. Таълимда назарияни амалиёт билан боғлаб ўқитиш. Ўқувчилар ўқув материалининг туб моҳиятини, табиат ва жамият тараққиёти қонуниятларини илмий асосда атрофлича тўғри, чукур тушуниб олиб, уни амалий фаолиятлари даврида кўллайдилар. Масалан, нота чизиқлари ва ноталардан фойдаланиб куй, қўшиқлар ёзиш мумкин. Бу каби мисолларни қўплаб келтириш мумкин.

5. Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик. Бунда ўқувчиларнинг янги материални идрок қилишда нафакат таърифлар ва шартли белгиларни, балки уларнинг ҳаётий ҳодисалар, жараёнлар билан боғлиқ бўлган мазмунини ҳам тушунишини талаб этади. Онглилик ва фаоллик ноталарни ёзишда ўқувчиларни мустақил ишлашга қобилиятларини шакллантиришга ундайди. Ўқувчиларда кузатувчанлик, хотира, диққат, тасаввур ва мантиқий фикрлаш каби қобилиятларнинг ривожлантиришга хизмат қилувчи ўйин дастурлари ўқувчиларнинг онгли равишида мустақил фикрлашга ўргатади.

6. Таълимда кўрсатмалик. Кўрсатмалик таълим жараёнининг сифатини орттиради, ўқувчиларнинг билим олишини осонлаштиради. Электрон қўлланмада мавзуларнинг мазмунига мос келадиган материалларндан унумли ва тўғри фойдаланиш, ўқувчиларнинг ўтилаётган материалларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишини таъминлайди. Компьютерда анимацион кўргазмали дарс ишланмалари ўқувчиларнинг ёши, ўзига хос характер хусусиятларини инобатга олган ҳолда содда, тушунарли тарзда ишлаб чиқилган бўлиб, ўқувчиларда фазовий тасаввур ва образли ҳамда мантиқий фикрлашни ривожлантиради.

7. Таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиш. Мослик қоидасини таълим мазмунини болаларнинг куч-қувватига қараб «енгиллаштириш» эмас, аксинча, ўқувчиларнинг савиясига мувофиқ равишида, аста-секин чуқурроқ ва мукаммал билимлар бериш тушунилади, яъни билиш жараёни: осондан қийинга; соддадан мураккабга; маълумдан номаълумга тамойили асосида амалга ошади.

Ўйин дастурларини тузишида айнан мослик қоидасига алоҳида эътибор берилди.

8. Таълимда билим, кўникма ва малакаларни пухта ва мустаҳкам ўзлаштириш. Пухта ўзлаштиришнинг муваффақияти таълимни мустаҳкам узоқ вақт эсда сақлаб қолиш, такрорлаш ва машқ қилиб боришга бевосита боғлиқ. Ишимизда электрон қўлланма дарс ўтиш ҳамда ўргатувчи дастур асосида ишлаб чиқилгани боис, ўқувчилар истаган пайтида мавзуларни такрорлаши, мустақил равишида ўрганишлари мумкин.

9. Таълимда ўқувчиларга хос хусусиятларни ҳисобга олиб, қизиқтириш. Мусиқа дарсларида чизмаларни ўқитувчи томонидан доскада эмас, балки проектор экранида компьютерни бошқарган ҳолда, мусиқий куй ва қўшиқларни кетма-кетлиги асосида бажарилиши, унда ҳар бир куйчан, шўх, мусиқий оҳангларни тасвирланиши ва энг муҳими, қисқа вақт ичida ўқувчиларнинг қизиқишини орттиради.

Жадвалда кўрсатилган мазкур белгилар қўйидаги вазифаларни ифодалайди:

«-» таълим жараёнида иштирок этмасликни;
 «+» таълим жараёнида иштирок этишни;
 «+!» таълим жараёнида фаол иштирок этишни.

Кўргазмали воситаларни компьютер технологиялари ёрдамида такомиллаштириш, ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган материални компьютер имкониятларидан фойдаланган ҳолда турли шакл ва усулларда кўрсатиш оркали тез, аниқ ва тўғри ҳамда зарур бўлганда қайта тушунтириш имконини беради (2.2-расм).

Мусиқа фанини ўқитиша интеллектуал информацион технологиялардан фойдаланиш ўқитувчининг маъruzаси ва тушунтиришини, мусиқа куйларини

2.2-жадвал

Мусиқа таълими электрон қўлланмадан фойдаланиш жараёнида ўқитувчи, ўқувчи ва электрон қўлланма вазифаларининг тақсимланиши

№	Таълим жараёнини ташкил этиш босқичлари	Ўқитувчи	Электрон қўлланма	Ўқувчи
1.	Таълим методини танлаш	+	-	-
2.	Ўқув материали ва топшириқларни саралаш	+	-	-
3.	Мавзууни кўргазмали тушунтириш	+	+!	-
4.	Амалий машқлар бажариш	-	+!	+
5.	Дарс давомида назарий ва амалий ёрдам	+	+!	-
6.	Дарсни мустаҳкамлаш	+	+!	+
7.	Билимларни текшириш ва баҳолаш	+	+!	-
8.	Натижани эълон қилиш	+	+!	-
9.	Вазифа бериш	+	-	-



2.2-расм. Мусиқа таълими дарсида мультимедиали электрон қўлланмадан фойдаланишнинг афзаллиги

Чунки ўқувчилар ўқитувчининг маъruzасини тинглаб, катта экранда намойиш этиладиган мусиқа куйларини анимацион тарзда кетма-кет

бажарилишини күргазмали равища қабул қилиб (иллюстратив), уни топшириқ бажариш жараёнида мустаҳкамлайдилар (когнитив). Когнитив функциясининг тўлиқ бажарилиши учун ўқувчилар топшириқларни ҳам компютердан фойдаланиб бажарышлари зарур.

Бу борада Б.Ф.Ломовнинг фикрларини келтириш мақсадга мувофиқ: “Компьютерлар тасаввур ва фантазияни ривожлантирувчи кучли восита сифатида қўлланилиши мумкин. Компьютер экрани инсоннинг миясида шаклланаётган образни компьютер дисплейига фикран кўчириш имконини беради, шунда инсон ички эмас, худди ташқи объект устида ишлаётгандек бўлади. Бу дегани, компьютер тафаккур қилиш жараёнида фаол қатнашади” [67].

Демак, электрон қўлланмадан фойдаланиш нафақат мавзуни кўргазмали тушунтиришда, балки ўқувчиларнинг билимини текшириш ва баҳолаш ҳамда уни эълон қилишда, шунингдек, дарсни мустаҳкамлашда ўқитувчи учун «беминнат» ёрдамчи бўлади. Ундан фойдаланиш жараёнида мавзуларнинг қисқа ва тушунарли баёни, гипермурожаатлар, анимация ва ҳажмли тасвирларнинг мавжудлиги ҳисобига ўқувчиларнинг фазовий образли тасаввури ривожланади.

Хулоса қиласидаги бўлсак, мусиқа таълимида ўқитишни компьютерлаштириш, яъни дарсда замонавий ахборот технологияларидан унумли ва ўринли фойдаланиш натижасида:

- ўқувчиларнинг мусиқий саводхонлиги ортади, бу эса уларнинг касбий шаклланишида муҳим аҳамиятга эга;
- ўқитувчиларни анъанавий усулдан воз кечиб, уларни ижодий изланишга ундейди.

Демак, мусиқа дарсларида мультимидали электрон қўлланмадан фойдаланиб, бир вақтнинг ўзида мавзуни тушунтириш ва унга параллел равища мусиқий куй- оҳангларни компьютерда бажарилишини кўрсатиб бориш ҳамда мустаҳкамлаш тарзида топшириқ бериб, уни амалда бажарив кўришларига имконият яратиш орқали ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини кескин ошириш мумкин бўлади.

Тизимли фаолият ёндашуви асосидаги модулли ўқитиш технологияси.

Тизимли фаолият ёндашуви мутахассиснинг фаолиятини ўрганиши, ушбу фаолиятини амалга ошириш учун ўрганиш лозим бўлган ўқув фанларни рўйхатини, ўқув материалларни мазмунини аниқланиши, модулларни тузилиши ва ўқув жараёнини ташкил этилиши билан характерланади.

Модулли технологияга тизимли фаолият ёндашуви, энг аввало касб-хунар таълимида қўлланилади. Бунинг ёрқин мисоли бўлиб, ЮНЕСКО нинг халқаро меҳнат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган «Меҳнат кўникумлари модуллари (МКМ) концепцияси» ҳисобланади.

Концепция, ўқув фанларига бўлинмасдан, яхлит ўқитишга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

Концепциянинг афзалликлари бўлиб, модуллар технологияларининг лойихалаш жараёнининг аниқ таркиблаштириш ва модулли вариантдаги ўқув-дастурий ҳужжатлар шаклини тўла шаклланганлиги ҳисобланади.

МКМ - ўқитишининг модулли дастури, мутахассис фаолиятининг таҳлили, унинг мазмуни ва таркибини ўрганиши асосида тузилади ва модулли блоклар ҳамда ўргатувчи модуллари йигиндисидан иборат бўлади.

Мутахассиснинг ишлаб чиқариш фаолияти, қатор ишлаб чиқариш топшириқлар бажарилишини ўз ичига олади (4.5-расм). Улар ўз навбатида белгиланган кетма-кетликда бажариладиган ишлаб чиқариш амалларидан (ишлар қадами) иборат бўлади. Ишлаб чиқариш топшириғи таркибига кирувчи амалларни бажариш учун, мутахассис маълум даражадаги назарий билимлар ва амалий малакаларга эга бўлиши керак. Бунга ишлаб чиқилган ўргатувчи модулларни ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши орқали эришилади. МКМ дастурлар касб-хунар таълими тизимининг муайян ихтисослиги бўйича ишлаб чиқилади. Модулли ўқитишининг мазкур концепцияси касб-хунар коллежларида, ихтисосликка ўргатиш учун жуда ҳам мос келади. Бу эса энг аввало «Касбий таълим» олаётган таҳсил олувчиларга тизимли фаолият ёндашуви асосидаги модулли ўқитиши технологиясини ўзлаштиришни тақозо этади.

Мазкур дастурларни, олий ўқув юртларининг «*Мусиқа таълими*» йўналишлари бўйича таълим олаётган таҳсил олувчиларни ихтисосликка ўргатишда ҳам қўллаш мумкин бўлади. Олий ўқув юртларда ихтисосликка ўргатиш учун «*Касб маҳорати*» фани ўқув режаларга киритилган. Демак, мазкур фанни тизимли фаолият ёндашуви асосидаги модулли ўқитиши технологияси бўйича таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштиришини ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Юқорида ифода этилганларни ҳисобга олиб, тизимли фаолият асосидаги модулли ўқитиши технологиясининг қуйидаги асосий хусусиятларини қайд этиш мумкин:

- ўқитиши мазмуни, мутахассис фаолиятининг тизимли таҳлили асосида, шакллантирилади;
- модулли дастур таркиби мутахассис фаолияти таркибига мос шакллантирилади. Ўқитиши дастури алоҳида элементлардан, модуллардан, ўргатувчи модуллардан, модулли блоклардан иборат бўлади. Модулли ўқитиши дастурининг таркибий қисми бўлиб, мутахассис ҳаракатининг «бошланиши ва охири» аниқ кўрсатилган тугалланган иш бўлагидир.
- ҳар қайси модулни ўрганиши «Ўргатувчи модул» деб аталувчи махсус ишланган услубий қўлланмалар бўйича амалга оширилади. Унда билим, кўнишка ва малакаларни шакллантириш учун зарурий ахборотлар, назорат тестлари келтирилади.
- зарурият туғилганида, ҳар қайси ўқувчи учун индивидуал ўқитиши дастурлари тузилади. Улар таълим буюртмаси талаблари ва бошланғич тайёргарлик даражаси асосида тайёрланади.
- ўргатувчи модул ўқувчига, мустакил равишда ўқув материалини ўзлаштиришга имконият беради, Педагог ва ўқувчининг ўзаро муносабати тенг ҳукуқлилик ва билвосита мулоқоти ва муносибатлари асосида кечади.

Тизимли фаолият асосидаги модулли ўқитиш - лойихалаш ва рўёбга чиқариш жараёнларини ўз ичига олади. Лойихалаш жараёни тўрт босқичдан иборат бўлади.

Биринчи босқич: касбий фаолият мазмуни ва таркибий таҳлили.

Мазкур таҳлил ишнинг тафсилоти, модулли блоклар рўйхати ва тафсилотини тузиш мақсадида ўтказилади. Ишнинг тафсилоти қуидагиларни ўз ичига олади:

- касбнинг ва касбий соҳанинг номланиши;
- иш соҳаси (фаолиятнинг аниқланган тури);
- мазкур ихтисослик бўйича мутахассисни вазифалари тафсилоти;
- мутахассис маъсулияти ва унинг бевосита раҳбари;
- иш шароити (ўрни);
- ихтисосликни эгаллаш учун номзодга қўйиладиган талаблар Модулли блоклар рўйхати ва тафсилоти мазкур ихтисослик доирасида бажариладиган ишлаб чиқариш топшириқлар мажмуаси асосида тузилади. Ишлатиладиган «модулли блок» атамаси, унинг мантиқан тугалланган қисмини ўзида мужассамлашган ишлаб чиқариш топшириғининг мазмунини ифодалайди.

Таҳлил натижалари бўлиб, мутахассиснинг иш ўрнидаги вазифаси, бу вазифаларни бажаришдаги ташкилий тузилмалар, мазкур ихтисосликни эгаллашни истаганларга қўйиладиган талаблар, ҳамда мазкур ихтисослик доирасида мутахассис томонидан бажариладиган барча ишлаб чиқариш топшириқлари рўйхати ҳисобланади.

Иккинчи босқич: Модулли блокларнинг мазмуни ва таркибининг таҳлили.

Мазкур таҳлилнинг мақсади, модулли блок доирасидаги муайян ишлаб чиқариш топшириғини бажариш учун зарур бўлган амаллар (қадамлар) кетма-кетлигини аниқлаш ҳисобланади. Ишлаб чиқариш фаолияти таҳлилини бажариш учун биринчи навбатда касбий соҳа ва шу билан бир қаторда тизимли таҳлил бўйича юқори малакали мутахассис талаб этилади. Олий ўқув юртида ёки касб-хунар коллежида бундай ишни фақат бу соҳада малакага эга бўлган педагоглар бажариши мумкин. Демак, ихтисослик фанлари ўқитувчилари чуқур билимлар билан бир қаторда ўргатиладиган ихтисослик бўйича малакага ҳам эга бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш фаолияти, модулли блоклар, қадамларнинг таҳлили, тегишли ишни бажариш учун мутахассис эга бўлиши лозим бўлган назарий билимлар ва амалий кўникмалар рўйхатини аниқлаш имкониятини беради. Лойихалашнинг бу босқичи натижалари «Модулли блок таҳлили жадвали» кўринишида тизимланади. Бу жадвалда иш қадамлари ва уларни бажариш учун зарурий амалий малакалар ва стандартлар тафсилотлари лўнда ҳолда келтирилган.

Учинчи босқич: ҳар қайси қадам бўйича малакалар таҳлили ва зарурий ўргатувчи модулларни аниқлаш.

Ҳар қайси қадамни бажариш учун зарур бўлган малакалар таҳлили, бу малакаларни шакллантириш учун талаб қилинадиган ўргатувчи модулларни

тузиш мақсадида бажарилади. МКМ да ўргатувчи модул – бу услубий қўлланма, махсус рисола кўринишида бўлиб, қуйидаги тузилмага эга бўлади:

- Мувофиқлаштирувчи блок – ўқув мақсадлари зарурый жиҳозлар ва материаллар; қўлланмалар ва зарур бўлган бошқа ёрдамчи воситалар кўрсатилади.
- Ахборот-йўриқлар блоки - муайян ишлаб чиқариш амали (ишининг қадами)ни ўрганиш учун зарур бўлган назарий қоидалар, амалий маълумотларни ўз ичига олади. У матн ва кўргазмали материаллардан иборат бўлади. Матнлар лўнда ифодаланиши, тушунарли тузилиши ва ўқилганда фақат битта маъно билдириши лозим. Матн қатор бошидан варақнинг чап қисмида абзац қолдириб, маълум интервал (масофа) билан ёзилади. Варақнинг ўнг қисмида кўргазмали материал жойлаштирилади. Ахборот-йўриқлар блокини тузишида, тушунарлилик, кўргазмалилик ва илмийлик принципларига риоя этиш лозим. Бу блок ҳам малакаларни амалиётда машқ қилиш топшириқларини ўз ичига олади.
- Назорат блоки – ўргатувчи модулнинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун хизмат қиласи ва назорат топшириқлари, саволлар, тестларни ўз ичига олади. Улар назорат блокида кўрсатилган, ўқув мақсадларига мувофиқ тузилади.

Ўзлаштирилган билимлар ва малакаларни баҳолаш қуйидагича амалга оширилиши мумкин:

- агар ўргатувчи модул давлат таълим стандарти ва ўқув режалар асосида тузилган бўлса ва касб-хунар колледжида ўрта махсус касбий маълумотли мутахассис тайёрлаш учун мўлжалланган бўлса, ўқитиши натижаларини баҳолаш мазкур ўқув юртида ўрнатилган қоидалар бўйича амалга оширилади;
- агар фақат ишчи ихтисослиги бўйича тайёрланса, баҳолаш «Хайёқ» принципи асосида амалга оширилади. Яъни ўрганувчи малакага эга бўлиши мумкин ёки йўқ.

Малакалар таҳлили натижалари бўйича «Модулли блок - ўргатувчи модул» маълумот жадвали тузилади. Жадвалда малакалар ва уларни эгаллаш учун зарурый ўргатувчи модуллар гурухланади. Бундай жадваллар ҳар бир модулли блок учун тузилади.

Ўргатувчи модуллар жадвалда олтига асосий тоифага гурухланади:

01 - Умумий техника хавфсизлиги.

02 - Касбий фаолият турлари.

03 - Назария

04 - График ахборот (схемалар)

05 - Техник ахборот: материаллар (маъruzалар матни), усуллар

06 - Техник ахборот: асбоблар (жиҳозлар), машиналар.

Тўртинчи босқич: МКМ - ўқитиши дастурларини тузиш.

Модулли - ўқитиши дастурлари жадвал кўринишида тузилади. Уларни тузиш учун асос бўлиб, «Модулли блок – ўргатувчи модул» маълумот

жадвали хизмат қиласи. Ушбу дастур мазкур ихтисослик доирасида бажариладиган барча модулли блокларни ва уларга тегишли ўргатувчи модулларни ўз ичига олади. Ушбу модулли ўқитиш дастурининг афзалликлари - ўзгарувчанлик ва мосланувчанлик бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамиятга эгадир.

Мазкур дастурлар, кенг ихтисосли касблар учун ҳам ва алоҳида ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш учун ҳам тузилиши мумкин. Биринчи ҳолда дастурлар муайян ихтисосликка тегишли барча ўргатувчи модулларни ўз ичига олади. Иккинчи ҳолда эса фақат муайян фаолиятга тегишли модулли блок ва ўргатувчи модуллардан ташкил топади. Баъзи вазиятларда дастур фақат битта модулли блокдан тузилиши мумкин. Модулли ўқитиш дастури касбий фаолиятнинг турли соҳаларига тегишли модулли блоклардан иборат бўлиши мумкин, бу эса хизмат қўрсатиш соҳаси унча катта бўлмаган корхоналари учун муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, модулли ўқитиш дастурларни муайян вазият учун маълум иш ўрини учун зарур бўлган модулли блок ва ўргатувчи модуллардан тузиш мумкин. Ушбу дастурни бу афзаллиги ўргатувчи модуллар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида қўллаш имкониятини яратади.

Модулли ўқитиш дастурлар янги модулли блоклар ва ўргатувчи модуллар билан тўлдирилиши мумкин, бу эса янги технологияларни ўзлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлади. Мазкур дастур, ўзгарувчан (ҳаракатчан) ўкув дастурий ҳужжат бўлиб, технологиялар, жиҳозлар, асбоблар ва материаллар такомиллашгани билан уни янгилашга имконият мавжуд бўлади.

Модулли ўқитиш дастурини амалга ошириш жараёни қўйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- Ўқитиш индивидуал модулли дастур, мустақил, қадамба-қадам ўзлаштириш шаклида амалга оширилганда. Бунда ҳар бир таҳсил оловчи ўргатувчи модул билан таъминланади, назарий билим ва амалий малакаларга эга бўлиш учун шарт-шароитлар яратилади.

- Билимлар ва малакалар шаклланишини қадамба-қадам назорат қилиш. Ўргатувчи модуллар ҳар бир эгалланган малака учун алоҳида тузилади ва шунинг учун билим ва малакаларни шаклланганлиги ҳар бир малака бўйича узлуксиз назорат асосида амалга оширилади, бунда назорат топшириклари, саволлар ва тестлардан фойдаланилади.

Ўргатувчи модуллар асосида ўқитишда, педагогнинг асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади: мувофиқлаштирувчи, маслаҳатчи, назоратчи.

Модулли ўқитиш дастурлар, ўқувчининг индивидуал эҳтиёжларига осонлик билан мослашади ва эркин вақт омилига эга бўлади, чунки бу ерда индивидуаллаштирилган ўқитиш жараёни устунлик қиласи. Модулли ўқитиш дастурини ўзлаштириш учун зарурый вақт таҳсил оловчининг табиий қобилияtlарига боғлиқ бўлади.

5- мавзу: Ўқитиши жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги. Мусиқа таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш.

Режа:

1. Мусиқа таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш.
2. Ўқитиши жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги.

Таянч тушунчалар: мустақил таълим, мотивацион, реконструктив, эвристик, ижодий, синтез.

Мусиқа таълимидаги талабалар мустақил таълимини ташкил этиш. «Мустақил таълим» - тушунчаси педагогик луғатларда - ўкув юртидан ташқари, мустақил ўрганиш туфайли эгалланадиган таълим туридир, деб таърифланган. Айни вактда «Мустақил таълим олиш», «Ўзини тарбиялаш», «Мустақил ўқиши» тушунчаларидан синонимлар сифатида фойдаланилмоқда.

Педагог олим А.К.Бушлянинг фикрича, «Мустақил таълим – бу таълим олишнинг алоҳида тизимли ёндашишга асосланган мустақил ишлар йиғиндисидир».

Мустақил таълим – талабаларга берилган мураккаблик даражаси билан фарқланмайдиган топшириқлар, амалий вазифаларни аудиторияда ва аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажаришлари натижасида уларда назарий билим, амалий кўнишка ва малакаларни шакллантиришга қаратилган фаолият деб тушунишимиз мумкин. Бунда улар бажарган мустақил ишлар дидактик мақсади, шахсий ёки жамоага мўлжалланганлиги, ўзлаштириш усуллари, шаклига бажариш ўрнига қараб фарқланади. Талабаларда мустақил онгли фаолиятини шакллантириш таълим жараёнида муҳим омил ҳисобланади. Унинг назарий, амалий, илмий, методик ва педагогик асослари таҳлил қилинса ва мустақил таълимдининг энг самарали шакллари, воситалари танланса онгли мустақил таълим фаолиятини шакллантиришда ижобий натижаларига эришиш мумкин. Бунда ўтиладиган мавзунинг амалиёт билан узвийлиги, илмийлиги ва материалларнинг қизиқарлилиги, мавзуларнинг тизимлилиги, топшириқ ва вазифаларнинг кўп қирралилиги, ўзаро боғлиқлиги муҳимдир. Аммо энг асосийси талабаларни мустақил онгли фаолиятини шакллантиришда уларнинг интилиш ва қизиқишлигини ҳисобга олиш, талабалар эгаллаган билимларини амалиётда қўллай олишлари, талабаларни ижтимоий фойдали, тарғибот–ташвиқот ишларида иштирок этишларини таъминлашдан иборат. Педагог олим А.К.Бушля «мустақил иш» терминини аниқлаштириб, шундай қўшимча қиласди: «Мустақил иш кўпгина ҳолларда мустақил таълим даражасига ета олмаслиги мумкин».

Мустақил таълим бевосита мустақил фикрлаш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли мустақил фикрлашга берилган таърифга ҳам тўхталиб ўтсак: «Мустақил фикрлаш - инсоннинг ўз олдида турган муаммони мақсад ва вазифаларни белгилаган ҳолда ўз билими ва ҳаётий тажрибаларига таяниб турли йўл, усул, воситалар ёрдамида, ўзининг интеллектуал имкониятлари даражасида мустақил равишда ҳал қилишдан иборат бўлган ақлий фаолиятидир».

Ёшларнинг мустақил иш бажариш кўникмаларини шакллантириш турли ўқув предметларида ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан: математик олимлар С.И.Демидова ва Л.О.Денишевалар мустақил таълимга қўйидагича таъриф беришган:

«Мустақил ўқув ишлари ўқувчиларнинг ўқитувчи томонидан фаол ташкил этилган, олдига қўйилган дидактик мақсадларни бажаришига йўналтирилган ва шунга маҳсус ажратилган вақт тушунилади. Билимларни қидириш, уларни англаб етиш, мустаҳкамлаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш билимларини умумлаштириш ва тизимлаштириш жараёни тушунилади».

Бу таърифда фаолиятнинг мавжуд хусусиятлари: фаолиятлилик, тизимлилик, мақсадга йўналганлик, мустақиллик ҳақида сўз юритилган. Бироқ мустақил таълимнинг бир жиҳати сифатида мустақиллик тилга олинган. Мустақил тафаккур таълимнинг бир қисми бўлиши мумкин.

Бўлажак мусиқа таълими йўналиши бакалавр ўқитувчиларида педагогик мустақил билим олишга қизиқиши, талаб ва қобилиятни педагогик маданиятни такомиллаштиришга чорловчи омил сифатида шакллантириш лозим. Муаммони ҳал этишнинг педагогик жиҳати – мусиқа таълими йўналиши талабалари бўлажак ўқитувчи бакалаврлардан педагогик такомиллашишини, ўқитишни чуқурлаштиришни, педагогик малакасини оширишни талаб қиласди.

Мусиқа таълими йўналиши талабаларини кузатиш давомида маълум бўлишича онгли қизиқиши мустақил фаолиятга ундовчи, ҳаракат уйғотувчи куч бўлиб ҳисобланади.

Айнан фанларга онгли қизиқиши таълим йўналиши талабаларида амалий машғулотларда мустақил англаш, тафаккурни шакллантириш ва кенг, чуқур идрок эта олиш жараёнларига интилишни уйғотади. таълим йўналиши талабаларининг мустақил таълимга мотивацион мухитлари бошқа манбалар, касбга бўлган қизиқишлардан шаклланади. Касбларга бўлган интилиш асосида, янгиликка йўналтирилган интилиш жараёнида мустақил таълимга эҳтиёж вужудга келади. Касбдаги қониқишигина шахсни ўз устида ишлаш, билимларга янгича ёндашувга мажбур этади. Онгли қизиқиши – мустақил

фаолиятнинг энг муҳим кўрсатгичи, юқори даражасидир. Бунда эса фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар маҳоратининг даражасига боғлиқдир. Фақат шундагина ўқувчиларда у ёки бу фан ёки касб мутахассисликка қизиқишиш шаклланади. Ўқувчилар барча касб сирларидан хабардор бўлишлари учун вақт етишмасада уларда қизиқишига илк қадам қўйишларида ўқитувчи берадиган маълумотларнинг аҳамияти каттадир.

Талабаларнинг мустақил таълимiga методик жиҳатдан раҳбарлик қилишда уни ривожлантириш йўлларини ўрганиб чиқиши давр талабидир. Энг барқарор рағбатлантириш усули бу меҳнат ҳамда ишга ижодий ёндашув фаолиятидир. Ёшларни турли – туман амалий, ижтимоий, ташкилий, ижодий фаолиятга жалб этиш ҳам мустақил таълим самарадорлигини ошириш омилидир.

Мустақил таълим жараёни қандай амалга оширилиши, унинг ривожланиши, ўзлаштирилган билимлар асосида мустақил таълим фаолияти даражаларини қўйидагича мезонлар билан белгилаш мумкин:

- мақсадга йўналтирилган, мотивацион муҳитга асосланган мустақил таълим;
- мустақил тафаккур жараёнини таъминловчи кўникмалар;
- мустақил таълим фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган кўникмалар;

Тафаккур кўникмаларнинг даражаси ўта фаол ҳаракатли бўлади. Бунда талаба мустақил тафаккур билан ўзининг биринчи қадамларини қўяди. Ўқув фанлари мақсадини, уй вазифаларини теран англайди. Уларни бажаришда кўшимча адабиётларга мурожаат қиласди, ўтилган мавзуларни қайта кўриб чиқади. Кўпгина талабалар уйга берилган маъруза матнлари устида ишлайдилар, маърузалар, рефератлар тайёрлашда илмий – оммабоп, даврий нашрлардан фойдаланадилар. Талабалар тафаккури кўникмаларини ривожлантиришнинг қуи даражаси асосан қийинчилик билан кечади. Барча талабалар бу даражада мустақил таълимни ўқитувчи раҳбарлигига амалга оширадилар. Уларда ташкилий кўникмалар даражаси юқори бўлмай, улар ўз олдиларига онгли вазифалар қўя олмайдилар, уларни ҳал этиш учун воситалар танлай олмайдилар. Айниқса бунда мустақил иш топшириқларининг мураккаблик даражаларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Ўқув педагогик масалаларни еча билиш малакали шахснинг умумий ҳолати билан ифодаланувчи, унинг онги, фикрлаш усули, нуқтаи назари ва йўналишини кўрсатувчи умум малакадир. Шахснинг йўналганлиги аниқ воқелик сабабий-қадриятли муносабат мазмунида намоён бўлади. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни ҳал этиш

асосида талаба бўлажак фаолият муаммоларини ҳал этиш усулларини эгаллайди.

Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар дидактикада мустақил таълим даражасини оширувчи бошқарув, рафбатлантириш, ташкил этиш ва назорат воситалари сифатида қаралади.

Талабанинг ўкув фаолиятига нисбатан ўқитувчи томонидан муайян талабларнинг қўйилиши уларнинг мазмунини бойитади. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни берилиш шакли эса олдин ўзлаштирилган намуна бўйича хulosалар чиқаришни кўзда тутувчи бошқарув топшириқлари ва масалаларининг бажарилиши саналади.

Бизнинг фикримизча, педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар ва масалаларда автоном ҳолда мустақил билим олишга ўтиш учун катта имкониятлар мавжуд. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар мустақил билим олишни амалга оширишга имкон берувчи топшириқлар тўпламини яратиш учун асос бўла олади.

Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар объектив, аниқ педагогик ва ишлаб чиқариш муаммоларини акс эттиради. Ўқитувчи ўрганилаётган педагогик ҳодисалар ва ишлаб чиқариш жараёнининг ўзаро зид хусусиятларини акс эттириш учун муаммоли вазиятдан фойдаланса, у ҳолда объектив муаммо ўкув муаммосига айланади. Талabalар учун тушунарли бўлган ўкув педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни муаммолари ўкув топшириғи саналади.

Ўкув муаммоси фикрлаш фаолиятини фаоллаштиришга имкон беради, бироқ уларнинг ҳар бири ҳам илмий даражада педагогик ва психологик тушунчаларни мустақил шакллантиришга олиб келмайди. Шу боис педагогик, техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни ишлаб чиқища ўкув муаммоларининг дидактик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Топшириқ тўғри ифода этилса, уларни талаба томонидан қабул қилиниши ва ўкув фаолиятига нисбатан қўйилувчи талаблар тўплами сифатида эътироф этиш мумкин.

Мустақил билим олиш технологиясига мувофиқ педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни ишлаб чиқиши қоидалари қўйидагилардан иборат:

- педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар ҳақиқий педагогик ва ишлаб чиқариш вазиятлари билан боғлиқ муаммоларга эга бўлиши керак;
- муаммоли вазиятли топшириқлар асосини ташкил этувчи муаммони ҳал этиш тушунчаларини юзага келтирувчи ақлий фаолиятни турли усуллар

(анализ, синтез, таққослаш, солишириш, умумлашириш ва ҳ.к) ёрдамида амалга оширишни кўзда тутади;

–муаммоли вазиятли топшириқлар исботини аниқлаш ва талабалар онгида, ҳодисалар ва жараёнлар ўртасида мустаҳкам боғлиқликни мустаҳкамлаш асосида тушунчаларни юзага келтириш имкониятларини кўзда тутиши лозим;

– муаммоли вазиятли топшириқларни бажаришнинг яхлит ифодаланган ёки ифодаси топшириқ шартларини ташкил этувчи бир неча оддий тушунчалардан субъект томонидан ҳали ўзлаштирилмаган янада мураккаброқ тушунчани келтириб чиқариш имконини беради;

– муаммоли вазиятли топшириқларни бажариш жараёнида оддий тушунчалар ёки субъектга маълум бўлмаган тушунчалар билан ёки бир-бири билан таққосланади;

– тушунчаларни таққослашда субъект фикрлашнинг турли: анализ, синтез, солишириш, таққослаш, техник объектлар орасидаги умумийлик, типиклик ва хусусийликни топиш амалларини бажаради;

–муаммоли вазиятли топшириқларни бажаришда субъект қуидаги амалларни бажаради:

– тушунчаларнинг шакли ва мазмунини ўзгартирмасдан қайта ишлаб чиқади;

- тушунчалар шаклини ўзгартириб, уларни қайта ишлаб чиқади;
- илгари ўзлаштирилган тушунчалардан расмий-мантиқий фикрлаш усулларидан фойдаланиб, уларни қайта ўзгартиради;

- назарий фикрлаш асосида янги тушунчалар шаклланади.

Одатда педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар талабалар эътиборига дарҳол уни ҳал этиш мумкин бўлган масала кўринишида ҳавола этилади. Педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар мазмунида акс эттирилган муаммо, кўпинча, амалий ҳаётда учраб туради. Талабалар уларни шундай қайта ифодалашлари керакки, мавжуд тажрибаларга таяниб, ечимга эришиш имконини берувчи шартларни реал вазиятдан ажратиб олсинлар.

Талабаларга масалаларни бундай кўринишида таклиф этиш, ўқув-педагогик ёки ишлаб чиқариш жараёни муаммоли вазиятларда шартларни излаш ёки ифода этиш жараёнида субъектлар томонидан ташкил этилувчи интеллектуал фаолиятни гўёки талабалар ўрнига ўқитувчи амалга оширгандек бўлади. Мустақил ўқишида шартлар олдиндан маълум қилинмайди.

Агарда ўқитувчи томонидан масалага айлантирилган ўқув топшириқларини бажариш жараёнида талаба ечим йўлини топа олмаса, у

ҳолда у аниқ вазиятга дуч келиб, ушбу вазиятни педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни муаммосининг ечимини излашга имкон берувчи ҳолатга айлантира олмайди. Масалани ечиш маълум дидактик вазифаларга қатъий амал қилишни тақозо этади. Масала шартлари аввалдан тузувчи томонидан белгилаб қуилганда, талабадан вазиятни қайта ўзгартириш малакасини намойиш қилиш талаб этилмайди. Шу боис талабалар билимларини бошқа вазиятга кўчириш ва уларни амалда қўллашда қийинчиликлар ҳис этадилар.

Тажриба ишлари ўқувчилар, касб-хунар коллежлари ва педагогик университетлар талабаларининг масалани ечишда, тахминан бир хил даражада эканликлари, бироқ ўқув-педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни муаммолари шартини ифода этишга тайёр эмасликларини кўрсатди.

Мустақил билим олишда кўпроқ шартлари ифода этилмаган топшириқларни бажаришга тўғри келади. Масалани ечар экан, талаба шартларни ўзгартириш қонунлари билан танишади, аниқ бир муаммони таҳлил қилиш ва ўқув-педагогик ёки техник-технологик масалани бажаришда мавжуд кўникма ва малакалардан фойдаланади.

Ўқув муаммолари ёрдамида педагогик-психологик ва техник технологик тушунчаларни шакллантириш талабаларга мустақил равишда муаммо белгиларини аниқлаш, муҳим маълумотларни иккинчи даражали маълумотлардан ажратиб олиш ва кўшимчаларни излаб топиш имконини беради.

Бундай педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқларни қуидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Шартлари ифода этилган, лекин ечиш учун зарур бўлган барча маълумотлар берилмаган масалалар. Улар назарий ва амалий масалалар тарзида икки гурухга ажратилади. Амалий масалалар ҳақиқий педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни билан узвий боғлиқ бўлади. Бундай масалаларни ечишда фақатгина ақлий фаолият, билим, малака ва кўникмаларгина эмас, балки сенсор ва ҳаракатлар фаоллигига эришиш талаб этилади. Бу масалалар мустақил билим олиш технологияларининг амалиёт билан узвийликни таъминлашга ёрдам беради.

2. Ўзлаштирилмаган билим, ҳаракат ва операцияларга дуч келинмайдиган масалалар. Улар аввал ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш, уларни янги вазиятларда қўллаш, фикрлаш малака ва кўникмаларини эгаллаш ҳамда мавжуд билимларни мустаҳкамлаш учун мўлжалланган.

3. Саволлар – янги билимларни қабул қилиш ва ўзлаштиришга тайёрликни аниқловчи восита. Саволларда қуидаги икки жиҳат қўзга ташланади: мавжуд билимларини текшириш ва мустақил хulosага келишга

йўналтириш. Саволлар репродуктив ва продуктив тарзида икки гурухга бўлинади. Репродуктив саволлар хотирани мустаҳкамлаш, продуктив саволлар эса фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қиласди. Улар субъектларга ақлий ҳаракатларни ўзлаштиришга ёрдам беради, шунингдек, анализ, синтез, таққослаш, солиштириш, умумлаштириш муҳимини ажратиш, мустақил равишда хulosаларга келиш ва амалий қарорларни қабул қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Талабалар педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар ёрдамида педагогик ҳодисалар, техник обьектлар, технологик жараёнлар ўртасидаги турли хусусият ва боғлиқликларини аниқлайдилар (таҳлил ва умумлаштириш кўринишидаги ҳаракатларни амалга оширадилар), уларни ўзаро солиштирадилар, таққослайдилар, бу ҳодиса, жараён ва обьектларнинг умумийлиги ва ўзига хос муҳим хусусиятларини кўрсатадилар. Ўқув топшириқлари аста-секин мураккаблаштириб борилади. Энг яхши тайёргарликка эга бўлган иқтидорли талабалар ижодий ва изланиш хусусиятига эга бўлган мураккаб топшириқларни бажарадилар. Камроқ тайёргарликка эга бўлган талабалар, соддароқ топшириқларни бажарадилар, лекин шунга қарамасдан, топшириқлар устида ишлаш уларга умумий масалани ҳал этишда гурух билан бирга ишлашга имкон беради. Мураккаб топшириқларни бажариш баъзи талабаларга педагогик-психологик ва техник-технологик тушунчаларини илмий даражада дарҳол ўзлаштириш имконини беради.

Бу даражадаги талабалар учун ҳаракат қилиш, ривожланиш, мустақил фаолиятга мақсадли йўналганлик, тизимли равишда иш юритиш ўқув фанига ва мустақил ишга такомиллаштирилган методик қўлланмалар асосида ўз қизиқишиларини, билимларини чуқурлаштиришга интилиш хусусиятлари хос бўлади. Талабалар кўпинча дарсликда берилган метериални онгли ўзлаштирмай, фақат ёдда сақлаб қоладилар ва ўқитувчига гапириб берадилар. Бундай талабалар – фаолиятда ҳам фақат топшириқ асосида ишлашга ўрганиб қоладилар. Улар берилган «Намуна» асосидагина иш юритадилар. Натижада фаол мустақил тафаккурга эга бўлишга интилмайдилар. Бу куйидаги хulosаларда ифодаланади: ўқитувчи уларнинг мураккаб материални тушунтириб беради; талаба тайёр материал асосида иш кўради, янада мураккаброқ материал устида ишламайди. Ўқитувчи китобда ёзилгандан кўра оддийроқ, тушунарлироқ тилда тушунтириб беради.

Мустақил таълим олии фаолиятининг биринчи босқичида фанларга бўлган қизиқиши асосий манба бўлади. Бироқ бу қизиқиши унчалик қатъий ва чуқур бўлмайди. Бунда ҳам мақсадга йўналтирилган, тизимли, маҳсус ташкилий, мустақил таълим фаолияти мавжуд эмас. Фақат китоблар ўқиш,

махсус маърузалар тинглаш, мустақил тафаккур фаолиятига интилиш бўлади. Шахснинг қизиқишилари ҳам мужассамлашмаган, у ҳам кўплаб қўшимча, кенг миқёсли ишларини амалга оширади, бироқ буларни узвий равишда эмас, балки баъзан ва чукур билимига эга бўлмай амалга оширади.

Мустақил таълим фаолиятининг иккинчи босқичида талаба мустақил (албатта, нисбатан) ўз олдига мақсад ва вазифалар қўйиб, мазмунини англаб, ташкилий ишларни амалга ошириб борадилар. Бу даврда талабалар шахсий – ҳаётий режалар, ғояларни амалга ошириш воситаси сифатида касбий вазифаларни ҳал этади. Иккинчи босқичда қизиқишилар жиддийлашади, фаннинг алоҳида қисмини ўрганиш, бу орқали ўз ҳаётий режаларини тузиш, бирор касбни эгаллашга бўлган қатъий истак асосий ўрин тутади. Онгли равишда қўшимча фаолият бошланади, ўз ғояларини амалга ошириш воситасига айланган мустақил таълим билан шуғулланилади. Мустақил таълим онгли равишда ташкил этилган, тизимли тус олади, унинг марказида мустақил тафаккур шаклланиб боради. Биринчи ва иккинчи даражалардаги мустақил таълим мазмунини таққослагандаги үлардаги фарқ турлича манбалардан фойдаланиш ва ҳар хил шаклларда амалга оширилиши билан ажralиб туради. Улардаги турли – туманлик ўз мустақил тафаккурини шакллантиришдаги барча эҳтиёжларни таъминлашга қаратилгандир.

Мустақил таълим фаолиятининг учинчи босқичида талабалар мустақил таълим билан бир неча йил шуғулланиб, ўз касбий мақсадлари, харакатлари, вазифаларини аниқ белгилаганликлари билан фарқланади.

Мустақил билим олиш даражасини баҳолаш ўз - ўзини баҳолаш ва ўқитувчи томонидан баҳолаш асосида қиёсланади.

Талабаларни мустақил ишга тайёрлашда ўқитувчиларнинг роли, айниқса, катта бўлади. Ўқитувчи мустақил иш мавзусини талабанинг имкониятига, билим даражасига мослаб, талабада шу ишга нисбатан қизиқиши ўйғотадиган ва мустақил фикр юритишга мажбур қиласидиган қилиб белгилаш лозим ва бу ишни бажариш учун зарур бўладиган барча маълумотларни бера билиши, методик қўлланма, ишни бажариш тартиби керак бўлганда савол – жавоблар уюштиришни, маслаҳаталар бериши ва шу мавзулар бўйича экскурсиялар ташкил қилиш зарур.

Бакалавр ўқитувчи тайёрлаш ўқув режасига кирган таълим дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилган. Барча турдаги бакалавр ўқитувчи тайёрлаш ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланган. Шундан аудитория ўқув ишлари ҳажми ҳафтасига 32 соат, қолган қисми яъни 22 соати эса аудиториядан ташқари мустақил таълим олишга қаратилган. Мусиқа таълими

йўналишида бакалаврлар тайёрлаш ўқув юкламанинг умумий ҳажми 7290 соатни, шундан мустақил иш 2432 соатни, мустақил таълим 678 соатни ташкил қиласди. Бундан кўриниб турибдики, бакалавр даражасидаги кадрларни тайёрлаш учун ўқув режасидаги 30 – 35 % ҳажми мустақил таълим олишга қаратилган.

Мустақил ишни бажаришда талабалар фанлараро боғланишни ҳисобга олиб, адабиёт танлайди, улардан керакли маъruzаларни ёзиб олади, бошланғич маълумотларни таҳлил қилиб, мустақил ишнинг мазмунини ўрганади ва шу иш бўйича бирор тушунчага эга бўлади.

Берилган масаланинг бир қисмини аудиториядан ташқарида (кутубхона, лаборатория хонаси ва бошқалар.) ҳам мустақил ишлашга рухсат қилинади. Мустақил иш дастурини белгилашда маъruzada ўтилган мавзуларнинг такрорланишига йўл қўйилмаган ҳолда, талаба учун илмий ва амалий муҳим, ўргангандан ўрганаётган билимлардан ижодий фойдаланиш мумкин бўлган саволлар ва масалалар қўйилади. Мустақил ишлаш учун берилган тавсиялар (1-илова) берилган бўлиб, ушбу тавсиялар асосида талабалар мустақил ишлашларини ташкил этишса мақсаддага мувофиқ бўлади.


Ўқув дастурининг берилган бўлими бўйича талабаларнинг мустақил тайёргарлиги тугагач, фикр алмашувида талабалар ўқиб ўргангандан адабиётларидағи асосий, қизиқарли масалалар ўртага ташланади ва фанлараро боғланиш, таҳлили, бу тўғридаги ўз фикрлари ва ҳакозалар хақида тартиб билан маъруза қиласди. Берилган масала бўйича фикрлашуви ва тортишувида фаол иштирокига қараб, ўқитувчи талабаларни баҳолайди.

Мусиқа таълими педагогикасига оид адабиётларда мустақил ишларнинг қўйидаги турлари қайд қилинган:

- намуналар бўйича мустақил ишлар;
- реконструктив – вариатив мустақил ишлар;
- эвристик (қисман ижодий) мустақил ишлар;
- ижодий тадқиқот мустақил ишлари. [17]

Ушбу мустақил иш турларига биз яна мустақил таълимнинг натижасини баҳоловчи дидактик синтез элементини қўшдик ва қўйидаги ҳолатга келтирдик.

Мустақил ишларнинг турлари.



- Намуналар бўйича мустақил ишлар типик вазифаларни, турли машқларни намуна асосида ечишдир. Улар материални ўзлаштиришга омил бўлади, лекин талабаларнинг ижодий фаоллигини ўстирмайди.
- Реконструктив – вариатив мустақил ишлар нафақат билимларнинг амалий тавсифномасини, балки билимлар тузилмасини қайта ишлаб чиқиши, масала, муаммони ечишда мавжуд билимларни жалб қилишни кўзда тутади.
- Эвристик мустақил ишлар маъруза, лаборатория, амалий машғулотлар, семинарларда қўйилган айрим масала, муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқдир. Тадқиқий мустақил ишлар тадқиқот муаммосини кўра олиш малакасини, уни мустақил ифодалай олиш, фаразни белгилаб олиш, муаммонинг ҳал қилиниш режасини ишлаб чиқиш, уни ҳал қилишни мўлжаллайди.
- Ижодий тадқиқот ишлари. Бундай ишларда вазифа муаммоли вазиятнинг юзага келишини тақозо қиласиган шароит яратишдан иборат бўлади. Талаба ўз фаолиятида тайёр намуналардан озод бўлган ҳолда масаланинг ҳал қилиниши йўлларини қидиради, тадқиқ қиласиги. Бундай ишлар сирасига эксперемент қўйиш, жихозлар, макетлар ва дастгоҳларни лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган вазифалар киради.
- Дидактик синтез. Талаба ўз - ўзини танқидий назорат қиласиган ҳолда эгалланган ёки ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малака элементларини таҳлил қилиб таълим мақсадларига қай даражада эришганлигини аниқлайди. Мустақил ишларнинг ижодий баркамолликдаги самаралари хақида хуносалар чиқаради.

Мусиқа таълими йўналиши талабаларининг мустақил таълим олиш фаолияти билим олиш жараёнларини ва амалий фаолият олиб боришни, технологик жараён ва техник объектларни танлаш жараёнини, ижодий фикрлаш жараёнларини жадаллаштиради, юксак ақлий ривожланишнинг асосий шарти сифатида мустақил ва фаол фикрлашни шакллантиради.

Бўлажак мусиқа таълими бакалавр ўқитувчиларининг мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантиришни қўйидаги йўллар асосида тартибга келтирдик:

- ўқув фаолиятида инсон объектив борлиқни ўрганишда, ўзининг ҳаётий тажрибасини бойитишда, табиатга таъсир кўрсатиш воситаларини билиб олишда шу билан бир вақтда ўзининг қобилияtlарини ривожлантиришда ёрдам берувчи идрок этиш малакаси муҳим роль ўйнайди.

- талабалар амалий фаолияти жараёнида керакли билим, кўникма ва малакалар эгаллашлари, бу жараёнда ўқитувчи кузатишга, ўз кузатишларини тажрибалар йўли билан текширишга, ўқув адабиёти билан ишлашга, фан маълумотларидан кундалик ҳаётида фойдаланишга ўрганади.

Мусиқа таълими ўқитиши методларидан талабаларда мустақил таълим олиш малакаси шаклланганлик даражасини аниқлашда фойдаланиш мақсадга мувоғиқ бўлади.

Уларни шартли равишда қўйидаги номлар билан аташ мумкин:

1. Ўқув материалларини ўрганишда ва мустақил иш жараёнини ташкил этишда умумийдан муҳимларини ажратиб олиш малакаси (ажратувчи малака);

2. Мустақил иш бажарилиши жараёнида технологик жараёнларни ва техник объектларни танлаш, ўқиши, ёзиши, чизиши, схемалар тузиши малакаси (тузиш малакаси);

3. Аудиторияда, аудиториядан ташқарида, ўқув устахонасида ва уйда мустақил ишларни самарали ташкил этиш малакаси (ташкил этиш малакаси);

4. Мустақил фикрлаш малакаси (фикрлаш малакаси);

5. Материални ўрганишда ўз-ўзини назорат қилиш малакаси (назорат қилиш малакаси).

Назорат саволлари:

1. Мусиқа таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш.
2. Ўқитиши жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги.

3. Реконструктив – вариатив мустақил ишлар деганда нимани тушунасиз?

4. Эвристик (қисман ижодий) мустақил ишлар деганда нимани тушунасиз?

5. Ижодий тадқиқот мустақил ишлари деганда нимани тушунасиз?

6. Мустақил ишларнинг турларини санаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Мусиқа таълими йўналиши бакалаврларини тайёрлашда мустақил таълимнинг аҳамияти // Мактаб ва ҳаёт. –Тошкент, 2004. -№ 1. -Б. 18-20.

2. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Мусиқа таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. Методик қўлланма. -Т.: ТДПУ, 2006. - 46 б.

3. Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А. Ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим интеграцияси. Методик қўлланма.-Т.:Низомий номидаги ТДПУ. 2006. -47б.

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Амалий машғулот: Педагогларда мусиқа таълими фанларини ўқитиш сифатларини ривожлантириш. (4 соат)

Машғулотнинг бориши:

1. Яккановозлик, жўрнавозлик ва жўрсозликларни ютуқ ва камчиликларни ифодаланг.
2. Мусиқа тинглашни қоидагаларини ифодаланг.

1-Топшириқ. Яккановозлик, жўрнавозлик ва жўрсозликларни ютуқ ва камчиликларни ифодаланг.

«Бумеранг» технологияси.

«Бумеранг» технология бир машғулот давомида ўқув материалини чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга (моммоли, муозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шакилларини қамираб олади ҳамда бир машғулот давомида ҳар бир иштирокчининг турли топширикларини бажаришини, навбат билан ўкувчи ёки ўқитувчи ролида бўлиши керакли баллни тўплашга имконият беради.

«Бумеранг» технологияси танқидий фикрлаш мантиқни шакиллантиришга имконият яратади; хотирани, ғояларни фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шакилларда баён қилиш кўниқмаларни ривожлантиради.

- жамоа билан ишлаш маҳорати;
- муомилалик;
- ҳушфеллик;
- кўникувчанлик;
- ўзгалар фикрига хурмат;
- фаоллик;
- раҳбарлик сифатларини шакиллантириш;
- ишга ижодий ёндошиш;
- ўз фаолиятининг самарали бўлишига қизикиш;
- - ўзини ҳолис баҳолаш.

1-топшириқ. Ушбу расмда берилган Яккановозни, жўрнавозни ва жўрсозни топинг.(1-расм)

Якка навоз	
-----------------------	--



Жўр навоз

Жўрсоз

1-расм



2-расм

Танланган жавобни карточкаларда тасвирланган расм ёнидаги бўш катақчага жойлаштиринг. (2-расм)

Тўлдирилган карточкалар доскага илиниб қўйилади.

Ҳар бир гурухдан вакил чиқиб мавзуни тушунтириб беради.

Ҳар бир карточкалардаги гуруҳ жавоблари таҳлил қилинади ва хулоса келтирилади.

1-Топшириқ. Мусиқа тинглашни қоидагаларини ифодаланг.

Тинглаш маданияти:

Сиз ҳаётда жуда кўп мусиқа тинглайсиз:

Радио-телевидение орқали. театр ва концертларда. кино лавҳаларида, мактабда ва уйда. Мусиқа янграйди. Ҳалқ ўз ҳаётини қўшиқда, мусиқий оҳангда, рақсда ифода этади. Кўп мусиқаларни композиторлар яратадилар.

Улар қўшиклар, куйлар, опера, балетлар, хор ва оркестр учун асарлардадир.

Мусиқа тинглашни билиш зарурдир. Бунинг учун қўйидаги қоидагаларга риоя этиш жуда зарурдир.

1. Мусиқани диққат билан тинчликда тингла.

2. Тўғри ва қулай ўтири.

3. Шовқин қилманг, гаплашманг, дўстларингизга мусиқа тинглашга халақит берманг.

4. Мусиқа тўхтаганида қалбингдаги мусиқани тинглаб ва ўйлаб кўринг.

Мусиқа сизда қандай таасурот қолдирди?

Мусиқа тинглаганда кўз олдингизга нима келди?

Композитор ушбу мусиқа орқали нима демоқчи?

Мусиқа қандай ўзгарди?

Ким уни ижро этди? (яккаовозми? жўрнавоз-ликми? Жўрсозликми? оркестрми? ва бошқалар.)

5. Диққат билан ўқитувчини саволини эшит, ўз таасуротларинг хақида

гапириб бер, мусиқа ҳақида фикр юрит, асар ҳақидаги сұхбатда қатнаш.

6. Уйда мусиқа тингла.

2- амалий машғулот. Мусиқа таълим жараёнининг қонуниятлари.

Мусиқа таълимнинг ташкил этиш шакл, метод ва воситалари (4 соат).

1-топшириқ. Мусиқа таълим жараёнининг қонуниятларини изоҳлаб беринг.

2-топшириқ. Касбий таълимнинг ташкил этиш шакл, метод ва воситаларини тоифалаш жадвалида изоҳланг.

ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ

Тоифа-хусусият ва муносабатларни мұхимлигини намоён қилувчи (умумий) аломат.

Ажратылған аломатлар асосида олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.

Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш күникмаларини ривожлантиради.


Шакллар	Методлар	Воситалар

3-амалий машғулот. Касбий таълим бўйича ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибалар. (4 соат)

1-топшириқ.

1. Мусиқа таълим йўналиши бўйича АҚШ ва Англия таълим тизимини “Венн” диаграммасида ифодаланг.

2. Касбий таълим йўналиши бўйича Франция ва Корея таълим тизимини “Венн” диаграммасида ифодаланг.



2-топшириқ.

1. Мусиқа таълим бўйича ривожланган Норвегия, Туркия ва Дания мамлакатлардаги илғор тажрибаларни таҳлил қилинг ва Т-жадвалида изоҳланг.

Асосий фарқлар	
Ижобий	Салбий

4-Амалий топшириқ. Мусиқа таълими фанларни ўқитишида инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш. (2 соат)

**НАЗАРИЙ ДАРС ВА АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРНИ
РЕЖАЛАШТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ**

Мусиқа таълими фанида **назарий дарс**- режали ташкиллаштирилган, аниқ мақсадга қаратилган ва таълим берувчи томонидан бошқариб туриладиган таълим ва тарбия жараёнидир. Бу жараёнда маълум бир махсус соҳа бўйича назарий билимлар тизимли равишда таълим олувчиларга

етказилади. Бу жараёнда таълим берувчи назарий билимларни амалиётда кўллаш йўллари билан танишитиради.

Назарий дарс асосан маҳсус жиҳозланган синфоналарда ўтказилади. Бу синфоналарда турли техник воситалар ишлатилиши мумкин.

Амалий машғулот - аниқ мақсадга қаратилган ва таълим берувчи томонидан бошқариб туриладиган, аниқ бир топшириқни бажариш учун керакли назарий дарсда олинган маҳсус билимлар асосида малака ва кўнилмалар шакллантириш мақсадида олиб бориладиган режали дидактик ҳаракатга айтилади.

Амалий машғулот касб-хунар таълимининг таркибий қисми бўлиб, ўқув устахоналарида, лабораторияларда, ўқув полигонларида иш ўрнида жойлашган реал воситалардан фойдаланилган ҳолда ўтказилади.

Касб-хунар таълими тизимининг хусусияти шуки, назария ва амалиёт бир биридан алоҳида, яъни назарий таълим ўқув аудиторияда, амалий машғулотлар устахона ва лабораторияларда амалга оширилади. Назарий дарсда керакли маҳсус билимлар амалий дарсга нисбатан илгарироқ берилиши таъминланиши керак. Амалий машғулотларда таълим берувчи иш ўрнида фақат иш топшириқларига тегишли қўшимча билимларни бериши керак. Агарда амалий машғулотларда таълим берувчитаълим олувчиларнинг дастлабки билимларида камчиликлар борлигини аниқласа, у керакли назарий билимларни беради.

Дарсни режалаштириши - кутилаётган ўқув натижаларига эришиш мақсадида ўқув жараёнига тайёргарлик кўриш: таълим методларини танлаш, тарқатма материаллар ва ўқув-дидактик воситалар тайёрлаш.

Барча имкониятларни инобатга олган ҳолда, бир марта тузилган режада ўзгаришлар бўлмаслигига ҳаракат қилиш керак. Таълим берувчи учун режалаштириш ўқув жараёнини бошқаришда хатоларга йўл қўймаслик деганидир. Таълим олувчи учун режалаштириш, у бўлажак ўқув жараёни тўғрисида ва таълимдан нималарни кутиши мумкинлиги ҳақидаги аниқ тасаввурга эга бўлиши деганидир.

Назарий дарс ва амалий машғулотларни режалаштириш қўйидаги даражаларда амалга оширилиши мумкин:

- бутунтаълим даврида ражасида;
- бир ўкувийлида ражасида;
- бир семестр даражасида;
- бир ой даражасида;
- бир ҳафтада ражасида;
- бир кун даражасида;
- назарий дарснинг бир соати даражасида.

Кўпинча ҳар хил вақт даражалари учун мўлжалланган режалар бир вақтнинг ўзида қўлланади.

Мақсадлар ва мазмунларни режалаштириш одатда маҳсус бир соҳа бўйича бўлади ва уни таълим берувчининг ўзи тузади. Бунинг учун танланган маҳсус соҳа бир неча мавзуларга ёки материал соҳаларига бўлинади. Сўнг методлар ва шароитлар режалаштирилади.

Бу муносабатда эътиборингизни «Таълим берувчининг дидактик ҳатти-харакатлари» моделига қаратмоқчимиз(1.1-чизма).



1.1-чизма. Таълим берувчининг дидактик ҳатти-харакатлари

Юкорида тасвирланган таълим берувчининг дидактик ҳатти-харакатлари модели бир маҳсус соҳани режалаштириш мақсадида қўлланиши мумкин.

Назарий дарс ва амалий машғулотларни тўғри режалаштириш учун, таълим берувчи ўзининг вазиятидан бошлиши лозим, яъни «Мавзуни илм-фаннынг энг сўнгги замонавий талабларига мувофиқ ўргата оламанми ёки бунинг учун мен яна алоҳида тайёрланишим керакми?» ҳамда «Бирор ишлаб чиқарилган назарий дарс режаси ёки амалий машғулотларнинг режаси борми?» деган саволга жавоб бериши керак.

Бундан кейин, таълим берувчи таълим оловчиларнинг дастлабки билим ва кўнимкаларини аниқлаб олиши лозим.

Бунинг учун қўйидаги асосий саволлар қўйилиши лозим:

• Назарий дарс ёки амалий машғулотларни ўтказиш учун таълим олувчиларнинг дастлабки билимлари қай даражада?

• Назарий дарс ва амалий машғулотларни ўтказиш учун қандай шартшароитлар мавжуд?

• Қандай ўқув мазмунлар ўргатилиши кўзда тутилмоқда?

Режалаштириш учун юқоридаги саволларни ўрганиб чиқиш – назарий дарс ва амалий машғулотнинг бошқа барча тайёрлаш ҳаракатларига асосдир. Бу тушунчалар ва саволлар ўртасидаги боғлиқликни қуида кўрсатилган омиллар аниқ кўрсатади.

Мақсадлар: Нима учун ?

Ҳар бир назарий дарс ва ҳар бир амалий машғулот олдиндан белгиланган мақсадларга риоя қилиши лозим. Одатда ўқув дастури асосида белгилашимиз мумкин бўлган аниқ бир мақсадга эришилиши лозим. Мақсадлар ёзма равишда назарий дарс режасига киритилади ва мақсад эришилган-эришилмаганлиги тест ва топшириқлар ёрдамида текширилади ва мустаҳкамланади.

Мазмунлар: Нима ?

Белгиланган ўқув мақсадларга мувофиқ равишда билимлар соҳанинг мазмуни (шу жумладан кўникмалар ва ўзини тутиш тарзлари) белгиланади. Бу мазмунлар бир томондан керакли дастлабки билимларни (назарий дарс мазмунини) ва бошқа томондан топшириқларни бажариш учун керакли маҳсус билимларни (амалий машғулот мазмунини) инобатга олиши керак.

Метод: Қай тарзда ?

Агар мақсадлар ва мазмунлар аниқ бўлса, айнан шундай методлар танлаб олиниши кераки, улар шу мақсад ва мазмунларни ўлчанадиган натижаларга айлантира олишлари лозим. Бу муносабатда “анъанавий” ва “интерфаолметодлар” деб аталган методлар таълим берувчи томонидан танлаб олинади ва қўлланади.

Шароитлар: Нималар ёрдамида ?

Шароитлар деганда, биринчи навбатда моддий-техникшарт-шароитлар тушунилади. Бир томондан, моддий-техник шароитлар, яъни бинолар, синфхоналар, ўқув устахоналар, лабораториялар, уларнинг жиҳозланганлик даражаси, инструментлар, чиқим материалларнинг умумий ҳолати ва ҳоказо, чунки улар маълум сифат стандартларига жавоб бериши керак.

Бошқа томондан эса, ўқув воситалари тушунилади, чунки улар ўқув жараёндаги билимларни ўзлаштирилишига ёрдам беради. Ўқув мақсадларига мўлжалланган кўплаб ўқув воситалари мавжуд. Лекин гап воситаларнинг кўплигига эмас, балки муайян ўқув мақсадига эришиш учун маъқул келадиган воситаларни танлаб олишдадир.

Ташкиллаштириш: Бу қандай амалга оширилади?

Юқорида айтилган ҳамма нарсалар вақт омилини инобатта олган ҳолда ташкил қилиниши керак. Чунки ҳар бир назарий дарс ва ҳар бир амалий машғулот учун аниқ вақт меъёрлари бор ва айнан шу вақт доирасида ўқув мақсадларга эришиш лозим. Бунинг учун нафакат пухта режа, балки унумли ташкиллаштириш ҳам керак. Вақт даври, вақт давоми ва ўқув жойи – ташкиллаштириш жараёнида белгиланади. Ўргатиш ва ўрганишни ташкил қилишнинг хилма-хил имкониятлари мавжуд.

Натижалар: Мақсадга эришилдими?

Назарий дарс ёки амалий машғулотнинг охирида мақсадларга эришилган-эришилмаганлиги текширилиши керак. Бунинг учун баҳолаш воситалари, методлари ва мезонлари белгиланиши лозим. Бунинг имкониятлари – машқлар, оғзаки ва ёзма тестлар ҳамда имтиҳонлар. Улар таълим олувчиларнинг қобилиятлари, билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш имкониятини яратади.

Ўқитиши ва ўқиши цикли- назарий дарс ва амалий машғулотларни режалаштириш омилларига асосланган бўлиб, назарий дарс ва амалий машғулотлар режалаштириш, амалга ошириш ҳамда хулоса чиқариш босқичларига тааллукли дидактик ҳатти-ҳаракатларни тушунтиради (1.2-чизма).



1.2-чизма. Ўқитиши ва ўқиши цикли

Бу циклда назарий дарс ва амалий машғулот бир-биридан ажратилмайди.

1-босқич:

Назарий дарс ва амалий машғулотга нисбатан инобатга олиниши керак бўлган мавжуд вазият ва дастлабки шарт-шароитларни ўрганиш. Шу ўринда 3 хил таҳлил, яъни адресатлар (таълим олувчилар) таҳлили, шарт-шароитлар таҳлили ва маҳсус соҳа (мазмун) таҳлили амалга оширилиши лозим. Бу таҳлиллар одатда таълимнинг бошланишида, натижалари эса кейинроқ керак бўлади.

2-босқич:

Ўқув дастури асосида ўқув мақсадларни белгилаш ёки аниқлаш. Назарий дарс ва амалий машғулот учун маҳсус ўқув мақсадлар белгилаб олинади.

3-босқич:

Назарий дарс ёки амалий машғулот режасини тузиш. Бу режада барча мазмунлар, мавзулар, режалаштирилган методлар, танлаб олинган ўқув-дидактик материалларга мувофиқхолда ўқув воситалар ҳамда умумий вақт тақсимоти акс этади.

Бу режада нафақат таълим берувчининг ҳатти-ҳаракатлари, балки таълим олувчиларнинг режалаштирилган ҳатти-ҳаракатлари ҳам кўрсатилса мақсадга мувофиқ бўлади.

4-босқич:

Ўқув-дидактик материалларни тайёрлаш, чунки улар амалга ошириш босқичининг асосий дастлабки шартларидан биридир. Агар тайёр материаллар бор бўлса, уларнинг орасидан тўғри келадиганлари танлаб олинади. Агар тайёр ўқув-дидактик материаллар ёки ўқув воситалар бўлмаса, улар ишлаб чиқарилиши керак. Одатда босма ўқув воситалар, масалан тарқатма материаллар, слайдлар ва топшириқ варагалари керак бўлади, уларга қўшимча равишда эса матнли ўқув адабиётлари ишлатилади. Худди шунга ўхшаб дарсдан олдин плакат лойиҳалари ва плакатларнинг ўзи ишлаб чиқилади.

5-босқич:

Режалаштириш ва ташкиллаштириш асосида **назарий дарс ва амалий машғулотни амалга ошириш (ўтказиш)**. Бу дегани, барча ўқув воситалари билан жиҳозланган синфхона ҳамда, керак бўлса, устахонада жойлашган ўқув бурчаги ва вақт етарлича бўлиши керак.

6-босқич:

Назарий дарс ва амалий машғулот давомида ўзлаштирилган назарий билимларни баҳолаш. Бир томондан, бу – таълим олувчилар керакли

билимларни ўзлаштириб олганликларининг назорати. Яъни «Таълим олувчилар мақсадга эришишдими?» деган саволга жавоб берилиши керак.

Бошқа томондан эса, таълим берувчи учун ўз-ўзини ҳамда ишининг сифати қандай бўлганлиги текшириш. Яъни «Мен олдимга қўйган мақсадларимга эришдимми?» деган саволга жавоб берилиши керак. Иккала ҳолда ҳам ўлчанадиган натижалар бўлиши муҳимdir

5-амалий машғулот. Ўқитиш жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги. Мусиқа таълимда талабалар мустақил таълимини ташкил этиш. (2 соат)

1-Топшириқ.

1. Саволларга қисқа жавоб беринг.

1. Таълим-тарбиянинг узвийлиги –
2. Таълим-тарбиянинг узлуксизлиги –
3. талабалар мустақил таълимини –
4. Мусиқа таълимда мустақил таълимини ташкил этиш шакли –

2-Топшириқ

- 1- Ўқитиш жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлигини изоҳлаб беринг.
- 2- Касбий таълимда талабаларнг мустақил таълимини ташкил этиш жараёнини ифодаланг.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс. Педагогика бўйича яратилган адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатдики, уларда “Таълим жараёни” тушунчасининг моҳияти турлича ёритилган.

Таълим жараёни – бу:

1. Ўқувчиларга билимларни бериб, уларда кўникма, малакаларни бериш орқали у ёки бу даражада уларнинг ўзлаштирилишини таъминлаш (ўқитиш)га қаратилган фаолият.

2. Ўқувчилар томонидан БКМнинг ўзлаштирилиши (ўқиши)ни таъминловчи жараёнини бошқаришга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти (чунки ўқитиш ва ўқитиш – таълимнинг ўзаро алоқадор ва ўзаро шартланган томонларидир).

3. Ўқитувчининг ўқувчилар томонидан БКМни онгли ва пухта ўзлаштирилишига йўналтирилиб, бу жараёнда билимларнинг мустаҳкамланиши, ақлий ва жисмоний меҳнат маданияти элементларини ўзлаштириш, дунёқарашни бойитиш ва ўқувчилар хулқ-авторининг шаклланишини таъминловчи раҳбарлиги ва ҳаракатларининг изчиллиги.

4. Ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигига БКМни ўзлаштириш, қобилиятларини ривожлантириш ва дунёқарашларини шакллантиришга қаратилган фаол билиш фаолияти.

Саволлар:

1. Улардан қайси бири таълим жараёнининг моҳиятини тўла ёритади?
2. Фикрингизни қандай асослайсиз?

Тингловчиларга тавсия этиладиган манбалар:

“Педагогика” фанига оид бир неча манбалар.

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўйлангани омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга уринг.
5. Ечимни баён этинг.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан мухокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.

2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.

3. Талаба (жуфтлик, кичик гурух, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.

4. Талаба (жуфтлик, кичик гурух, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.

5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.

Ўқитувчининг ечими

1. Мазмунига қўра барча таърифлар ҳам таълим жараёнининг моҳиятини ёритишига хизмат қиласди. Бироқ, муайян фан ҳар бир категория бўйича ўзининг аниқ терминологиясига эга бўлиши, тушунчалар воқеа, ҳодиса ёки жараённинг умумий тавсифини, обьект ва предметларга хос муҳим белгиларни ёритишига хизмат қилиши зарур.

2. Келтирилган таърифлар асосида тегишли жараёнга хос умумий тавсифлар негизида тушунчани қуйидагича шарҳлаш мақсадга мувофиқ: таълим жараёни – ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ташкил этилган ҳолда илмий билим, уларни амалиётда қўллаш кўнинма, малакаларини ўзлаштиришига йўналтирилган педагогик жараён.

2-кейс. Биринчи синфда ўқиётган Дилшод шеърни ифодали ўқиб бергани учун “беш” баҳо олди. Ўқитувчи уни бунинг учун мақтади. Дилшод уйга қайтгач, шошганича, бу хабарни ойисига айтди. У, ҳатто, ўзи ёд олган шеърни ойисига ҳам ўқиб бермоқчи бўлди. Аммо, ойиси Дилшоднинг хабарини совуққонлик билан тинглади ва ўғлига қайрилаб ҳам қарамасдан деди:

- Беш олдингми? Жуда соз, баракалла, - энди овқат тайёрлашимга халақит бермагин-да, ўйнаб кел!

Дилшод тушлик ҳам қилмай қўчага чиқиб кетди.

Саволлар:

1. Вазиятни қандай баҳолайсиз?

2. Дилшоднинг онаси тарбиянинг қайси тамойилларига зид иш қилди?

3. Шу каби вазиятлар Дилшоднинг тарбиясига қандай таъсир ўтказади.

Тингловчиларга тавсия этиладиган манбалар:

“Педагогика” ва “Психология”га оид адабиётлар.

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи тарбия тамойилларини аниқланг.
3. Аниқланган тарбия тамойиллари орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган, энг муҳим тамойил (ёки иккита тамойил)ни ажратинг.
4. Ана шу тамойил (тамойиллар) асосида ечимни асослашга уринг.
5. Ечимни баён этинг.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.
2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи тарбия тамойилларини аниқлайди.
3. Талаба (жуфтлик, кичик гурух, жамоа) аниқланган тарбия тамойиллари орасидан муаммога барчасидан энг муҳим тамойил (ёки иккита тамойил)ни ажратиб олади.
4. Талаба (жуфтлик, кичик гурух, жамоа) ечимни ажратиб олинган тарбия тамойили (иккита тамойил) асосида баён этади.
5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштироқида муҳокама қилинади.

Ўқитувчининг ечими

1. Нихоятда ёқимсиз вазият. Онаси Дилшоднинг мактабга қандай бориб келганлиги билан ҳам қизиқмади.
2. Дилшоднинг онаси тарбияда боланинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш, тарбия жараёнида рағбатлантириш тамойилларига зид иш қилди.
3. Шу каби вазиятлар Дилшоднинг тарбиясига салбий таъсир ўтказади, аста-секин унда қўрслик, бефарқлик, ўз-ўзини паст баҳолаш, ўзига ва атрофдагиларга ишонмаслик каби хислатлар шаклланади.

- 3-кейс.
1. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шаклларни аниқлаш.
 2. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали методларни танлаш.
 3. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилувчи тарбия воситалари белгилаш.

Тингловчилар учун методик кўрсатмалар

1. Тегишли адабиётлардан шакл, метод ва восита тушунчалари қандай маъно англатишини ёдга олинг.
2. Оиланинг тарбиявий имкониятлари ва шахс маънавиятини шакллантириш жараёнларининг моҳиятини чуқур ўрганинг.
3. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шакл, метод ва воситалар аниқланг.
4. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шакл, метод ва воситаларини тизимлаштиринг.
5. “Кўзгазма” методи ёрдамида оила тарбиясининг талабалар маънавиятини юксалтиришдаги самарали шакл, метод ва воситалари асосида плакат ишланг.



Кейсни ечиш жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.
2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.
3. Талаба (жуфтлик, кичик гурух, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.
4. Талаба (жуфтлик, кичик гурух, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.
5. Ечим индивидуал, кичик гурухлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.

Ўқитувчининг ечими
1-топшириқ бўйича



2-топшириқ бүйича



VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Олий таълимда мусиқа таълими фанларини ўқитиш методикаси ривожлантирувчи методларни ўрганиш. Олий таълим муассасалари педагогларида мусиқа таълими фанларини ўқитиш методикаси ривожлантиришга хизмат қиласидиган воситалар билан танишиш. ОТМ педагогларида мусиқа таълими фанларини ўқитиш методикаси ривожлантиришда самарадор бўлган технологияларни аниқлаш ва уларни ўзлаштириш.

Тингловчи мустақил ишни тайёрлаши учун қуийдагича йўл тутиш тавсия этилади: ОТМ педагогларида мусиқа таълими фанларини ўқитиш методикаси ривожлантирувчи метод, восита ва технологияларга оид ўқув ва илмий адабиётлар, шунингдек, Интернет материаллари билан танишиш; ОТМ педагогларида мусиқа таълими фанларини ўқитиш методикаси ривожлантирувчи метод, восита ва технологиялар борасидаги билимларни ўзлаштириш; шахсда эстетик сифатларини шакллантириш ва ривожлантирувчи маҳсус тестлар билан ишлаш; маҳсус адабиётлар асосида мавзу устида ишлаш.

Мустақил таълим саволлари

1. Мусиқа таълими фанларини ўқитишда дарс сифатини ривожлантиришда қўлланиладиган илмий-тадқиқот методларини изоҳланг.
2. Мусиқа таълими фанларини ўқитишга қандай сифатлар хос?
3. Педагогларда қандай ижодий-педагогик фаолият малакалари мавжуд бўлиши зарур?
4. Мусиқа таълими фанларини ўқитиш сифатларини ривожлантиришнинг қандай йўллари мавжуд?
5. Олий таълимда мусиқа таълими фанларини ўқитиш методикаси

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Созандалик	Маълум бир созни (рубоб, танбур, дойра, най ва х.к) мукаммал эгаллаган, ҳам жўрнавоз, солист ва жамоавий ижроларда қатнашиб, мумтоз санъатни тарғиботчисидир.	This is player of Uzbek national instruments like rubob, tanbur, doyra, nay and ets. He can play with soloists, he solo player and play with other instruments.
Анъанавий ижрочилик	Миллий мусиқаларимизни асосини ўрганувчи соҳа	Traditional performing arts learning basic of nationale music of Uzbekistan.
Воҳага мансуб жанрлар	Катта ашула Фарғона-Тошкент воҳаси, Мавригий ва Бухорча Самарқанд-Бухоро воҳаси, Суорийлар Хоразм воҳаси. Бундан ташқари достончилик, жировчилик, ҳалфачилик, яллачилик, лапарчилик ва бошқалар.	Janrs from Fergana-Tashkent Katta ashula (Big song), from Samarkand and Bukhara Mavrigi and Bukhorcha, from Khorezm Suvoriy and also janrs like doston (play epos), jirov (play epos an another stile), khalfa (womans epos players), yalla (melodies for the dans), lapar (sing a song in competition) and ets.
Уч воҳа мақоми	Булар Хоразм мақомлари, Шашмақом ва Фарғона-Тошкент мақом йўллариdir.	That is Khorezm's makom, Shashmakom and Fergana-Tashken's makom ways.
Устоз-шогирд тизими	Устоз шогирд тизими анъанавий ижрочилик соҳасида энг сермаҳсул дарс бериш услуби.	From teacher to student systems effect way for learning traditionale performing arts.
Мукаммал ижро	Барча жиҳатлари тўлиқ, чиройли, беҳато ижро мукаммал ҳисобланади.	All parameters is full and beutefull plays is the original perform.
Номукаммал ижро	Камчиликлари мавжуд бўлган ижро номукаммал ижро дейилади.	Perfom with the mistakes we call unoriginal perform.
Ижрочилик мактаблари	Маълум бир устоз ижрочи томонидан яратилган ижро мактаби дейилади. Ҳозирги	Performing schools belded from one of masters. Now in our contry many of

	кунда бундай мактабларнинг жуда кўп намуналари мавжуд.	performing schools
Инновация	янгиланишни, ўзгаришни амалга жорий этиш жараёни ва фаолияти (инглизча инновация – киритилган янгилик,ихтиро). Илмий техника ютуклари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқарув ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек,уларнинг турли соҳалари ва доираларда қўлланишиниакс этгиради.	Innovation is the creation of better or more effective products,processes, services, technologies,or ideas that are accepted bymarkets, governments, andsociety. Innovation differs from invention in that innovation refers to the use of a new idea ormethod, whereas invention refersmore directly to the creation ofthe idea or method itself.
Технология	юонча сўз – «техно» - санъат ва «логос» - ўрганиш. Материаллар ёки ярим фабрикатларни олиш, ишлов бериши ва қайта ишлаш усулларини ишлаб чиқувчи ва такомиллаштирувчи илмий фандир. Муайян ишлаб чиқариш соҳасидаги усуллар ва жараёнлар мажмуаси. Информатикада турли туман ахборот технологиялари ишлатилади, биринчи навбатда, компьютер технологиялари	Is the making, usage and knowledge of tools, techniques,crafts, systems or methods of organization in order to solve aproblem or serve some purpose. The word technology comes from greektεχνολογία (technología); from τέχνη (téchnē), meaning "art, skill, craft", and -λογία (-logía), meaning "study of"
Метод	юонча сўздан олинган бўлиб, “metodos” - бирор нарсага йўл маъносини англатади. Методтариҳий тадқиқотлар жараёнида аник мақсадга олиб борувчи усуллар ва жараёнлар йиғиндисидан иборат.	a method is a associated with. Methods define the behavior to be exhibited by instances of the associated class at program runtime. Methods have the special property that at runtime, they have access to data stored in an instance of the class they

		are associated with and are thereby able to control the state of the instance. The association between class and method is called binding. A method associated with a class is said to be bound to the class.
Ахборот Технологиялари	ахборотни йиғиш, сақлаш, узатиш, ўзгартыриш, қайта ишлаш усул ва воситалари йиғинди сидан иборат	Practical part of scientific area of computer science representing set of means, ways, methods of the automated tax, processing, storage, transfer, use, producirovaniya of the information for reception certain(determined), obviously expected, results.
Ҳамкорликда Үқитиши	Машғулотлар жараёнида талабалар билан ахборот, шахсий ва касбий тажрибаларни алмашиш сидаги гурӯхий үқитиши шакли	Information sharing, personal and professional experiences among the students in the process of group face-to-face classes
Дарс ишланмаси Lesson planning	Таълимий мазмунга эга лойиха ва ўқитувчи томонидан тузилиши мажбурий бўлган хужжат	An obligatory document completed by a teacher and a project that has educational essence
Драматик ўйинлар	Психологик ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган ўйинлар	Games intended for solving psychologic and social issues
Инновацион таълим Innovative education	Талабада янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим	Education that allows to develop skills and qualities for a student
Интерфаол таълим Interactive education	Талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро	The education based on organization of interaction in mastering by students certain moral qualities,

	харакатини ташкил этишга асосланувчи таълим	skills and knodlegde
“Кейс-стади” технологияси “case study” technology	Муаммоли вазият; талабаларда аник, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантиларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласидиган технология	A technology that forms skills in earching for proper variants by analizing created or authentic dilemma (problematic situation) or problems
Муаммоли вазият Dilemma	Талабаларнинг маълум топшириқларни бажариш (масалани ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида юзага келган зиддиятни англаши билан боғлиқ руҳий ҳолати бўлиб, у ҳал этилаётган масала билан боғлиқ янги билимларни излашни тақозо этади	It is a psychological state of a student that is related with tension that occurs during a process of accomplishing the assignments, and it requires to master skills, knowledge for successful and effective accomplishment
Муаммоли маъруза A problem lecture	Ўқитувчи томонидан талабани муаммоли вазият, муаммоли масалани ҳал этишга йўналтириш орқали унда билиш фаоллиятини оширишга йўналтирилган маъруза	A lecture aimed at increasing students' study activity in solving an issue or dilemma
Муаммоли таълим технологиялари Problem education technologies	талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиласидиган таълим технологиялари	The technologies that develop students' competence and skills in carrying out creative researches, promoting certain theories, reasoning the results, coming to some conclusions
Мустақил таълим Independent learning	ОТМ талабаларида педагог раҳбарлиги ва назорати остида ўқув ҳамда мутахассислик фанлари бўйича маъруза, семинар ва амалий машғулотларида эгалланган БКМни мустаҳкамлаш, бойитиш, улар томонидан янги БКМни мустақил ўзлаштирилишини таъминлаш,	education aimed at preparing the students of higher educational institutions for independent organization of professional activity, self-mastering and improving skills and competence obtained in lectures, seminars and practical lessons on

	уларни касбий фаолиятни мустақил ташкил эта олишга тайёрлашга йўналтирилган таълим	specialized study subjects under the supervision and control of pedagogues
Таълим жараёнини лойиҳалаштириш Projecting the educational process	Ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришдан то оммавий баҳолашгача бўлган мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи маҳсус ташкил этилган мақсадли ўкув фаолияти	A targeted educational activity organized in order to develop students' skills in carrying out independent actions to plan and organize activites and its assessment
Таълим тизимини модернизациялаш Modernization of educational system	Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини, жамият ва давлатнинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш бўлган талабини қондириш йўлида узлуксиз таълим тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида мавжуд механизмнинг қайта ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилиши	Improving or developing an existing mechanism in order to provide sustainable development of continuous educational system that meets students' needs and interests as well as society's social, economic and cultural and country's skilled personal needs
Технологик харита Technological map	Таълим жараённи бажарувчи ёки маълум обьектга техник хизмат кўрсатувчи педагогларга тақдим этиладиган барча зарур маълумотлар, кўрсатмаларни ўз ичига олган хужжат	A document that comprises all necessary information that is represented to pedagogues that lead educational process or those who carry out technical services to a certain object
Шахсга йўналтирилган таълим Student-centered education	Талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing particular characteristics and abilities and personality of a student by considering his thinking and action strategies
Ўқув топшириклари	Ўрганилаётган мавзу бўйича талабалар томонидан ўзлаштирилган билим,	A set of learning assignments that allows to identify the level of

Study assignments	күникма ва малакалар даражасини аниқлашга хизмат қиладиган таълимий вазифалар йиғиндиси	knowledge, skills and competence of students on a certain subject
--------------------------	---	---

VIII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат.– Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.
3. Баркалов С.А. Системный анализ и принятие решений.– Воронеж: НПЦ ВГУ, 2010. 662с.
4. Innovative Methods of Teaching Dr. Damodharan V. S. ACCA, AICWA and Mr. Rengarajan.V AICWA.
5. The Importanke of Musik. A National plan for Musik education.
6. Tertiary Music education in Australia. TASK FORCE REPORT September 2011
7. The future of music making and music education in a transformative digital world UNESCO Observatory, Faculty of Architecture, Building and Planning, The University of Melbourne refereed e-journal Vol 2. Issue 2. December 2011
8. Васильева А. Организационные принципы работы детского хора//Вопросы методики преподавания музыкальных дисциплин. -Т., 1991
9. Воспитание музыкой. Москва.: «Просвещение», 1991 г.
10. Музыкальная психология: Учебное пособие. / автор сост. Кадиров Р.Г., -Т.: Музыка, 2005.
11. Орипова Р. Усмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш (мактабдан ташқари муассасалардаги мусиқий түгараклар мисолида). -Т., 2007,
12. Соипова Д. мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчи шахсини шакллантириш. П.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.13.00.01.), 2006 й.
13. Соипова Д. мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш. -Т.:Фан ва технологиялар нашриёти, 2005 й.
14. Соипова Д Мусиқа ўқитиш назарияси ва методикаси -Т.2009 ЎзДК
15. Шарипова Г.Мусиқа ўқитиш методикаси -Т. Турон -Истиқбол 2008
16. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). -Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
17. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии образования. Учебное пособие.М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана.2002.-336с.
18. Каримова Д.А.Мусиқий педагогик маҳорат асослари -Т.Молия иқтисод 2008.

Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.edu.uz> - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги портали
2. <http://www.uzedu.uz> - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги веб сайти
3. <http://www.eduportal.uz> - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ахборот таълим портали
4. <http://www.multimedia.uz> - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази сайти
5. <http://www.bimm.uz> - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик маркази сайти
6. <http://www.pedagog.uz> - Тошкент давлат педагогика университети веб сайти
7. <http://www.giu.uz> - Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази сайти
8. <http://www.ziyonet.uz>. - ахборот таълим портали
9. <http://www.natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона веб сайти.